

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ**

---

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ  
БОШ АССАМБЛЕЯСИННИНГ  
72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИНИ ЎРГАНИШ  
БЎЙИЧА**

***Илмий-оммабон рисола***

**Тошкент – 2017**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Маънавият” НМИУ. – 2017. – бет.**

**Нашр учун масъул ижодий гурӯҳ:**

И.У. Маджидов, Б.Ю. Ходиев,  
У.П. Умрзоқов, А.Ш. Бекмуродов

**Тақризчилар:**

**О.У. Салимов** – техника фанлари доктори, профессор;  
**Қ.Қ. Қуронбоев** – сиёсий фанлари доктори, профессор

Ушбу илмий-оммабоп рисола Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилиб унда илгари сурилган ўта муҳим ва долзарб фикр ва ғоялар, амалий таклиф ва хуносалар бўйича мамлакатимиздаги таниқли олим ва мутахассисларнинг таҳлилий мулоҳазалари баён қилинади.

Шунингдек, мазкур рисолада Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг изчил равишда самарали ривожланиб бораётгани, мамлакатимизда қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар асосида батафсил ёритиб берилган.

Мазкур рисоладан талаба-ёшлиар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, тарғибот-ташвиқот гурӯҳи вакиллари ва кенг китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

*Мазкур илмий-оммабоп рисола Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаининг 2017 йил \_\_\_ -сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

## КИРИШ

Мамлакатимизда кейинги бир йил давомида бир-биридан муҳим ва унтилмас воқеалар юз бермоқда. Уларнинг барчаси аввало мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўлида янги даврга қадам қўяётганидан, узоқ ва давомли мақсадларни қўзлаб, қатъият билан илгарила бораётганидан далолат бермоқда. Бу хақиқатни бугунги кунда нафақат республикамиз, балки жаҳон миқёсидағи нуфузли сиёsatшунослар, олим ва мутахассислар ҳам кенг эътироф этмоқдалар.

Сўнгги бир ой давомида бу олтин ва олмос силсила янги улуғ тарихий ҳодисалар билан бойиб, янада мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мухтарам Президентимизнинг сентябрь ойида Америка Кўшма Штатларига амалга оширган ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, америка заминида турли давлатлар раҳбарлари, сиёsat, иқтисодиёт, банк-молия ва бизнес соҳаларининг жаҳон миқёсида кўзга кўринган намояндалари билан ўтказган учрашувлари ҳамда уларда эришилган натижалар юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини, Ватанимизнинг халқаро обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга қаратилган улкан тарихий воқеалар сифатида эл-юртимизнинг қалбидан чукур жой олди. Файласуфлар таъбири билан айтганда, бундай ҳодисалар жараёнида лаҳзалар ҳам асрларга teng қиммат касб этади. Ҳар бир дақика бутун бир тарихни ўзида мужассам қиласи. Сентябрь ойининг 18-20-кунларида – уч кун давомида бу фикрда ҳақиқаттан ҳам теран маъно ва мантиқ борлигига барчамиз, бутун Ўзбекистон халқи тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ана шу ташрифнинг энг ҳаяжонли ва унтилмас воқеаси, таъбир жоиз бўлса, авж нутқаси – бу, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи бўлди. Бу нутқни БМТ Бош Ассамблеясининг катта залига йиғилган, дунёнинг турли қитъя ва минтақаларидан ташриф буюрган мамлакатлар вакиллари билан бирга халқимиз ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан, ғурур ва ифтихор туйғулари билан тинглади. Чунки жаҳон ҳамжамиятининг бош минбари, олий саммити ҳисобланган бундай нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбарининг нутқ сўзлаши – бу халқимиз, мамлакатимиз овозининг бутун дунёга баралла таралиши, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ер юзидағи миллионлаб инсонларга Ўзбекистонимизнинг бугунги ютуғлари, эзгу мақсадларини тўғридан-тўғри етказишни англатади.

Албатта, жаҳондаги ҳар бир мамлакат ҳақида турли ахборот воситалари орқали танишишдан кўра, унинг давлат раҳбаридан, яъни, энг ишончли манбадан зарур маълумотларни эшитиш минг карра афзалдир. Шу маънода, Президентимизнинг нутқи нафақат миллий, айни вақтда глобал аҳамиятга молик ўта ноёб ҳодисадир.

Аввало, мазкур нутқ ўзининг чукур маъно-мазмуни, амалий руҳи, янги фикр ва ғоялар, халқаро ташаббусларга, ҳаётий далилларга бойлиги билан барчанинг эътиборини ўзига тортди.

Ўзбекистон раҳбари энг олий халқаро минбардан бутун дунёга мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш йўли, келажак мақсадлари, Марказий Осиё ва сайёрамиздаги энг долзарб муаммолар ҳақида, инсониятни ташвишга солаётган масалаларнинг ечимлари хусусида, Ўзбекистоннинг шу йўналишлардаги аниқ позицияси, амалий ёндашувлари, конструктив таклифлари тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди.

Мазкур нутқни мазмун-моҳияти, таркибий тузилишига кўра 7 қисмга бўлиш мумкин. Дастлаб бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг маъно-мазмуни, мақсади ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки жаҳон ахли бизга аввало мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларга қараб баҳо беради. Президентимиз умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган, беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ҳақида тўхталар экан, “Стратегия

– бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу хужжат ҳозирги вактда ҳаётимизга изчил жорий этилмоқда”<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмуни, мақсади ва йўналишини аниқ ва муҳтасар ифода этган ҳолда, “Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқамиз ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”<sup>2</sup>, деб қайд қилиб ўтди.

Президентимиз нутқида иқдисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция мухитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишлари эканига эътибор қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон шу йил сентябрь ойининг дастлабки кунларидан бошлаб миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига ўтди. Бу ҳақда БМТ минбаридан алоҳида сўз юритилди. Чунки миллий валютанинг эркин конвертация қилиниши иқтисодиётнинг, давлатнинг рақобатдошлиги, ривожланиш салоҳиятини, тадбиркорлик, ишбилармонлик учун яратилган имкониятларнинг қанчалик реал заминга эга эканини кўрсатадиган энг ишончли кўрсаткичdir. Президентимиз бу жараёнда аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолаётганини уқтирган ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича зарур чоралар кўрилганига алоҳида урғу бериб ўтди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканига давлатимиз раҳбарининг нутқида жиддий эътибор қаратилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг тарзда тараққий этаётганидан далолат бўлиб, ўз мақсад-муддаоларимизга етишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихий нутқининг иккинчи қисмида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳалқаро муносабатлардаги ҳал қилувчи роли, бу ташкилотни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш, ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш каби ўта муҳим масалалар ҳақида долзарб фикрлар билдирилди. Ўзбекистон БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириши, Бош котиб Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича ишлаб чиқилган “йўл ҳаритаси”нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Президентимиз нутқининг яна бир муҳим – учинчи қисмида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қарататётгани, қўшни давлат билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, ижобий натижаларга эришилаётгани атрофлича таҳлил қилинди. Бу борада муҳим ташаббус – ноябрь ойида Самарқанд шахрида ўтказиладиган ҳалқаро анжуманда БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг ҳавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлашга доир маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз нутқининг тўртинчи қисмида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишда ҳалқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш ҳақидаги фикрлар баён қилинди. Орол денгизининг бугунги кундаги реал ҳолатини акс эттирадиган харита Президентимиз томонидан кўрсатилганида, ўйлаймизки, она сайёрамизнинг эртанги куни ҳақида қайфурадиган ҳеч бир инсонни бу ҳолат бефарқ қолдирмади.

Нутқининг яна бир энг ҳаяжонли бешинчи қисмида афғон муаммосини ҳал этиш бўйича конструктив руҳдаги фикр ва таклифлар илгари сурилди.

Президентимиз нутқининг олтинчи қисмида терроризм ва экстремизм билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашишда фақат уларнинг оқибатлари билан эмас, балки сабаблари билан ҳам курашишга алоҳида аҳамият бериш, бу борада ёшларнинг онгу тафакқурини

<sup>1</sup> “Ишонч” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.

<sup>2</sup> Ўша манба.

маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш муҳим ўрин тутишига эътибор қаратилди. Бу принципиал жиҳатдан янги ва ўта муҳим ёндашувлар бўлиб, мазкур нутқнинг назарий ва амалий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилди.

Барчамизга яхши аёнки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратади. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Асамблеясидаги нутқида ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётий талаб ва манфаатларини таъминлаш масаласи асосий мавзулардан бири бўлди. “**Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда**”<sup>3</sup>, деб, бугунги ёшлар дунёни янгилаш, уни тараққий эттиришда нақадар буюк куч эканини таъкидлади Президентимиз. Шу муносабат билан яна бир амалий ташаббус игари сурилди, яъни, ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий хужжат – БМТнинг ёшлар ҳуқуклари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон бугунги кунда улуғ аждодларимизнинг маърифат соҳасидаги анъаналарини изчил давом эттироқда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг асосий ташаббускорларидан бири сифатида майдонга чиқмокда. Бу эса мамлакатимизнинг билим-маърифат ғояларига нақадар содик бўлиб, шу борада бошқаларга ўрнак бўлаётганини кўрсатади. Айниқса, бизнинг муқаддас ислом динимиз ҳақида ҳозирги кунда дунёниг турли бурчакларида нотўғри тасаввурлар уйғотиши ҳаракатлари кўзга ташланиб турган бир шароитда “**Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади**”<sup>4</sup> деган сўзлар БМТ минбаридан янграгани муқаддас динимиз ҳақидаги сохта ва бўйтон гапларга муносиб жавоб бўлди. Президентимиз жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда буюк маърифатпарвар боболаримизнинг бой мероси, эзгу анъаналарига таянишимизни алоҳида уқтириб ўтди. Айниқса, буюк аждодимиз, ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Сахихи Бухорий” асарининг муаллифи бўлган Имом Бухорийнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқот маркази, Тошкент шаҳрида эса Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётгани Ватанимизнинг бугунги маърифий қиёфасини кўрсатадиган буюк ишлардир.

Нутқнинг якуний, еттинчи қисмида яна бир муҳим фикр – Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёр экани, барча шериклари билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани алоҳида таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур нутқи дастлабки ўқиши-ўрганишдаёқ бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёти, давлатимизнинг ички ва ташки сиёсати, инсониятни ташвишга solaётган долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ечимлар ҳақида жуда катта маълумот, аналитик материал беради, жуда чуқур таассуротлар уйғотади. Шунинг учун ҳам мазкур нутқ ҷаҳондаги кўзга қўринган давлат ва сиёсат арбоблари, нуфузли сиёсатшунос ва экспертлар томонидан юксак баҳоланди. Масалан, Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййип Эрдўғон ҳали ҳеч бир давлат раҳбари БМТ минбаридан туриб ислом дини қадриятларини бу қадар жасорат билан химоя қилмагани, ҳеч ким Имом Бухорий номини тилга олмаганини алоҳида ҳурмат билан қайд этди.

Президентимизнинг Америка Кўшма Штатларига ташрифи турли тарихий воқеалар ва учрашувларга ниҳоятда бой бўлди. Президентимиз 19 сентябрь куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Анонтиу Гутериш билан учрашди. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида мамлакатимиз, халқимиз учун яна бир муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида муаззам Регистон майдонининг макети ўрнатилди.

<sup>3</sup> Ишонч” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.

<sup>4</sup> Ўша манба.

19 сентябрь куни Нью-Йоркда Америка Кўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясига ташриф буюрган давлат ва хукумат раҳбарлари шарафига расмий қабул маросими ўtkазилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн, Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагард, Болгария Республикаси Президенти Румен Радев, Грузия Бош вазири Георгий Квирикашвилини билан учрашди. Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагарднинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида тўхталиб, уларга **Ўзбекистон ренессанси, янги уйғониш даврининг бошланиши** сифатида баҳо бергани айниқса дикқатга сазовордир.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, Жаҳон банки президенти Жим Енг Ким билан учрашди. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Америка Кўшма Штатларида истиқомат қилаётган бир гурӯҳ ватандошларимиз билан ҳам учрашиб, самимий сұхбатлашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва АҚШ ишбилиармон доиралари вакиллари иштирокида ўтган қабул маросимида иштирок этди.

Албатта, Президентимизнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятига кўра ўта долзарб ва муҳим бўлган тарихий нутқи ва Америка Кўшма Штатларида ўтказган учрашувлари юртимизда ҳам, чет элларда ҳам чуқур ўрганилиб, унинг ҳар бир йўналиши бўйича ҳар томонлама асосланган назарий ва амалий хulosалар чиқарилади.

Шу маънода, ушбу нутқ юртимиздаги олимлар, илмий тадқиқотчилар, зиёлилар, талаба ва ўқувчилар, барча ватандошларимиз учун муҳим манба, ҳаётда, меҳнат фаолиятида дастуриламал бўлиб қолади. Биз уни ўқиб ва уқиб борганимиз сари Ватан учун, унинг манфаатлари учун куйиб-ёниб, уларни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилиб яшаш, дунё ҳамжамияти билан доимо уйғун бўлиш – бугунги кунда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини юрак-юракдан хис этамиз.

Шуларнинг барчасини хисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасарруфидаги етакчи олий ўқув юртлари олимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мутахассислари томонидан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72- сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола тайёрланди. Албатта, мазкур рисола бундай кенг қамровли ва чуқур маъноли ноёб сиёсий ҳужжатни ўрганиш ва тадқиқ этиш йўлидаги дастлабки тажрибадир.

Шунинг учун юртимиздаги олимлар ва мутахассислар, ўқитувчи ва талabalardan мазкур рисола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз. Бу, хеч шубҳасиз, келгусида шундай қўлланма ва рисолалар тайёрлаш борасида муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади, умумий ишимиз самарасини оширишга хизмат қиласи.

## **1-БОБ. “ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН” ДЕГАН ТАМОЙИЛНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

### **1.1. Инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш улуғлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон халқ ҳокимиятига асосланган демократик давлат барпо этиш масаласига алоҳида этибор қаратди. Жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойилни амалга ошириш устувор аҳамият касб этадиган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишга қаратилганини такидлади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлатимизнинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Буни мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам тасдиқлади.

Инсон ҳаёти, қадр-қиммати ҳамма нарсадан устувор бўлиши эркин демократик фуқаролик жамиятининг асосий пойдеворидир. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, хизмат кўрсатиш даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида нафакат иқтисодий, балки ижтимоий, ҳуқуқий, маданий соҳаларда ҳам улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, “**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи**” деб белгиланиб қўйилганининг ўзи ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этаётганини англаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида ҳам “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил мамлакатимизда устувор даражага кўтарилигани алоҳида такидланди. Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати тинчлик, фаровонлик, ҳамжиҳатликка асосланиши, инсон манфаатлари ва тараққиётга қаратилгани таъкидланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Юртбошимиз нутқида ҳар томонлама асослаб берилган, тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар жаҳон жамоатчилигидан биргаликдаги доимий сайд-ҳаракатларни талаб этадиган устувор вазифалардир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши – давлат ва жамият қурилишини таомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

*Шавкат Мирзиёев*

Стратегия – бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

*Шавкат Мирзиёев*

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 2014. 2-б.

рухдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича аниқ ҳаётий ислоҳотларни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилди. Бу мамлакатда ислоҳотлар самараадорлигини кескин ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш, барча соҳаларни модернизация қилиш, эркинлаштириш ва инсон манфаатлари, эркинликларини таъминлашга қаратилган буюк мақсадларга хизмат қиласи. Конун устуворлиги қарор топган жамиятда фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатлари таъминланади, ислоҳотлар самараадорлиги кафолатланади.

Инсон манфаатлари – ижтимоий манфаат шаклларидан бири бўлиб, жамиятдаги ўзгаришлар ва тараққиётнинг асосий мақсадини инсонга йўналтириш, инсон ҳақ-хуқуклари устуворлигини таъминлашни англатадиган тушунчадир. Инсон манфаатлари инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, хуқуқ ва эркинликларининг устуворлигини энг катта бойлик сифатида таъминлаш, жамият, давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона йўлга қўйиш тамойилларига таянади<sup>6</sup>. Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон ва унинг манфаатлари учун деган ҳаётий тамойил асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас хуқуқ ҳамда эркинликларининг муқаддас экани билан боғлиқ эзгу ғоянинг мантиқий давоми бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчасини бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу тушунчалар муштараклиги эса юрт тараққиётига, халқ фаровонлиги юксалишига олиб келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Асосий Конунимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда”, деб инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклигига алоҳида урғу берган эди.

Бугунги замон талаби биздан инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билишга ундумоқда. 2016 йилнинг 25 сентябрида дастлаб Бош вазирнинг электрон қабулхонаси шаклида ишга тушган Президент Вертуал қабулхонасига фуқароларимиз томонидан келиб тушган 1 миллиондан ортиқ мурожаатларда ижтимоий ҳаётимизда учраётган кўп “нуқсонлар” очиқ-ойдин ёритиб берилди. Таъбир жоиз бўлса, ҳаётимизда мавжуд бўлган бу каби ўтқир муаммоларнинг ечими топилиши билан халқимизнинг давлатга бўлган ишончи янада мустахкамланди. Агарда Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг таҳлилига бир назар ташласак, аввало, одамлар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашни, қонунга зид бўлган кўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилишни, ставкаси оптимал бўлган банк кредитларини ажратишни, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам беришни ёқлаб мурожаат қилишмоқда. Биргина 2016 йилнинг 9 ойида республикадаги барча давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларга жисмоний ва юридик шахслардан жами 338 мингта мурожаат келиб тушган бўлса, Виртуал қабулхонага жами бўлиб 2016 йил 24 сентябрдан 27 октябрга қадар 77,1 мингта мурожаат келиб тушган. 2016 йил 7 декабрга қадар эса 218 мингта фуқаролар томонидан мурожаат қилинган. Бу ўз навбатида, қисқа муддатда электрон қабулхонага кўп сонли мурожаатларнинг келиб тушиши жойлардаги, айниқса шаҳар ва туман

<sup>6</sup> Маънавият: асосий тушунчалар. Изоҳли луғат. Т.: “Faafur Fулом номидаги нашрёт матбаа уйи”, 2013, 760-б.

миқёсидаги мутасадди раҳбарлар халқнинг таклиф ва муаммолари билан қизиқмаслигини, аксарият ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига этиборсиз эканлигини кўрсатиб берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини амалга оширишда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган олижаноб ғоя асосида иш тутиш керак” деб таъкидлади. Президентнинг 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сонли Фармонига мувофиқ жойларда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, мурожаатларнинг тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида “Халқ қабулхоналари” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва унинг бўлимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, ҳар бир туман ва шаҳарларда ташкил этилди.

Бизнинг мақсадимиз — юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

**Шавкат Мирзиёев**

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари барча худудларда ташкил этилиши аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш орқали уларни хуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билишга, орзу-ниятлари ва дарду ташвишларини чуқур ҳис этган ҳолда яшашга унダメоқда.

## **1.2. Кучли ижтимоий ҳимоя тизимиға асосланган, эркин фуқаролик жамиятини қуришдан кутилаётган натижалар**

Кучли ижтимоий ҳимоя тизимиға асосланган, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида илгарилаб борар эканмиз, ушбу мақсадга олиб борувчи энг қисқа йўл – бу энг аввало, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш механизмини тубдан такомиллаштириш, халқ билан давлат ўртасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишининг янги самарали усул ва механизмларини татбиқ этиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этишдан иборатдир. Бу борада чуқур ва пухта ўйланган самарали тизим яратиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, турли идора ва ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлари иштироқида аҳоли вакиллари билан ўтказилаётган мулоқот ва сайёр қабуллар бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифати - давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мезони. Аҳолининг турмуш даражаси одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, шунингдек, инсон тараққиёти – билими, саломатлиги, шахсий эҳтиёжларини кондириш имкониятлари ҳамда унинг яшаш шарт-шароитлари – уй-жойга эгалиги, атроф-муҳитнинг аҳволи, шахснинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ. У инсоннинг асосий жисмоний, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари кондирилишини ифода этадиган мезонлар асосида аниқланади<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлардан бошлаб “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон, унинг манфаатлари учун” деган тамойил асосида инсон ва унинг манфаатларига эътибор масаласи давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг марказига қўйилди. Шу мақсадда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятнинг ҳимояга

<sup>7</sup> Абдурахманов Қ. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий қадрият. -Т.,Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. 364-б.

муҳтож қатламларини, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ва манзилли давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги тизимини шакллантириш, ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш даражасини оширишга, жамиятнинг етарлича ҳимоя қилинмаган ва эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш, уларга ихтисослаштирилган, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш ва тақдим этилаётган ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилашга йўналтирилган комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши натижасида ўтган даврда аҳоли саломатлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди, оналар ўлими – 3,2, болалар ўлими – 3,4 баробар камайди, ўргача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 74 ёшгacha, аёллар ўртасида эса 76 ёшгacha узайди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат муассасалари билан биргаликда “Маҳалла”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик механизмлари асосида муваффақиятли фаолият юритилмоқда.

Улар жамият ва давлатнинг барқарор, изчил ривожланиши, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, фуқаролар, жумладан, имконияти чекланган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш, кам таъминланган оиласларни моддий қўллаб-қувватлашга кўмаклашмоқда.

Миллий қонунчилигимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган “Хабеас корпус” институтининг туб замерида ҳам инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топди. Дастребаки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш ва мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, мазкур институт амалиётга татбиқ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармонига мувофиқ 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 11 июляда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқилди шу асосда Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, “Судлар тўғрисида”ги ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва кўшимчаларда қамоққа олиш тарзидаги жиноий жазони бекор қилиш назарда тутилмоқда, шу билан бирга жиноий жазолар тизимиға озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тури – “мажбурий жамоат ишлари” киритилмоқда. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни қамоқда сақлаш муддати 72 соатдан 48 соатгача, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек, дастребаки тергов муддати 12 ойдан 7 ойгача қискартирилди.

Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилди.

**Шавкат Мирзиёев**

Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар юратилмоқда.

Эндиликда инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда<sup>8</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳукуклари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Ҳусайн мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Республикаизда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди. Ахолига четга чиқиш бўйича қулайликлар яратиш мақсадида дунёнинг барча мамлакатларига чиқишга рухсат берувчи стикер (ОВИР) олиш тизимиға бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Мазкур хизматга замонавий технологияларни жорий этиш орқали хорижга чиқиш визасини олиш тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида хорижга чиқиш визаси ва биометрик паспорт олиш учун электрон навбат тизими жорий этилди.

Фуқаролик давлат томонидан барча шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳукуқ ва эркинликларни таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра, келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Бугунги кунда фуқаролик бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва бундай юксак шарафга муносиб шахсларни, аввало «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий вазиятларга кўра чет элда бўлган ахолиси орасидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш бўйича асосли қарорлар қабул қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон давлати фуқароликка қабул қилиш борасида ҳам қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойилларига асосланмоқда. Шу тарика юртимизда инсон манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари тизимли равишда амалга ошириб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонлари билан Қорақалпоқистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда доимий истиқомат қилаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатлари қаноатлантирилиб, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинмоқда.

Мазкур чораларнинг амалга оширилиши ҳалқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган принципларига тўла мос келади ва ўзбек заминида туғилиб, ўсиб-улғайган ҳамда Ватанимизнинг тараққиёти ва равнақига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётган шахсларнинг манфаатларини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси демократик қадриятлар ва ҳалқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён этиб, Инсон ҳукуклари бўйича умумжаҳон декларацияси ғоялари асосида ҳар бир инсоннинг фуқароликка бўлган ҳукуқлари амалга оширилишини кафолатлади.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди.

**Шавкат Мирзиёев**

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки.”Ишонч” газетаси, 2017 йил 21 сентябрь

### **1.3. Таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кечётган туб ислоҳотлар**

Таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаси – барча соҳалар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади ва ҳамиша шундай бўлиб келган. Чунки айнан шу тизимда муваффақиятларга эришилмас экан, бошқа соҳаларнинг ютуғи ҳакида гап бўлиши мумкин эмас.

Давлатимиз томонидан инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом инсонлар сафини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиласида тиббий маданияти ошириш, ҳар бир шахснинг саломатлиги ўз қўлида эканлигини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, соғлом жамиятни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада 1996 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун, 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Президент Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда 2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини таъминлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инсон ҳуқуқлари умужаҳон декларациясининг 25-моддасида "Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиши, жумладан, турар жойига эга бўлиш ҳуқуқига эгадир", деб кўрсатилган<sup>9</sup>.

Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хусусий тиббиёт муассасаларига кенг кўламли имтиёз ва преференциялар бергани билан алоҳида эътиборга лойик. Хусусан, ушбу муассасалар 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги соликлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди. Тақдим этилган солик имтиёzlари хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконини беради. Бўшаган маблағлар уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, инвентар ва бошқа буюмлар харид қилиш, янги бино ва иншоотларни куриш ва мавжудларини реконструкция қилишга йўналтирилади.

Тақдим этилган солик имтиёzlари ҳисобидан тежалган маблағларнинг бир қисми аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига бепул тиббий хизмат кўрсатишга ажратилади. Шундай қилиб, берилган солик имтиёzlари эвазига давлат бир вақтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этади, энг муҳими, хусусий тиббиёт муассасалари зиммасига қўшимча молиявий харажатлар юкланмайди.

Бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тушунча энди ўз умрини ўтаб бўлди.

Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор. Шу боис соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илгор, замонавий ютуқларини, даволаш усулларини ўзлаштирумоги зарур. Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир.

*Шавкат Мирзиёев*

<sup>9</sup> Абдурахманов Қ. Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий қадрият. -Т.,Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. 364 - б.

Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда материаллари учун божхона тўловларидан озод этилади. Бунда мазкур рўйхатни тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда ва чекка туманларда тиббиёт соҳасида хусусий секторни жадал ривожлантириш мақсадида қарорда қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши таъкидланган.

Қарор билан 2017 йил 1 майдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача чекланган сонини 25 кишидан 100 кишигacha кўпайтириш тўғрисида тасдиқланган норма тиббиёт соҳасининг хусусий секторида бандликни кенгайтиришни рағбатлантириш имконини беради, хусусий тиббиёт муассасалари хизмат кўрсатадиган аҳоли сонини ошириш учун кўшимча имкониятлар яратади.

Мазкур хужжатда хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия беришни сезиларли даражада соддалаштириш ва уларнинг муддатларини тезлаштириш, жумладан, лицензия бериш тўғрисидаги қарорни 30 кундан 20 кунгача қисқартириш, лицензия бериш учун давлат божини энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 5 баробаригача камайтириш назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда тиббиётнинг хусусий соҳасига, айниқса, юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хорижий капитал иштироқида қўшма тиббиёт муассасалари ташкил этиш орқали илғор халқаро тажрибани жорий этишни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусий тиббиёт муассасаларида ишлашга жалб этиладиган хорижлик шифокорлар ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарида хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар тузилган меҳнат шартномалари доирасида олинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий тўловлардан озод этилиши белгиланган.

Дори-дармон ва тиббиёт воситалари саломатликни мустаҳкамлашда мухим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз аҳолисини арzon сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш, маҳаллий фармацевтика соҳасини ривожлантириш долзарб вазифа саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Дори воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиш, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни мақсадгага қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ аҳолини арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, уларнинг нархини белгилаш бўйича ўрнатилган тартибини бузишнинг олдини олиш, фармацевтика фаолиятининг алоҳида турларини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 1 апрелдан фармацевтика фаолиятининг янги тури — дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни лицензиялаш Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгилangan намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини, ижтимоий инфрагузилма обьектларини жадал ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши, 2009-

2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилиши, қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароитини яхшилаш имконини беради.

“Узоқ йиллардан буён халқимизни қийнаб келаётган ўткир муаммо – арzon уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017-2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик. Ушбу дастурга биноан, Келгуси беш йилда 1 минг 136 та кўп қаватли, арzon уй-жойлар, жумладан, қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ турар жой бинолари барпо этади”<sup>10</sup>, деди Ш. Мирзиёев бу борадаги ишларга алоҳида тўхталиб.

Азим Тошкентимизнинг ям-яшил хиёбону майдонлари, боғ-роғлари, кенг ва озода кўчалари, қадимий ёдгорликлари ва маҳобатли иншоотлари юртдошларимиз қалбида фахрифтихор уйғотса, хорижлик сайёхларнинг ҳавасини келтирмоқда. Тошкентда кенг тармоқли замонавий инфратузилма барпо этилган бўлиб, кўплаб маданият ва истироҳат обьектлари фаолият кўрсатмоқда. Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналиниң баҳосига кўра, Ўзбекистон пойтахти дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-уринни эгаллаган<sup>11</sup>.

Кўкаlamзорлаштириш, дараҳт ва буталарга шакл бериш шаҳарнинг экологик ҳолати ва ташки қиёfasига ижобий таъсир кўрсатиб, янада қулай микроклимат, санитария-гигиена ва эстетик шароит яратади. Ўтган йили Тошкентда турли навдаги 313 мингдан зиёд дараҳт ва буталар экилди. Уларни экинда эстетик ва санитария талабларига риоя қилинди, ландшафт дизайни принциплари қўлланди. Кўкаlamзорлаштириш ишларини режалаштириш жараённида нафақат дараҳтлар хусусияти, балки уларнинг гуллаш вақти ҳам ҳисобга олинади ва бу кишида катта таассурот қолдирадиган композицияни яратиш имконини беради.

Кенг ва равон йўллар, обод кўчалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидан далолат беради, албатта. Янги туаржойларининг барпо этилиб, шаҳарларнинг кенгайтирилиши, транспорт воситалари сонининг жиддий кўпайиши, табиийки, минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини тубдан яхшилаш борасида амалий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

2017 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади. Фармонга мувофиқ тугатилаётган Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Йўл-курилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекциясини ташкил этиш ҳам фармонда кўзда тутилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, *World Happiness Index* (“Дунёнинг энг баҳтли мамлакатлари”) янги рейтингида Ўзбекистон 158 та мамлакат орасида 44-поғонада, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи уринда қайд этилган бўлиб, Жанубий Корея, Япония, Италия, Малайзия ва бошқа давлатларни ортда қолдирган. Бундан ташқари, бизнинг мамлакатимиз “баҳт индекси”нинг ҳар йилги ўсиш кўрсаткичида биринчи ўнталик давлатлари қаторидан урин олгани<sup>12</sup> этиборлидир.

“Дунёнинг энг баҳтли мамлакатлари” рейтинги ҳар йили АҚШнинг Колумбия университети таниқли социологлари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти каби халқаро институтлар томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотлар натижалари асосида тузилади.

Дунёнинг энг баҳтли мамлакатлари рейтинги 2012-2014 йиллар якунлари асосида тузилган бўлиб, унда инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган қирққа яқин мезонлар бўйича қиёсий таҳлил ўтказилган. Мазкур тадқиқотда аҳоли фаровонлиги,

<sup>10</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 сентябрь

<sup>11</sup> <http://uza.uz>

<sup>12</sup> <http://www.toshkent.uz>

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мезониларига кўра, ўртача умр кўриш, ялпи ички маҳсулотининг аҳоли жон бошига тақсимоти, ҳавфсизлик даражаси, оиласдаги ажримларнинг сони, ишсизлар кўрсаткичи, коррупцияга қарши кураш борасидаги амалий ишлар, аҳолининг фуқаролик ташаббуси ва эркинлигини амалга ошириш ҳуқуқи каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Шунингдек, инсонларнинг бир-бирига нисбатан ишончи, яхши муносабатда бўлиши ҳамда кундалик хурсандчилик ва ташвиш сабаблари ҳам ҳисобга олинган.

Ўзбекистоннинг мазкур рейтингдари погонани эгаллаши мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳамда ҳаёт даражасини ошириш соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёsat натижасидир. Шундай қилиб, халқаро ҳамжамият Ўзбекистондаги юксалишларни эътироф этмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг истиболини илм-фан тараққиёти белгилайди. Шу маънода, мамлакатимизда илмий мактаблар яратиш, уларда фаолият кўрсатадиган кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал ҳисбланади. Қарорда замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар академияси таркибида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилган. Тизимда мавжуд муаммоларни баратараф этиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам қарорда аниқ белгиланган. Умуман, қарор академик фан нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш ҳамда олимларнинг машаққатли меҳнатини муносаби рағбатлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумтаълим мактаблари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг ўз ҳохишига кўра 10-синфда ўқиши давом эттириши, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касбий фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-хунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган 2703 та мактаб учун 1103 та мактабда, 6956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигига иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асли, жаҳон бозорида ракобат курашининг миқёси тобора ортиб бораётган давр мамлакатимизда таълим соҳасини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Ҳар бир ишда кексалардан маслаҳат олиш, уларга ғамхўрлик қилиб, мададкор бўлиш-халқимизга хос азалий қадрият. Юртимизда кекса ёщдаги фуқароларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш борасидаги фаолият такомиллаштирилиб, улар учун муносаби турмуш шароити яратилмоқда, тинчлик ва осойишталикини таъминлашда кексаларнинг ролини ошириш йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4906-сонли-фармони”ги қарорига кўра бир қатор ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, қарорга мувофиқ “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси” энди “Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси” деб юритилади.

Республикамида инсон шахси эъзозлангани ва жамият тараққиётининг асосий омили сифатида эътироф этилгани сабабли истиқлол йилларида қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар бир-бирини мантиқий давом эттирган ҳолда изчиллик билан инсон манфаатларини, унинг камолотини таъминлашга қаратилган яхлит тизимни ташкил этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қарорлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, ҳалқимиз учун муносиб ва сифатли ҳаёт шароитларини яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мантиқий давоми, шунингдек, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган эзгу ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Нима учун инсон ҳаёти, қадр-қиммати ҳамма нарсадан устувор бўлиши эркин демократик фуқаролик жамиятининг асосий пойдевори ҳисобланади?
2. “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун” тамойилининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида амалга оширилган қандай ислоҳотларга атрофлича тўхталиб ўтилди?
4. “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” иборасининг маъносини тушунириб беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳақида нималарни биласиз?
6. Нима учун давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мезони аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш ҳисобланади?
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади нималардан иборат?

## **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ – ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИДИР**

### **2.1. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида “Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Бу стратегияни ишлаб чиқишида биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик”<sup>13</sup> деб тъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий тараққиёт учун мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат қилувчи қуйидаги муҳим мақсад ва йўналишларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди (2.1.1-расм).

Хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш

Эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш

Халқимиз тинч осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш

Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў эътиборини ошириш

#### **2.1.1-расм. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар**

Мазкур чора-тадбирларни изчил амалга ошириш натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланди, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалди, Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузи, ўрнига эга бўлди.

Бироқ, ўз ўрида тъкидлаш лозимки, мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан тараққий эттириш, хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш, унинг жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги обрў-эътиборини янада кучайтириш борасида ҳали тўлиқ ишга туширилмаган ресурслар, салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Шунга кўра, Президентимиз Ш.Мирзиёев босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолаш, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, олдимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифасини кўйди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилиармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий сухбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маъruzалари, тавсия ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутки. - <http://aza.uz/oz/>

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ишлаб чиқилди<sup>14</sup>.

Лойихаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Лойихалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, уларнинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Фуқаролар сиёсий-хукуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар (2.1.2-расм).

“Конун хужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича:


2017 йил 23-27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа ҳафталиқ ва ҳалқаро давра сухбати ташкил этилиб, уларда:

•1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

•1300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва ҳалқаро ташкилотларнинг, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишли.

## 2.1.2-расм. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишида фуқароларнинг юксак фаоллик намоён этиши.

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.



## 2.1.3-расм. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.

**Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади** - олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатdir.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарх. - <http://uza.uz/>

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қуидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган (2.3-расм).

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатимиздаги ислоҳотларни ва янгиланишларни янада чукурлаштиришга оид бўлимлардан иборат (2.1.1-жадвал).

### **2.1.1-жадвал**

#### **Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари доирасида амалга ошириш кўзда тутилаётган чора-тадбирлар**

<b>Йўналиш номи</b>	<b>Кўзда тутилган чора-тадбирлар</b>
Давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш;</li> <li>- конун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш;</li> <li>- давлат ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш;</li> <li>- давлат хизматини ислоҳ килиш;</li> <li>- иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш;</li> <li>- давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;</li> <li>- ҳалқ билан самарали мулоқотни таъминлаш;</li> <li>- жамоатчилик назоратини такомиллаштириш;</li> <li>- нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш;</li> <li>- маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш.</li> </ul>
Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислоҳ килиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қарорлар қабул қилишда судларнинг мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш;</li> <li>- профессионал судьялар корпусини шакллантириш;</li> <li>- судьяларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;</li> <li>- маъмурӣ судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш;</li> <li>- процессуал қонун хужжатларини такомиллаштириш, қуй инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш;</li> <li>- барча хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳалқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш;</li> <li>- ахолининг уларга эрkin мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқук ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш;</li> <li>- хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими, жиноятчиликка қарши курашиб ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш;</li> <li>- 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун хужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, суд, хуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш;</li> <li>- мурожаатларни мунтазам таҳлил қилиш ҳамда вақти-вақти билан уларнинг натижаларини эълон қилиб бориш;</li> <li>- адвокатурани ривожлантириш, нотариат тизимини ва ФХДЁ органларини ислоҳ қилиш.</li> </ul>
Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш;</li> <li>- валютани тартибга солишининг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;</li> <li>- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;</li> <li>- ташки иқтисодий алокаларни кенгайтириш;</li> <li>- экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш</li> </ul>

	<p>учун замонавий технологияларни жорий этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестицияйий жозибадорликни ошириш;</li> <li>- солиқ маъмурчилигини яхшилаш;</li> <li>- банк фаолиятини тартибга солишининг замонавий принцип ва механизмларини жорий этиш;</li> <li>- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш;</li> <li>- туризм индустрясини жадал ривожлантириш;</li> <li>- хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш;</li> <li>- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш;</li> <li>- заргарлик соҳасини ривожлантириш;</li> <li>- айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш.</li> </ul> <p>Натижада:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари микдоридаги 649 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади;</li> <li>- кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 марта, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизга ошади.</li> </ul>
Ижтимоий соҳани ривожлантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини саклаш;</li> <li>- ўйл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш;</li> <li>- аҳолини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш;</li> <li>- аҳолининг муҳтоҷ қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш;</li> <li>- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий хаётдаги мақомини юксалтириш;</li> <li>- соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш;</li> <li>- мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш.</li> </ul> <p>Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кариб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рӯёбга чиқариш хисобидан 256,4 мингта иш ўрни ташкил этиш;</li> <li>- ишсизлик даражаси энг юкори бўлган минақаларда 46,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш;</li> <li>- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битиравчисига кредитлар ажратиш;</li> <li>- 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта куриш, тез тиббиёт ёрдам хизматини 1200 та маҳсус автотранспорт билан таъминлаш;</li> <li>- кишлоқ жойларда 15 мингта арzon уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар куриш;</li> <li>- аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш.</li> </ul>
Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мамлакатимизнинг конституцияйий тузумини, суверенитетини, худудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рӯёбга чиқариш;</li> <li>- киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-хуқукий асослар тизимини такомиллаштириш;</li> <li>- аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш;</li> <li>- Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш;</li> <li>- миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёsatнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш.</li> </ul>

Юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларини ўз ичига олган Давлат дастурини амалга оширишга жами 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилиши белгиланган.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида, фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича миллий комиссия тузилди. Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилди.

Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқорида қайд этилган вазифаларни, балки 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳам юклатилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилиш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегаралари дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги изчил ҳаракатларига янги куч-кудрат бағишлади.<sup>15</sup>

## **2.2. Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга изчил жорий этишнинг дастлабки натижалари**

Ҳаракатлар стратегиясининг халқчиллиги, яъни, ундан ўрин олган чора-тадбирларни белгилашда энг аввало аҳоли кенг халқ оммасининг фикр-мулоҳазалари инобатга олингани, унда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидағи мавжуд муаммоларга эътибор қаратилгани мазкур дастурни амалга ошириш бўйича қисқа даврида катта ижобий натижаларининг қўлга киритилишига сабаб бўлмоқда.

Дастлабки сарҳисоблар давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларининг Давлат дастурини самарали амалга оширишга қаратилган кучлари, шу жумладан, хорижий мутахассислар ва халқаро экспертларни фаол жалб қилган ҳолда чинакам жипслашганлигини кўрсатди.

Хозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди<sup>16</sup>.

2017 йил 21 апрелда Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи чорагига бағишенланган ҳисобот анжууманида Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк, Олий суд, Пенсия жамғармаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари иштирок этиб, ўз соҳаларида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот бердилар.<sup>17</sup>

Давлат ва жамият тизимини такомиллаштириш йўлида қуйидаги муҳим ишлар амалга оширилгани маълум қилинди (2.2.1-расм).

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарх. - <http://aza.uz/>

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 август.

<sup>17</sup> Вазирликлар, мутасадди идоралар, ОАВ - халқ муаммоларини ечиш йўлида. - <http://kun.uz/news/2017/04/21/vazirliklar-mutasaddi-idoralar-oav-halk-muammolarini-ecis-julida>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарорига асосан Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганишнинг самарали тизими йўлга қўйилди

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар дастури лойихаси ишлаб чиқилди

“2017 йилда журналистларнинг касбий малакаси ва амалий кўниклиметраларини ошириш дастури” қабул қилинди

Хар бир туман (шахар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Халқ қабулхоналарининг самарали фаолияти йўлга қўйилди

### **2.1.1-расм. Давлат ва жамият тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилган ишлар<sup>18</sup>**

Шунингдек, **давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда, 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди.

Маълумки, фуқаролик жамиятини қуришнинг энг асосий шарти қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида бу борада мухим ислоҳотлар амалга оширилганига қарамай, қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида ўз ечимини кутаётган талай муаммолар мавжуд эди. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналишида қатор мухим чора-тадбирларга эътибор қаратилди (2.2.2-расм).

Шунингдек, суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди. Ички ишлар органлари тизими ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга — халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилди.

Иқтисодий ислоҳотлар - Ҳаракатлар стратегиясининг марказий бўғинини ташкил этади. Чунки, барқарор ва замонавий иқтисодиётни шакллантирмасдан туриб, пировард мақсадимиз - халқ фаровонлиги ва юксак ҳаёт даражасини таъминлашга эришиб бўлмайди. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича қисқа муддатда мазкур йўналишда ҳам салмоқли ишлар бажарилди (2.2.3-расм).

**Ушбу йўналишда** солиқ тизими ислоҳ қилинди, ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари берилиши назарда тутилди.

<sup>18</sup>: Давлат ва жамият тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилган ишлар сархисоби. - <http://kun.uz/>

Қонун хужжатларини тарқатиш тизими тубдан такомиллаштирилди;

Суд тизимини янада ислоҳ этиш орқали бир қатор муҳим қонун хужжатилари қабул қилинди. Хусусан, судьялик лавозимида бўлишнинг илк маротаба 5 йиллик, навбатдаги 10 йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига муайян тартибда тайинланиши ёки сайланиши белгиланди;

Суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий тамойилига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш, шу жумладан, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 71 та туманлараро туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилиши белгиланди;

Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш мақсадида 27 та хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ташкил этилди;

Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш кўлами кенгайтирилди. Жумладан, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган "мажбурий жамоат ишлари" жиноий жазоси киритилди;

Қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибida қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга кисқартирилиши белгиланди.

## **2.2.2-расм. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналишида амалга оширилган ишлар<sup>19</sup>**

Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 13339 та лойиха амалга оширилди, 2,1 триллион сўм кредит ўзлаштирилди, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, «Peugeot» ва «Citroën» бренди билан енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича завод барпо этилмоқда.

Шунингдек, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида 2633 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 17599 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиши ва гўшт этиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-куvvatлаш мақсадида 2,5 триллион сўм кредитлар ажратилди.

<sup>19</sup>Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш йўналишида қандай ишлар амалга оширилди? - <http://kun.uz/>

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер, ногирон, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан 6955 нафари санаторийларда бепул соғломлаштирилди.

Темир йўл соҳасида юқори тезлиқда ҳаракатланадиган "Talgo-250" русумли йўловчи поездини сотиб олиш, темир йўл тармоқларини қуриш, таъмиглаш, электрлаштириш ҳамда вагонлар таркибини янгилаш каби б та лойиха доирасида 107,7 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди;

Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича умумий киймати 12,7 миллион доллар бўлган 10 та лойиха амалга оширилди;

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 32 миллион доллар миқдорида инвестицияларни жалб қилиш хисобидан 3 та янги ва модернизация қилинган замонавий енгил саноат корхоналари ишга туширилди;

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари доирасида 102 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. 1130,4 километр ички хўжалик йўллари, қишлоқ ҳамда овуллар кўчалари тўлиқ ва жорий таъмиранди;

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 1800 километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 15 дона гидротехника иншоотлари реконструкция килинди;

Озиқ-овқат хавфисизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида:

- барча тоифадаги хўжаликларнинг асосий майдонларига 106,5 минг гектар сабзавот, 64,9 минг гектар картошка ва 9,4 минг гектар полиз экинлари экилди;

- фермер, дехқон хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан 89 гектар майдонда иссиқхоналар, 14,1 тонна ҳажмли музлаткич-омборхоналар ҳамда 28,8 мингта хонадонларда 287 гектар иссиқхоналар ташкил этилди.

### **2.2.3-расм. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида амалга оширилган ишлар<sup>20</sup>**

343 номдаги дори воситалари, 44 номдаги тиббий буюмлар чекланган нархларда сотувга чиқарилиши белгиланди. 167 турдаги дори воситалари 22 та улгуржи компаниялар томонидан арzonлаштирилган нархларда мамлакатимизга олиб келинди.

Касб-хунар коллажлари битирувчиларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 79,2 миллиард.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди<sup>21</sup>.

**Ижтимоий соҳада** фақатгина 2017 йилнинг биринчи ярмида 2,7 минг километр. автомобиль йўллари қурилди ва таъмиранди, 84300 та иш ўрни яратилди.

2017–2020 йилларда шаҳарларда энергия жиҳатидан самарадор, арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширилмоқда, унинг доирасида 50286 та хонадондан иборат 1136 та кўп қаватли уйларни, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида қишлоқ жойларида 100 мингта турар жойларни қуриш мўлжалланган.

Ўзбекистон халқаро майдонда тенглар ичра тенг бўлиб, ўзининг мавқе ва эътиборини тобора мустаҳкамлаб борар экан, халқимизнинг асрий орзуси - мустақиллик ҳамда бугунги кунда у тақдим этаётган бебаҳо неъматлар, яъни, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни сақлаш ва янада ривожлантириш учун энг аввало тинчлик сув ва ҳаводек зарурлиги мукаррардир. Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган хавфисизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда (2.2.4-расм).

<sup>20</sup>Манба: Ҳаракатлар стратегияси доирасида Иқтисодиёт йўналишида амалга оширилган ишлар хисоботи. - <http://kun.uz/>

<sup>21</sup>Дунёнинг 29 мамлакати билан “йўл ҳариталари” лойиҳалари ишлаб чиқилди. - <http://kun.uz/>

2017 йилда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури» қабул қилинди;

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида радиация хавфсизлигини таъминлаш тизими니 такомиллаштириш бўйича давлат дастури” қабул қилинди;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти стратегиясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир “т йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дунёning 29 мамлакати билан 2017 йилдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожланиши ва кенгайишини таъминлашга доир “йўл хариталари”нинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

“Ўзбекистон Республикаси дипломатик хизмати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Консуллик устави ва “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун лойиҳалари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

#### **2.2.4-расм. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишида амалга оширилган ишлар<sup>22</sup>**

Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Европа Иттифоқи ва 21 та хорижий мамлакат билан савдо-иқтисодий, инвестиция, технология ва молиявий-техник соҳаларда 22 та «йўл харита»лари тасдиқланди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан бошқа манфаатдор идоралар билан биргалиқда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг бориши ҳақида аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳалқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиш ишлари амалга оширилди. Жойларда 6 мингга яқин учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида телекўрсатув ва чиқишлиар ташкил этилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижалари ҳақида аҳоли ва жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, шунингдек, 2017 йилда мамлакатни ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилиш ва 2018 йилда навбатдаги ислоҳотларни режалаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 15 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Унда Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017 йилда кўлга киритилган натижалар бўйича ҳисобот ишларини самарали ташкил этиш билан бир қаторда, 2018 йилда амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган Давлат дастури лойиҳасига киритиладиган таклифлар факат кенг жамоатчилик билан дастлабки муҳокама қилинганидан кейин кўриб чиқилиши қатъий белгилаб берилди.

<sup>22</sup>Манба: Ҳаракатлар стратегияси доирасида Иқтисодиёт йўналишида амалга оширилган ишлар ҳисоботи. - <http://kun.uz/>

## **2.3. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси – Жаҳон ҳамжамияти эътирофид**

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг нигоҳи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга қаратилган, десак, асло янглишмаймиз. Халқаро эксперталар томонидан қайд этилишича, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғундир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимизда фаолият юритаётган тузилмалари ваколатхоналари раҳбарлари ушбу дастуриламал хужжатнинг юртимиз келажаги учун долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашмоқда.

БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Стефан Приснер қўйидагиларни таъкидлайди “БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмалари мамлакатингизнинг янги тараққиёт дастурини тўлиқ қўллаб-куватлади. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида жуда долзарб саналади. Унда маъмурий, суд-хуқуқ, иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий соҳани ривожлантириш, шунингдек, яқин қўшничилик, дўстлик ва миллатлараро бағрикенглик руҳида ташқи сиёsat олиб бориш кўзда тутилган. Унда белгиланган кўплаб вазифалар БМТнинг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган Тараққиётга кўмаклашувчи доиравий дастурига мувофиқ БМТ тузилмаларининг мамлакатингиз билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларига ҳамоҳангdir. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатингиздаги гурухи Ҳаракат дастури ишлаб чиқилаётган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари асосидаги глобал тараққиёт дастури ҳамда халқаро хуқуқий асослар, шунингдек, ҳамкорликнинг жорий ва истиқболдаги йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, ўз тавсияларини берди. Шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, БМТ Тараққиёт дастури ва БМТ агентликларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга, шу жумладан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишга тайёр”<sup>23</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси хар жихатдан эътирофга лойик. Ушбу хужжатнинг жамоатчилик мухокамаси ташкил қилингани манфаатдор томонларга, жумладан, фуқаролик жамияти институтларига мухокамаларда иштирок этиш ва республикамизнинг келажак тараққиёти йўли бўйича ўз фикрларини билдириш имконини берди. Бундай жараён халқнинг дилидаги гапларни эшитиш, ўз келажагини белгилашда иштирокини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Бу, айниқса, Ўзбекистонда 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган бир даврда янада аҳамиятлидир.

ЮНЕСКО Ҳаракатлар стратегиясини тушунтириш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг фаол роль ўйнашини қайд этади. Шубҳасиз, журналистлар чуқур таҳлилий материаллари билан давлат ва жамият ўртасида кўприк бўлиб хизмат қиласи.

Ҳаракатлар стратегияси мақсадлари мамлакатнинг келажак тараққиётини белгилаб беради. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эътибор қаратилаётгани, таълим сифатини оширишга урғу берилаётгани, қонун устуворлигини, миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш асосий мақсад сифатида белгилангани дикқатга сазовордир. Бу Барқарор ривожланиш мақсадларининг илғор ғояларига таянган ҳолда, инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Стратегия доирасида ЮНЕСКО таълим сифатини янада оширишга, оммавий ахборот воситалари масъулиятини юксалтиришга, мамлакатнинг маданий мероси ва табиий ресурсларини сақлашга кўмаклашиши мумкин. Ташкилотимиз ўз тажрибаси, илғор халқаро амалиёт билан Ўзбекистоннинг барқарор келажагини яратиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-куватлашда давом этади<sup>24</sup>.

<sup>23</sup>Стефан ПРИСНЕР, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси.

<sup>24</sup>Криста ПИККАТ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинишини алоҳида эътироф этади. Энг муҳими, Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишида фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар иштироки учун барча шароит яратилди, уни амалга ошириш бўйича тавсиялар инобатга олинди, деб қайд этилади ушбу ташкилот хуносасида.

ЮНИСЕФ халқаро экспертлик кўмаги, илғор тажриба ва амалиёт билан Ўзбекистонда оналар ҳамда болалар ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ислоҳотлар амалга оширилишини қўллаб-кувватлаб келади. Хусусан, ЮНИСЕФ суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар доирасида халқаро қоида ва стандартларни имплементация қилиш масалаларида мамлакатимиз ҳукумати билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Судларнинг ихтисослашиши ҳамда ходимлар салоҳияти оширилиши “болаларга дўстона” суд тизимини яратишга хизмат қиласи. Бу эса одил судлов жараёнида зарур кўмак беришда қўл келади.

БМТ Болалар жамғармаси давлат ташкилотлари ва НТТ билан ҳамкорликда болалар ҳуқуқларига даҳлдор масалаларда ўз фаолиятини давом эттиради. 2013 йили БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси Ўзбекистонга ўз таклифларини берган эди, ЮНИСЕФ ушбу тавсияларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг учинчи факультатив протоколини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиши учун қўшимча имкониятларга эга. Шу муносабат билан ЮНИСЕФ Ҳаракатлар стратегиясини самарали рўёбга чиқаришида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдиради<sup>25</sup>.

БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Миеко Ябуга қўйидаги фикрларни билдиради: “Якинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг мамлакатни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жадал ривожлантиришга бўлган интилишининг яққол ифодасидир. Бу асосий мақсад сари, яъни 2030 йилда ахоли жон бошига даромади юкори бўлган давлатлар қаторидан жой олиш ўйлидаги муҳим қадамдир. Ҳаракатлар стратегияси муҳокамаси жамият ҳаётининг барча жабҳасида ислоҳотларни янада чукурлаштиришга одамлар катта иштиёқ билан қараётганини кўрсатди. Баҳс-мунозаралар Ҳаракатлар стратегиясини янада бойитишга, унда одамларнинг эҳтиёжларини акс эттиришга хизмат қилди. БМТ агентликлари ҳам муҳокамаларда фаол қатнашди. Бундай ҳамкорлик келажакда ҳам изчил давом эттирилади. Бу бизга бугунги кун талабларига жавоб берадиган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ўз хиссамизни қўшиш имконини беради.

Ташкилотимизнинг асосий фаолият йўналишлари, жумладан, хотин-қизлар ҳамда ёшлар фаровонлиги, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим йўналишлари сифатида белгилангани қувонарлидир. Ушбу хужжат оналар соғлигини муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражасида репродуктив саломатликка эътибор қаратиш, тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида аниқ чора-тадбирларни кўзда тутади. Айнан мана шу соҳаларда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси катта тажрибага эга. Биз ушбу тажрибамиз билан ўртоқлашишга ҳозирмиз.

Биз Ўзбекистон ҳукумати, жамоат ташкилотлари билан халқингиз ҳаёт даражасини янада юксалтиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилишида бақамти ишлашга тайёрмиз”<sup>26</sup>.

<sup>25</sup>Саша ГРАУМАНН, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари.

<sup>26</sup>Миеко ЯБУТА, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари.

## **Назорат саволлари:**

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида қандай фикрлар билдири?
2. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ишлаб чиқиш жараёни қандай кечди?
4. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиша фуқароларнинг юксак фаолликги қайси жиҳатларда намоён бўлади?
5. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари нималардан иборат?
6. Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этишининг дастлабки натижалари қандай бўлди?
7. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижаларининг салмоқли бўлишига қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда?
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишининг мазмуни нимадан иборат?
9. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг самарадорлигини ошириш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда?

### **3.1. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва аҳамияти**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, хуқуқ-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда конун устуворлиги, инсон хуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойдевор яратди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун асос бўлмоқда

Босиб ўтилган тараққиёт йўли, дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, тобора жадаллашиб бораётган иқтисодий муносабатлар халқ фаровонлиги соҳасидаги янги давр қўяётган талаблар асосида мослашув ҳамда такомиллашувни талаб қилмоқда. Глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизнинг янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиши учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш зарур. Қайси соҳада бўлмасин, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг провард натижаси халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласи. Она диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётдан мамнун бўлса, орзу - ҳавасларини рўёбга чиқара олса, хонадони тинч, оиласи тотув бўлиб, моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмаса, давлатдан албаттга миннатдор бўлади.

Ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари каби аҳоли турмушини яхшилаш, айниқса, унинг даромадини ошириб бориши борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

“Харакатлар стратегияси”нинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи устувор йўналишида Президент Шовкат Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган эзгу даъвати акс эттирилган. Мазкур устувор йўналиш шу мақсадни таъминлайдиган олтида ийрик йўналишни ўз ичига олган.

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини саклаб қолиш; таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатдошлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш; вилоятлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва мақбул фойдаланиш; туризм соҳасини ривожлантириш соҳалари шулар сирасига киради.

Айни пайтда бу йўналишларнинг ҳар бири яна ўнлаб ғоятда муҳим вазифаларни ўзига қамрайди. Энг муҳими, Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси аҳоли, хусусан, жамиятимизнинг фаол қатламига айланиб бораётган тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш ҳамда илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида тайёрлангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, халқнинг бугунидан кўнгли тўқ, эртасига ишончи баланд бўлса, турмушидан рози бўлса, ҳар бир ишида барака бўлади. Ташаббускорлиги ортади. Жамияти,

Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

**Шавкат Мирзиёев**

Иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция мухитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир.

**Шавкат Мирзиёев**

юрти учун сидки дилдан меҳнат қилиб, унинг обрўи ортиб боришига ўз ҳиссасини қўшади.

Мазкур банднинг ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес омбудсман) ташкил этилди. Ушбу Бизнес омбудсманга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуки, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш; давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ваколатлари берилди. Бу эса ўз ўрнида мамлакатимизда тадбиркорликнинг қонуний ҳимоясини янада кучайтириш, фаолияти кафолатларини мустаҳкамлашга, шулар қаторида, чет эллик тадбиркорларни қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуqlарини кафолатлаш бўйича амалга оширилган муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, қулай ишбилармонлик муҳити яратишнинг ҳуқукий асосларини мунтазам такомиллаштириб бориш юзасидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга қаратилган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа бир қатор тегишли қонуности ҳужжатларининг ахоли бандлиги ва турмуш даражасини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда салмоқли. Яратилган қулайликлар, қатор имтиёзлар туфайли тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит маблағлари ажратилмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизmlарини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди ва бир қатор меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон, 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ҳамда 2014 йил йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлик тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор ва фармонлар мамлакатимизда ишбилармонликни янада такомиллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, иқтисодиётнинг хусусий секторида ахоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини барпо этиш борасидаги ишларни жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб, мазкур сайд-харакатлар натижасида хўжалик юритувчи субъеклар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизгача етди, иш билан

Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқукларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равиша қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди.

**Шавкат Мирзиёев**

банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш борасида 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имконият ва шароитлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг худудий ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ҳам тобора юксалмоқда. Хорижий сармоядорлар иштирокида янги корхоналар ташкил этилиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Юқорида зикр этилган Фармоннинг эълон қилиниши хусусий мулкнинг хуқуқий ҳимояси янада кучайишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига замин яратди<sup>28</sup>.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Тилга олинган Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг хуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса, аҳамиятлидир<sup>29</sup>.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига худа-беҳуда аралashiшларига чек қўйилиши, уларнинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, доимий рағбат соҳа ривожини таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Юқоридаги Фармон ҳам айнан ана шу мақсадларни кўзлаб қабул қилинган ва у тадбиркорлар хуқукини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим хуқуқий хужжат ҳисобланади. Чет эл тажрибаси тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда ҳамда давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалаш учун вакил институти жорий этиш муҳимлигини кўрсатади. Бундай институт тадбиркорлик субъектларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назорати шаклларини кучайтириш вазифасини амалга оширади. Мазкур Фармон қоидаларини амалга ошириш тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича 5 та устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбирларнинг Комплекс дастурининг амалга оширилишини назарда тутади<sup>30</sup>. Тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Юртимизда мазкур соҳада иш билан банд аҳолининг 77 фоизи самарали меҳнат қилмоқда<sup>31</sup>.

### **3.2. Фуқаролик институти – маҳалланинг бугунги ҳаётимиздаги роли ва аҳамияти**

Аҳоли турмушида бизнинг миллийменталитетимизга хос бўлган, ўзига хос фуқаролик институти ҳисобланган маҳалла бугунги кунга келиб кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш, ва унинг жамиятдаги нуфузини ошириш

<sup>27</sup> Саттаров Э. Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган кенг шарт-шароитлар ва янги имкониятлар / <http://nimfogo.uz/uz/node/1570>.

<sup>28</sup> Кобилов У. Тадбиркор хуқуклари қонун ҳимоясида. // Хазина, 2016 йил 14 октябрь. №41.

<sup>29</sup> Аҳмадалиев Т. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг хуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда // Олтинқўл, 2016 йил 15 октябрь, №42(3132).

<sup>30</sup> Ахмедов У. Тадбиркорлик ривожининг таянчи // <http://nimfogo.uz/uz/node/1610>.

<sup>31</sup> Ахмедов У. Тадбиркорлик ривожининг таянчи // <http://nimfogo.uz/uz/node/1610>.

хукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик каби мақсадли иқтисодий соҳалар, фуқаролар турмуш шароити ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиши омили ҳисобланниб, мазкур институт мисолида биз “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилаётганинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёти давомида фуқаролар йиғинларининг давлатдаги демократик ислоҳотларнинг амалга оширишдаги улушининг ортишига хизмат қилувчи 50 дан ортиқ муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси маҳалла институтини янада ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу дастурий ҳужжатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштирувчи вазифалар қўйилди. Хусусан, концепцияда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда 2013 йилда қабул қилинди. Унга кўра, маҳалланинг ташкилий асослари такомиллашиб, унинг вазифалар кўлами кегайиши ушбу маҳаллий тузилманинг давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлигини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йилдаги қарори ҳам айнан ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллани тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўзини ўзи бошқариш органларига тадбиркорликни ривожлантириш, оилавий бизнесни ва хунармандлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш ва бу масалаларни маҳаллий даражада ҳал этишга қаратилган маслаҳат марказлари тузиш ваколатини берди. Мазкур маслаҳат марказларида фуқаролар ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида амалий ёрдам ва кредит олиш бўйича маслаҳатлар олишлари мумкин. Бундан ташқари, маслаҳат марказлари кичик оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ташкил этишда, томорқадаги ерлардан унумли фойдаланишда кўмаклашиши натижасида ёшларнинг бандлигини таъминлашнинг мақбул ечимини топиш имконини берди. Жумладан, 2016 йилнинг биринчи ярмида маслаҳат марказлари томонидан олиб борилган 124 га яқин тушунтириш тадбирлари туфайли 42 766 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилишига кўмаклашилди ва 313 686 та янги иш ўринлари яратилди<sup>32</sup>.

Республикамизда ёш авлодни тарбиялаш, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилганини қайд этиш лозим. Жумладан, 2016 йилнинг 15 сентябрида қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига “ёшлар тадбиркорлиги” асосий тушунчалардан бири сифатида киритилди. Унга кўра, ёшлар тадбиркорлиги деганда, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигига бу йўналишда қўплаб меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Хусусан, “Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ва “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлашни янги даражага олиб чиқди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркор ёшлар сафининг кенгайиши малакали кадрлар

<sup>32</sup>Нишонова Н. Маҳалла – кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш маркази сифатида // <http://nimfogo.uz/uz/node/1615>.

тайёрлаш баробарида миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлидан боришини таъминлайди. Шу боис бугунги кунда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан соҳада бир катор самарали ишлар қилинмоқда.

2011 йилдан бери ўтказиб келинаётган “Менинг бизнес ғоям” танловида қарийб 577 минг 932 нафар йигит-қиз иштирок этди. Улардан 2 373 нафарига 20 миллирд сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Эртамиз эгаларининг бизнес лойиҳалари қўллаб-кувватланиши натижасида 5218 та иш ўрни яратилди. Саккиз йилдан буён ўтказилаётган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловида эса кредит олишга тавсия этилган ёшлар сони 9 472 нафарга этди. Шу пайтгача уларга берилган кредитлар туфайли 18 мингга яқин иш ўринлари вужудга келди.

Шунга қарамасдан, эришилган ютуқлар кўламини ошириш, уларни изчил давом эттириш, бугунги ўсиб келаётган ёшлар талабини тўла қондириш, улар учун янада қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш мақсадида мазкур соҳага оид республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларини ижтимоий шерикчилик асосида бирлаштириб, фаолиятларини уйғунлаштириш имконини яратиш эҳтиёжи сезилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилиармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони айни муддао бўлди.

Хужжатда тадбиркорларнинг, жумладан, ёш тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга оширишлари учун барча қулийликларни яратишга алоҳида эътибор берилди<sup>33</sup>.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг 8 июнида Республика ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш маркази нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилди. Марказ фаолиятининг асосий мақсадлари ёшларнинг мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини янада фаоллаштириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш, ёшларда тадбиркорлик кўнимкамларини шакллантириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашишдан иборат. Ёшлар мамлакат иқтисодий ҳаётида катта куч ва ғайрат сарфлашга қодир, ҳаракатчан, барча янги ҳодисаларни тез кабул қилувчи ва ўзлаштирувчи жамиятилизнинг фаол қисми ҳисобланади. Уларни тадбиркорликка жалб этиш, янгича фикрлайдиган тадбиркорлар авлодини шакллантириш бугунги кун талабидир. Шу сабабли ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш аввало уларнинг иш билан таъминланишига ёрдам беради, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигининг асосий омили сифатида эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши янги, ўта муҳим босқичга кўтарилди<sup>34</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Бу биринчи галда тадбиркорликка қизиқиши ортаётган юртдошларимиз сафини кенгайтириш билан бирга, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имконини оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу аҳоли даромадларини оширишга, айниқса, оиласаларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашга доир аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишига кенг имконият эшикларни очмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал

<sup>33</sup> Сайдқодиров С. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ёшлар тадбиркорлигининг ўрни // <http://nimfogo.uz/uz/node/1616>

<sup>34</sup> Обиджонов Б. Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади // ... . 5 сентябрь 2013 йил.

ривожлантириш ва либераллаштириш борасида энг долзарб масалалар ечими юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган. Айниңса, 2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгилангани, аввало, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш имконини беради<sup>35</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида Ташки қиттисодий фаолият миллий банки хузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш жамғармаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

2016 йилда мамлакатимиз тадбиркорлари жамғарма кўмагида 2,9 миллиард доллардан зиёд ҳажмда экспорт шартномалари имзолади ва улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти қарийб 1,4 миллиард долларлик экспортни амалга оширди. Жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 33 фоизга кўпайди. Ташки бозорларга асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилди.

Экспорт салоҳиятига эга корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва уларга молиявий кўмак кўрсатиши мақсадида жамғарма 2,3 миллиард сўмдан зиёд молиявий кўмак ажратди. 15 хил янги турдаги маҳсулотларни халқаро бозорларга етказиб бериш, 40 та корхонада халқаро ISO стандартлари талабларига асосан сифат бошқаруви тизимларини жорий этишда кўмаклашилди.

Жамғарма томонидан 242 та кичик бизнес субъектига 10 та нуфузли халқаро кўргазма ва анжуманди иштирок этишда кўмак кўрсатилди. Натижада тадбиркорларимиз 61,5 миллион долларлик экспортни амалга оширди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир туманнинг ихтисослашувидан келиб чиқкан ҳолда, жамғарма таъсисчилигига 79 та агрофирма ташкил этилди. Ўтган даврда мазкур агрофирмалар жамғарма кўмагида 692 миллион 483 минг долларлик экспорт шартномаларини имзолади.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-куватлаш, уларга товар ва хизматларини ташки бозорга чиқаришда яқиндан кўмаклашиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсад қилинди.

Жамғарма таъсисчилигига янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш орқали экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида 1,5 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, хорижий бозорларда юқори талабга эга экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, йилига 25 миллион доллар қийматидаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилади.

Яна бир устувор вазифа – тадбиркорларга 500 миллион доллардан кам бўлмаган қийматдаги лойиҳаларни молиялаштиришда бизнес режаси тайёрлаш ва зарур хужжатларни банкка топширишда кўмаклашишдан иборат. Бу Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, мамлакатимиз худудларида хориждан замонавий технология ва ускуналарни олиб келиш орқали жаҳон талабларига мос ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, янги турдаги экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Жамғарма таъсисчилигига ташкил этилган агрофирмалар жорий йилда 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиши режалаштирилган. Мамлакатимизда этиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини саклаш, саралаш, қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларнинг улуши кескин ошмоқда.

2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг мухандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича шартномада кўрсатилган харажатларни

<sup>35</sup> Мустафоев Ж. Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади // uza.uz/xalq\_boy\_bulsa

камайтириш, тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улашни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни унификациялаш масаласи белгиланган. Бу тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоғига улаш тизимини янада такомиллаштиради, унинг муддатлари ва харажатларини қисқартиради. Натижада экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналаримизга катта қулайлик яратилади.

Бу ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад битта – халқимизни ҳаётдан рози қилиш, бой қилиш. Бунга одамларни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қурдатли бўлади”.

### **3.3. Ахолининг ижтимоий ҳимояси ва унинг самарасини ошириш борасидаги тадбирлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасидан келиб чиқадиган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иктисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор янги иш ўринларини ташкил этиш, иктисодиёт тармоқларидаги корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб бориша маҳаллий ижро ҳокимияти ва иктисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган ахолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Қарорнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда ахоли бандлиги ўсишининг мезони сифатида ахолини давлат ижтимоий суғурта ҳамда меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимлари билан қамраб олинган доимий, барқарор ишга жойлаштириш тадбирлари белгиланган. Айнан шундай бандлик шакли меҳнат кафолатларини ҳимоялаш, пенсия тўловларини амалга ошириш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш, уй-жой сотиб олиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш учун олинган кредитларни тўлашда солик имтиёзларига эга бўлиш ҳамда ахолининг кундалик ҳаётида зарур бўладиган бошқа амалдаги қонунчилик меъёрларидан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланишига барча имкониятларни яратади.

Ахоли бандлиги ўсишининг мамлакатимиз ҳудудлари, туман ва шаҳарлари бўйича прогноз кўрсаткичлари 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Ахоли бандлиги дастури ҳамда Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланадиган ахоли бандлигининг манзилли ҳудудий дастурлари билан белгиланади. 2017 йилнинг учинчи ва тўртинчи чоракларида ахоли бандлиги ўсишининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича прогноз кўрсаткичлари мазкур қарор ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланади.

Қарор билан Ахоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иктисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва уларнинг масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу низомда аниқ ва тасдиқланган маълумотларга асосланган ҳолда, тегишли раҳбарларга нисбатан рағбатлантириш ёки

интизомий жазо чоралари қўллашнинг аниқ равshan ва шаффоф механизмини жорий этиш кўзда тутилди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, қарорда Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўз иш фаолиятида иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, жойларга чиқкан ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қатъий ва сўзсиз риоя этиш тўғрисида топшириклар берилди.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши натижасида қуидагиларга:

биринчидан, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлашда тизимли ва аниқ йўналтирилган ишларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларига керакли рағбатлантириш чораларини яратиш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришга;

иккинчидан, давлат ижтимоий суғуртаси, меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимининг барча афзалликлари билан тўлиқ қамраб олинган доимий иш ўринлари хисобидан аҳоли бандлиги ўсишига;

учинчидан, барқарор бандликни рағбатлантиришнинг янги механизmlарини жорий этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига ва турмуш даражаси сифати яхшиланишига, солик тушумлари ва пенсия ажратмалари базасини кенгайтиришга имкон яратилишига мустаҳкам замин яратилди.

Банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлган касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда замонавий машина, асбоб-ускуна, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан билан фойдаланишини кенгайтириш орқали оила бюджетлари даромадларини кўпайтириш мақсадида 2017 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг Тошкент шаҳрида тижорат банклари томонидан “Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича консорциум” масъулияти чекланган жамияти 50 миллиард сўмлик бошланғич устав капитали билан ташкил этилди. Мазкур консорциум фаолияти миллий ҳунармандлик ва бошқа касаначилик турлари бўйича аҳоли фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали унинг даромадларини ошириш ҳамда миллий ҳунармандлик турларини янада ривожлантиришга йўналтирилган.

Мазкур соҳада меҳнат қилувчи касаначилар учун 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб касаначилар учун жисмоний шахсларга қўлланадиган даромад солиғи қатъий тарзда 7,5 фоиз микдорида белгиланди. Ушбу консорциум доирасида тўқима ва трикотаж маҳсулотларини, галантерея (атторлик), қандолат ва нон, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш, электротехника маҳсулотларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, боғдорчилик ва ободонлаштириш хизматлари ташкил этилди<sup>36</sup>.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига касаначилар билан корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасидаги, шу жумладан, корхоналар буюртмаларини уй шароитларида бажариш истагини билдирувчи маҳаллалар аҳолисини аниқлаш бўйича фаолиятини жадаллаштириш, аҳоли орасида касаначилик афзалликларини тушунтиришга жадал тарғибот ишларини амалга ошириш ишларини ташкил этиш юклатилди. Бу ўз ўрнида аҳоли учун янгича меҳнат шароитларини, даромад манбани шакллантиришга имкон яратди. Шу билан бир қаторда, бу тадбир

<sup>36</sup> “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2996-сонли қарори.

жойларда уюшмаган ёшларни фойдали фаолиятга жалб этишда мухим фаолият майдонини вужудга келтиради.

Юқоридаги маълумотлардан мамлакатимизда аҳоли турмушини яхшилаш, қўшимча даромад манбаларини вужудга келтириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш бўйича ўлкан ишлар амалга оширилди. Бироқ, шиддат билан ривожланашган дунё ҳамжамияти, кўзланган буюк мақсадлар бу борада ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, аҳоли турмушини яхшилаш кўрсатгичларини янада яхшилаш механизмларини такомиллаштиришни талаб этаётгани мазкур йўналишда ишларни янги йўналишларда амалга оширишни талаб этмоқда. Бу борада сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Қўйидагиларни таъкидлади: “Биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимиз бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айникса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, дехқонлар даромадини қўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни этиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик мухитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг мухими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қиласи<sup>37</sup>. Дарҳакиқат, аҳолига кенг миқёсда иқтисодий фаолият мухитини вужудга келтириш, келгусида унинг иқтисодий фаровонлиги юксалиши, мамлакат иқтисодиёти усишининг мустаҳкам пойdevori бўлиб хизмат қиласи.

Харакатлар стратегияси доирасида тадбиркорлик субъектларини кредит ва бошқа молиявий маблағлар билан таъминлашни кенгайтириш, инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда кредит олиш учун гаров тақдим этиш имкониятини яратиш мақсадида акциядорлик жамиятия шаклидаги тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондидан ташкил этилди. Бунда устав капиталининг бошланғич миқдорини Ўзбекистон банклари ассоциацияси, давлат органлари ва тижорат банклари — муассислар улушлари ҳисобидан шакллантирилмоқда; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналарни сотиб олишга бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлашга ижрочилар ва тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 100 000 миллион. сўм маблағ йўналтирилмоқда<sup>38</sup>.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулк объектларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида мулкдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтингчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг

<sup>37</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.

<sup>38</sup> 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастири. – 175 банд.

олиб қўйилиши муносабати билан тадбиркорлик субъектларига етказилган заарларни олдиндан қоплаб бериш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланимаётган, жумладан, ажратилган ер участкаларида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаётган ҳоллар юзага келган даврда ер солиги ва мол-мулк солиги ставкаларини уч баробар миқдорда қўллаш режалаштирилган<sup>39</sup>.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, давлат мулкларининг реал нархларини шакллантиришга эришиш мақсадида фойдаланимаётган давлат мулки объектларини, жумладан, «ноль» харид қиймати бўйича сотиш жараёнларини янада соддалаштириш ҳамда бундай объектлар тадбиркорлик субъекти томонидан аниқланганида, уларни сотиб олиш юзасидан таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир гектардан ортиқ ер майдонларини ажратиш тизимини тақомиллаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини ажратиш тартибининг ошкоралигини таъминлаш, ваколатли давлат органларидаги ахборот алмашинуви тизимини яхшилаш, ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари ва харажатларини қисқартириш амалга оширилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаётган ёки ишлаб чиқариш ҳажми етарли бўлмаган маҳсулотлар импорти динамикасини таҳлил қилиш асосида бундай товарларга божхона тўловлари миқдорини камайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектларини хомашё ва материаллар билан таъминлаш тақомиллаштирилди.

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хомашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш мақсадида иқтисодиёт ҳамда кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажми 1,2 баробар оширилди.

Оилавий бизнес ва хунармандликни молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш ва мазкур соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш, бунда якка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, дехқон хўжаликларига пластик карталаридаги пул маблагларидан ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш имконини бериш ва уларни тасарруф этишдаги асоссиз чекловларни бекор қилиш белгиланди. Мазкур йўналишда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 350 000 миллион сўм йўналтирилмоқда<sup>40</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Нима учун мамлакатимизда глобаллашув шароитида мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш талаб этилмоқда?
2. «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга оширишнинг асосий мазмун-моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектлари хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбудсман)ни ташкил этишдан кўзланган бош мақсад нималардан иборат?
4. Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қурай ишбилармонлик муҳити яратишнинг хукукий асосларини тақомиллаштиришга оид қандай ишлар амалга оширилди?

<sup>39</sup> 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастири. – 171- банд.

<sup>40</sup> 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастири. – 181- банд.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши соҳа ривожи учун қай даражада аҳамиятли бўлди?

6. Мустақиллик йилларида ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш йўлида амалга оширилган чора-тадбирларнинг ижобий натижаларини нималарда кўриш мумкин?

7. Фермерлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш доирасида юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини қандай мисоллар орқали очиб бериш мумкин?

8. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарори асосида ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг вазифалари нималардан иборат?

9. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича қандай ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинди?

10. Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай амалий тадбирлар кўзда тутилган?

## **4-БОБ. МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИНГ ЭРКИН КОНВЕРТАЦИЯСИ: КУТИЛАЁТГАН НАТИЖА ВА ПРОГНОЗЛАР**

### **4.1. Миллий валютани хорижий валюталарга эркин айирбошлаш бўйича қадамлар**

Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг хорижий валюталарга эркин конвертируланишини таъминлаш борасидаги илк қадам 2003 йилда қўйилган эди. Чунки, 2003 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси хукумати Халқаро валюта фонди Келишув моддалари VIII моддасининг 2-бўлим а банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштиришни ўз ичига олади. VIII модданинг 2-бўлим а бандига мувофиқ, мамлакатимиз хукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон хукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Ниҳоят, VIII модданинг 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ё ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки эркин алмашинадиган валюталарга конвертация қилиб берилиши лозим. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрига қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон хукумати VIII модданинг 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, хорижий давлатлар фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялар билан боғлиқ бўлиши керак.

Бироқ, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асосиз равишда кам самарали бўлган тизимини шакллантириди, бизнес юритишида тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келди, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, товарлар ва хизматлар экспортини оширишда тўскинлик қилувчи омилга айланди<sup>41</sup>. Бу эса, ўз навбатида, валюта муносабатларини тартибга солишнинг бозор механизmlарини жорий этиш, шу жумладан, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда бозор механизmlарини кўллаш асосида унинг эркин конвертациясини таъминлаш заруриятини юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланадиган инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизmlарини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишининг зарурӣ шартларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мазкур вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ, валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг мухим устувор вазифамиздир.

**Шавкат Мирзиёев**

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони/Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда.

- юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳохишига кўра эркин тасарруф этиш ҳукукларини руёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;
- миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;
- валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақоабт шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;
- сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиласиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;
- миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қофозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очик бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қофозларини банклар ликвидилигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;
- монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;
- банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чора-тадбирларни қўллаш ҳисобига ошириш;
- валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш<sup>42</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ушбу фармонига асосан 2017 йилнинг 5 сентябрдан бошлаб:


- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валюталарини чекловсиз сотиб олиш ҳукуки берилди;
- республиканизнинг резиденти бўлган жисмоний шахсларга чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлиш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўйимларда сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши жорий қилинди;
- истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобвараклар орқали сотиб олишга рухсат берилди;
- мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талааб бекор қилинди;

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони/Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда.

– чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек, фермер хўжаликлари га ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишда олиш имкони берилиди.

Валютанинг эркин конвертацияси таъминланган шароитда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш валюта сиёсатининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда миллий валютамиз – сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан юқори даражада қадрсизланиш суръатлари кузатилди. Бу эса, импортнинг қимматлашишига олиб келгани ҳолда, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди.



#### **4.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси<sup>43</sup>, сўмда**

4.1.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати сезиларли даражада юқори бўлган.

Ўз навбатида, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, валюта сиёсатини тартибга солишининг бозор механизмларини муваффақиятли жорий этиш пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши муҳим воқеа ҳисобланади.

Мазкур қарорга мувофик:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури маъкулланди;

– инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш;

– умуниқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш;

– банкларнинг ликвидилигини таъминлаш бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланадиган фоизли инструментлар турларини кенгайтириш;

– илфор хориж тажрибасига таянган ҳолда, макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш моделларини такомиллаштириш;

<sup>43</sup> Расм Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти маълумотлари асосида тузилган.

– пул-кредит сиёсатининг ошкоралиги ва олдиндан кўра билиш даражасини ошириш вазифалари қўйилди<sup>44</sup>.

Шуниси аҳамиятлики, инфляцион таргетлаш режимига ўтиш инфляция даражаси ошишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

#### **4.2. Халқаро ташкилотлар ва эксперларнинг Ўзбекистонда валютани либераллаштириш бўйича оширилаётган монетар сиёсатга бераётган баҳоси**

Халқаро валюта фонди эксперларининг фикрига кўра<sup>45</sup>, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланиш учун иккита шароит мавжуд бўлиши лозим. Биринчидан, Марказий банк мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши зарур. Марказий банк ҳукумат мақбул деб ҳисоблаган инфляция даражасига эришиш учун монетар инструментларни эркин танлаш ҳукуқига эга бўлиши керак. Мамлакатда бюджет-солиқ сиёсатининг талаблари пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишида устувор йўналишлар сифатида инобатга олинмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, «бюджет гегемонлиги» тушунчаси мавжуд бўлмаслиги зарур. Иккинчидан, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи индикатор сифатида танлаб олиниши учун иш ҳақининг ўсиши, аҳоли бандлиги даражаси ва алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланмаслиги даркор. Бунинг сабаби шундаки, миллый валютанинг хорижий валютага нисбатан курсининг белгиланиши Марказий банкни ўзининг пул-кредит сиёсатини ана шу кўрсаткични бажариш учун мослаштиришга мажбур қиласи. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкка инфляциянинг мақсадли кўрсаткичини таъминлаш учун монетар инструментлардан эркин ва тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Натижада пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадларининг мазмунида икки ёқламалик, қарама-қаршилик юзага келади.

Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида муваффақиятли тарзда фойдаланган давлатлар қаторига Янги Зеландия, Канада, Буюк Британия, Финландия, Швеция, Австралия ва Испанияни киритиш мумкин.

Шуниси характерлики, мазкур мамлакатларда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи турлича ифодаланди. Австралия, Финландия ва Швецияда Марказий банк инфляциянинг мақсадли кўрсаткичини ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш хусусидаги розилигини олмасдан туриб эълон қиласи. Канада ва Янги Зеландияда инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи Марказий банк ва Молия вазирлигининг ўзаро келишуви асосида ишлаб чиқилди. Аммо шуни эътироф этиш жоизки, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида фойдаланишнинг мумкинлиги бирор-бир Марказий банкнинг низомида ўз аксини топмаган. Шу сабабли бу масаланинг ҳукуқий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги марказий банклар фаолиятининг бош мақсади орқали изоҳланади, яъни, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи орқали уни жиловлаш Марказий банкнинг бош мақсадига – миллый валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва жамиятда баҳолар барқарорлигига эришишга хизмат қиласи.

С.Кальдерон ва К.Шмидт-Хеббел томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики, глобал молиявий интеграция инфляция суръатларининг пасайишига олиб келгани ҳолда, кисқа муддатли даврда инфляция ва бюджет-солиқ сиёсати параметрлари ўртасида сезиларли боғлиқлик бўлиб, ривожланган давлатларда умумий талабдан келиб чиқадиган шок ҳолатининг инфляцияга кучли таъсир кўрсатиши аниқланди<sup>46</sup>.

Шунингдек, Марказий банк томонидан ҳтказиладиганочиқ бозор операцияларининг миллый валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва банк тизимининг ликвидлилигига таъсир

<sup>44</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3272 от 13 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики». www.lex.uz.

<sup>45</sup> <http://www.imf.org> сайти маълумотлари.

<sup>46</sup> Calderon C., Schmidt-Hebbel K. What Drives Inflation in the World//Central bank of Chile Working Papers, 2008. – № 491. – Р. 19-20.

этишдаги ролини оширишга пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Тарақкий этган мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозларнинг йирик эмитенти экани Марказий банкларнинг очик бозор операцияларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради. Масалан, АҚШда қимматли қоғозларнинг эмитентлари ичida ҳукумат, эмиссия ҳажмига кўра, биринчи ўринда туради.

Кўпчилик Марказий банклар очик бозор операцияларини амалга оширишда ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан фойдаланишни афзал билишади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ишончли инвестициялаш обьекти ҳисобланади; иккинчидан, уларга қилинган инвестициялардан олинган даромадлар солиқقا тортилмайди; учинчидан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига ҳар доим фонд бозорида барқарор талаб мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, кўпчилик давлатларда, масалан, АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Италия, Австрия ва Францияда Марказий банкнинг қимматли қоғозни бирламчи бозордан сотиб олиши очик бозор операцияси сифатида эътироф этилмайди, балки кредит операцияси ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам Ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг Марказий банк томонидан бирламчи бозордан сотиб олиниши очик бозор операцияси ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, Марказий банк давлат қимматли қоғозлари бирламчи жойлаштирилганида уларни сотиб олиши мумкин эмас<sup>47</sup>.

Марказий банк очик бозор операциялари обьектлари сонини ошириш йўли билан очик бозор сиёсати самарадорлигини ошириши мумкин. Бунда қимматли қоғозлар курслари барқарорлигини таъминлаш масаласи юзага келади. Халқаро банк амалиётида Марказий банк томонидан қимматли қоғозлар курсини белгилашда асосан икки усулдан фойдаланилмоқда. Биринчи усулда Марказий банк қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан сотади ва сотиб олиш курси аниқ белгилаб қўйилади. Иккинчи усулда эса, Марказий банк минимал курсни эълон қиласи ва тижорат банкларининг қимматли қоғозларга бўлган талабидан келиб чиқкан ҳолда, сотиш ёки сотиб олиш курсини белгилайди.

Шуниси характерлики, ҳар қандай Марказий банк очик бозор операцияларини амалга оширишда ўзига контрагент, яъни, ҳамкор танлаб олади. Масалан, АҚШда Нью-Йорк Федерал резерв банки очик бозор операцияларини 20 та юридик шахс мақомига эга бўлган “бирламчи дилерлар” билан амалга оширади. Бирламчи дилерлар Марказий банкдан олган ликвидли маблағларини банк секторига қайта тақсимлайди<sup>48</sup>.

Япония Марказий банки, Швециянинг Риксбанки очик бозор операцияларининг обьекти сифатида молиявий векселлардан кенг фойдаланса, Жанубий Корея, Россия Марказий банклари облигациялардан кенг фойдаланишади.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очик бозор операцияларининг мавжуд эмаслигини қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг очик бозор операцияларининг обьектлари сифатида фақат Ҳукуматнинг қимматли қоғозларини тан олади. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари эса, давлат бюджети профицит билан бажарилаётганлиги сабабли, эмиссия қилинмаяпти. Бунинг натижасида Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳам барҳам топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шовкат Мирзиёев томонидан давлат бюджетининг ҳар қандай шароитда профицит билан бажарилишини таъминлаш вазифасини қўйилгани миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Республикамиз Президенти мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-хукукий хужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –11-33-бетлар.

<sup>48</sup> <http://www.newyorkfed.org/markets>.

энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида давлат бюджети дефицитига йўл қўйиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб, жумладан, бундай дедилар: “**бу борада фақат бюджет профицити ҳақида сўз бориши мумкин ва зарур. Бу мухокама қилишни эмас, балки сўзиз бажаришни талаб этадиган стратегик вазифадир**”<sup>49</sup>.

Дарҳақиқат, давлат бюджети дефицитининг ўсиши фоиз меъерининг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, баҳолар даражасининг ўсишига олиб келади. Нисбатан юқори фоиз меъёри инвестициялар даражасини пасайтиради, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш реал ҳажмининг табиий даражаси ўсишини секинлаштиради. Бундай шароитда, масалан, пул массаси ўсишининг белгиланган даражасини сақлаб туриш шунга олиб келадики, бунда баҳолар даражасининг ўсиши давом этаверади ва узок муддатли вақт оралиғида унинг ўсиш суръатлари пул массасининг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг ўсиши ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Марказий банк Давлат бюджети дефицитининг ўсиши натижасида инфляция жараёнларининг кучайишига йўл қўймаслик мақсадида қулай йўлдан, яъни, индикатор сифатида баҳолар даражасининг барқарор ўсиши кўрсаткичидан фойдаланиши мумкин. Бундай шароитда бюджет дефицити ўсиши оқибатларига қарши курашнинг ягона йўли муомаладаги пул массасини бир вақтнинг ўзида қисқартириш ҳисобланади. Мазкур тадбир бюджет дефицити билан боғлиқ пулнинг айланиш тезлиги ўсишини қоплади. Ана шундагина Давлат бюджети дефицитининг номинал миллий даромадга нисбатан таъсирига бутунлай барҳам берилади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳам, баҳолар даражаси ҳам қисқа муддатли даврий оралиқда ўスマйди.

Л. Катао ва М. Терронза томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг қисқариш суръати билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, инфляциянинг ўртacha йиллик даражаси 50 фоизга яқин бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг ЯИМдаги салмоғининг 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктга пасайишига олиб келади. Бунда Давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли статистик боғлиқлик нафақат юқори инфляция шароитида, балки оқилона инфляция шароитида ҳам кузатилди<sup>50</sup>.

Пуллар таклифининг инфляцияга таъсири исботланган бўлсада, инфляцияни юзага келтирувчи барча омиллар монетар мазмунга эга эмас ва бинобарин, Марказий банкнинг назорати доирасидан ташқаридадир. Лекин мазкур номонетар омиллар ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инфляциянинг ўсиш суръатларига кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли пул-кредит сиёсатининг стратегиясини ишлаб чиқиша базавий инфляцияга, яъни, инфляциянинг узок муддатли даврий оралиқдаги ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса, Марказий банкнинг инфляцияни жиловлашдаги ролини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Инфляция омиллари таркибида номонетар омилларнинг салмоғи нисбатан катта бўлган шароитда базавий инфляция кўрсаткичидан фойдаланмаслик Марказий банкнинг инфляцияни жиловлашдаги имкониятлари бўрттириб кўрсатилишига, инфляцион таргетлашдан кутиладиган самаранинг юзага келмаслигига олиб келади.

Инфляциянинг классик талқинида, пулнинг айланиш тезлиги ўзгармасдан қолган шароитда баҳоларнинг ўсиши пул таклифининг ошишига боғлиқ. Пуллар таклифи ва пулнинг айланиш тезлиги ўзгармаган шароитда алоҳида товарларнинг баҳоси ўзгарганда ҳам мамлакатда баҳоларнинг умумий даражаси ўзгармасдан қолади. Шу сабабли баҳолар умумий даражасининг ўсиши билан уларнинг алоҳида олинган товар позициялари бўйича ўсишини жиддий фарқлаш лозим.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиётини

<sup>49</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.

<sup>50</sup> Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation // Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.

такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган айрим муаммоларнинг мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Ана шундай муаммолардан бири – мажбурий захира ставкалари юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик хисобрақамидан олиб қўйилаётганлиги натижасида банкларнинг ресурс базаси ва ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирнинг юзага келганлигидир.

2009 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари депозитларининг муддатларига боғлиқ равишда қўйидаги тартибда табақалаштирилди (4.3.1-жадвал). 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ муддатли депозитларга нисбатан паст ставкада мажбурий захира талабномалари белгиланган.

#### 4.3.1-жадвал

##### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари<sup>51</sup>

Тижорат банкларининг депозитлари	Мажбурий захира ставкалари, фоиз
Талаб қилиб олинадиган депозитлар	15
Бир йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар	15
Бир йилдан уч йилгача муддатга жалб қилинган депозитлар	12
Уч йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар	10,5

Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари юқори бўлиши билан бирга (2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Россия Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларининг ўртacha даражаси 5,6 фоизни, Европа Марказий банкининг мажбурий захира ставкаси эса, 2,0 фоизни ташкил этди)<sup>52</sup>, захира ажратмалари суммаси тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик хисобрақамидан олиб қўйилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, иқтисодчи олимлар томонидан мажбурий захира сиёсати хусусида турлича фикрлар билдирилган. Иқтисодчи олимлар ичida биринчи бўлиб, Л. Мизес 100 фоизли мажбурий захира талабномасига асосланган банк тизимини ташкил қилишни таклиф этган<sup>53</sup>. Шунингдек, М.Фридмен ҳам ушбу инструментни тижорат банкларининг кредит экспансиясини жиловлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим, деб ҳисоблаган ва тижорат банклари депозитларига нисбатан 100 фоизли мажбурий захира талабномаси жорий қилишни таклиф этган<sup>54</sup>. Аммо М.Фридмен ўзининг асарларида депозитларга нисбатан 100 фоизли захира талабномаларини қўллаш таклифини ундан олдин Л.Мизес айтганлигини эътироф этмайди.

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ф.Мишкин мажбурий захира сиёсатига нисбатан салбий фикр билдиради. Унинг фикрига кўра, мажбурий захира талабномалари кўп камчиликларга эга бўлиб, жумладан, банкларда ликвидлилик муаммосини юзага келтириши мумкин<sup>55</sup>.

Германия Марказий банкининг (Бундесбанк) тажрибаси кўрсатадики, тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларининг ўсган қисмига нисбатан юқори ставкадаги мажбурий захира талабномасини жорий қилиш йўли билан миллий валютанинг девальвация бўлишига йўл қўймасдан туриб, мамлакатга кириб келаётган хорижий валюталар оқимини камайтириш мумкин.

Пул-кредит сиёсатининг инструментлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мазкур инструментлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.


<sup>51</sup> Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низом//Меъёрий-хукукий хужжатлар. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

<sup>52</sup> Денежно-кредитная политика. <https://www.cbr.ru>; Monetary Policy. [www.ecb.eu](http://www.ecb.eu).

<sup>53</sup> Mises L. The Theory of Money and Credit. –Indianapolis, 1980. –P. 446-448.

<sup>54</sup> Фридмен М. Основы монетаризма. Пер. с англ. – М.: ТЕИС, 2002. – С. 41-43.

<sup>55</sup> Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. -С. 490.



#### **4.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира талабномаларининг ўртача ставкасининг ўзгариши, фоизда**

4.3.1-расм маълумотларидан кўринадики, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши билан мажбурий захира ставкасининг ўзгариши ўртасида монандлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир вақтнинг ўзида пул массасининг ўсиш суръати назорат қилиниши ва инфляцион таргетлашнинг қўлланиши пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўлланадиган усуллар бевосита миллий валютанинг курс режимига боғлиқ.

Халқаро амалиётда миллий валютанинг уч хил курс режими мавжуд:

1. Эркин сузиш режими.

Ушбу режимда миллий валютанинг номинал алмашув курси хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бунда Марказий банк миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан курсининг тебранишлари учун жавоб бермайди.

2. Қатъий белгиланган курс режими.

Мазкур режимда миллий валютанинг курси хорижий валютага нисбатан маълум нисбатда белгилаб қўйилади ва Марказий банк ана шу нисбатни таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади.

3. Бошқариладиган сузиш режими.

Ушбу режим мамлакат валюта қонунчилигида акс эттирилмайди, балки қонунчиликда миллий валютанинг эркин сузиш режимига эга экани кўрсатилади. Аммо валюта курсининг шаклланиш жараёнига Марказий банк фаол тарзда аралашади. Хусусан, хорижий валютага талаб ошса, Марказий банк хорижий валютани сотиш ҳажмини оширади ва аксинча, хорижий валюталар таклифи ошса, Марказий банк хорижий валюталарни сотиб олади.

Бошқариладиган сузиш режимини XX асрнинг 70-йилларида Халқаро валюта фондининг эксперtlари пайқаб қолишли ва унга “бошқариладиган сузиш” деган ном беришиди.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, қисқа муддатли даврий оралиқда валюта курси режими мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Миллий валютанинг эркин сузиш режимига эга бўлиши монетар сиёsat доирасида фоиз ставкаларини пасайтириш ва миллий валютанинг қийматини пасайтириш йўли билан савдо балансининг дефицитини камайтириш ва ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига барҳам бериш имконини беради.

Марказий банк, миллий валюта қатый белгиланган курс режимига эга бўлганида, икки муҳим инструментдан – фоиз ставкалари ва валюта курсидан қисқа муддатли даврий оралиқда фойдалана олмайди.

Миллий валюта – сўмнинг Ўзбекистоннинг асосий ташки савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг (Россия, Хитой, Қозогистон) миллий валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиши республикамиздан ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарларнинг қимматлашишига олиб келади. Шу сабабли Марказий банк томонидан сўмнинг реал алмашув курсининг ошишига йўл қўймаслик мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий валютанинг реал алмашув курси унинг номинал алмашув курси хорижий малакатдаги инфляция даражаси мамлакат ичидаги инфляция даражаси нисбатига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Қайд этиш жоизки, Марказий банк миллий валютанинг реал алмашув курсига таъсир этиш учун икки имкониятга эга.

1. Миллий валютанинг номинал алмашув курсини ўзгартириш имконияти.

Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун миллий валюта эркин сузиш режимига ёки бошқариладиган сузиш режимига эга бўлиши керак.

2. Мамлакат ичидаги инфляция даражасига таъсир этиш имконияти.

Инфляцион таргетлашнинг жорий қилиниши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ички инфляция даражасига таъсир этиш йўли билан сўмнинг реал алмашув курсига таъсир қилиш имкониятининг чегараланиб қолишига олиб келади.

Айни вақтда халқаро молия институтлари томонидан Ўзбекистон Республикаси банкомия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий баҳоланаётганини эътироф этиш жоиз. Хусусан, Халқаро валюта фондининг А.Егер раҳбарлигидаги миссияси 2017 йилнинг 17-24 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган сафари якуни муносабати билан берган баёнотида валюта тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди: «Миссия расмий давлат идораларининг Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича комплекс режаларини маъқуллайди. Ушбу режаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш иқтисодиётда сифатли иш ўринлари барпо этиш ва барқарор ўсишни таъминлайди.

Миссия расмий идораларнинг биринчи галда валюта тизимини ислоҳ қилиш борасидаги режаларини катта мамнуният билан қаршиолади.

Валюта курсларининг бир хиллаштирилиши ва валюта захираларини бозор қоидалари асосида тақсимлаш учун шарт-шароитлар барпо этиш Ўзбекистон Марказий банкига барқарорлик ҳамда инфляцияни самарали бошқариш имконини берувчи пул-кредит сиёсатига ўтишда қўл келади. Бу ислоҳот ташки рақобатдошликтнинг ошиши, бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ички захираларни тақсимлашни такомиллаштириш орқали янги иш ўринлари барпо этиш ва иқтисодий ўсишга олиб келади. Ўзбекистоннинг сезиларли валюта захиралари бу ислоҳотни ишонч билан ўтказиш имконини тақдим этади.

Валюта тизимини ислоҳ қилишда давлат корхоналари ва давлат назоратидаги банкларни қайта ташкил қилиш, халқаро савдо ва бевосита хорижий сармояларни жалб этишга имкон бермаётган омилларни йўқотиш, иш ўринлари ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган компаниялар, айниқса кичик ва ўрта корхоналарнинг амалий тарқатиш қийматларининг асосиз равишда ошиб кетишига сабаб бўлаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа жараёнларни тартибга солиш зарур<sup>56</sup>.

Шунингдек, Швейцария Миллий банки (Марказий банк) президентининг Ўзбекистонга ташрифи ва берган маслаҳатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш нуқтаиназаридан муҳим аҳамият касб этади.

<sup>56</sup> Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистонга қилган ташрифи якуни бўйича баёнот берди. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

Швейцария Миллий банкининг Президенти Т.Жорданнинг фикрига кўра, Миллий банк томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати учта “кит”га асосланган:

– нархлар барқарорлиги (у инфляциянинг йиллик ўсиш суръатлари 2 фоиздан ошмайдиган вазиятни ифодалайди, бироқ муайян вазиятдан келиб чиқиб, рақамлар ўзгариши мумкин;

– инфляция прогнозлари (улар фақат тўғри қарорлар қабул қилиш учун эмас, балки аҳолини нархлар қандай йўналишда ҳаракатланаётгани ва миллий банк тимсолида давлат бунга қандай муносабат билдириши ҳақида хабардор қилиш учун ҳам зарурдир);

– қисқа муддатли фоиз ставкалари (Швейцарияда қарз фоизларининг мослашувчан меъёрлари тизими амал қиласди. Биз уларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қиласми, бироқ инқироз даврида бу жараёнга аралашишга мажбур бўлдик).

Т.Жордан шуни алоҳида таъкидладики, ҳозирги кунда европонинг заифлиги сақланиб қолганини инобатга олган ҳолда, Швейцария Миллий банки миллий валюта - франкнинг ҳаддан ташқари мустаҳкамланишига йўл қўймаслик учун салбий фоиз ставкаси ва валюта интервенциясини амалга ошириш сиёсатини давом эттиришга мажбур бўлмоқда.

Хуроса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси валюта тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, пировард натижада миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, валюта сиёсатининг мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга барқарор тарзда жалб қилишни таъминлашга хизмат қиласди.

### **Назорат саволлари:**

1. Валюта сиёсатини либералшатириш деганда нимани тушунасиз?
2. Валюта курсининг қандай режимлари мавжуд?
3. Миллий валютанинг номинал алмашув курси қандай аниқланади?
4. Миллий валютанинг реал алмашув курси қандай аниқланади?
5. Инфляция ва валюта курси ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
6. Валюта курсининг тебраниши мамлакат экспортига қандай таъсир кўрсатади?
7. Миллий валютанинг номинал алмашув курсига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
8. Инфляцион таргетлаш нима?
9. Марказий банкининг қайта молиялаш сиёсати доирасида тижорат банкларини кредитлаш қай шаклда амалга оширилади?
10. Ўзбекистон Марказий банкининг мажбурий захира сиёсати ҳақида нималарни биласиз?
11. Пул-кредит сиёсати ва фискалъ сиёсат ўртасидаги мутаносибликни қандай қилиб таъминлаш лозим?
12. Пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментлари ҳақида нималарни биласиз?

## **5-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ЭРКИН ИҚТISODIY ZONALARNING AҲAMIAJTI VA ISTIҚBOLLARI**

### **5.1. Эркин иқтисодий зоналар: хорижий тажриба ва имкониятлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, юқоридаги бобларда қайд этилганидек, БМТ Бош Ассамблеясининг олий минбаридан туриб Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилингани ва унда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-хукукий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинганини ва уни амалга ошириш борасида комплекс ишлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, олий даражадага йиғилишда Президентимиз инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилгани ва уларда инвесторлар учун яратилган имкониятлар, имтиёзлар борасидаги ишлар бўйича қисқача ахборот берди. Маълумки, бугунги кунда эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва уларнинг ривожланишига қаратилаётган эътибор замирида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни тубдан ўзгартириш, иқтисодий ўсишимизни янада ошириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш билан боғлиқ эзгу ишлар мақсад қилиб қўйилган.

Мамлакатимизнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича, энг авввало, мамлакат ва унинг ҳудудлари салоҳиятини ўрганиш, уларни баҳолаш, таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ўзаро боғлиқлик касб этган жиҳатларни чуқур таҳлили қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларда қўлланган ва юқори натижалар келтирган тажрибаларни таҳлил этиш, муваффақиятга олиб келган усул ва услублар, омилларни Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари миқёсида татбиқ этиш муҳимдир.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатларро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, сифати ва қулав шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиласидиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Шулар қаторида, иқтисодий ривожланиши бошқа давлатларга қараганда тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёнинг барча ўлкаларида тарқалган, бугунги кунда учта энг кўп тарқалган сўз – «Made in China» дея эътироф этилаётган Хитой тажрибасини кўриб чиқамиз.

**Хитой тажрибаси.**Хитойда давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган тизими чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар туфайли ҳалқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлинди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишни давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўтарган эди. Биринчилардан бўлиб “маҳсус иқтисодий зоналар”ни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилди ва уларнинг ривожланиши учун барча шароитларни муҳайё этди. Гуандонг ва Фуян маҳсус иқтисодий зоналарида либерал солиқ тизими жорий этилди, турли хилдаги маъмурий тўсиқлар бартараф этилди ҳамда бизнесни очиш, уни юритиш бўйича бир қатор таомиллар соддалаштирилди. Ушбу зоналарнинг ривожланишига Гонконг ва Тайван давлатларидан киритилган инвестициялар кўл келди. 20-асрнинг охирларида ушбу зоналарга киритилган инвестициялар ҳажми жами хорижий инвестицияларнинг 50 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, Хитой раҳбарияти томонидан ривожланишининг истиқболли йўналишлари сифатида енгил саноат ва электроника соҳалари танлаб олинди. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва зарур ресурсларни харид қилиш учун давлат томонидан субсидиялар тизими ва “экспорт учун тармок” дастури ишлаб чиқилди. Агар компанияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторларга тегишли ҳамда

“тармоқ”қа аъзо бўлса, Хитой Марказий банки томонидан махсус имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур “тармоқ”қа аъзо бўлиб кирган компаниялар жами экспортнинг 80 фоизини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарига зарур бўладиган ва четдан олиб кириладиган импорт ресурсларига божхона имтиёзлари ҳам тақдим этилди.

Хитойнинг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатган яна бир муҳим омил – инвесторлар учун зарур бўладиган, худудларнинг имконият ва салоҳиятини намоён этадиган маълумотлар базаси (паспорти) ишлаб чиқилгани ва арzon ишчи кучига эгалиги билан белгиланади. Ушбу база интернет-ресурс сифатида очиб қўйилгани, Хитой корхоналари учун хорижий инвестицияларнинг оқиб келишини ва бизнес соҳасида ҳамкорликнинг кучайишини таъминлади. Бугунги кунда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқенини ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга хизмат қилган омил ҳам айнан унинг очиқлиги, соғлом имиджи ва инвестицион жозибадорлигидир.

**Сингапур тажрибаси.** Ривожланиш даражаси бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этган, ўзининг бой тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги бўйича дунё мамлакатлари ичида юқори ўринларда турадиган, аҳолиси сони унчалик ҳам катта бўлмаган, аммо компьютер дастурларини яратиш, телекоммуникация соҳасида салмоқли нуфузга эга бўлган, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича (харид қуввати паритети бўйича) 3-ўринда турган, “Осиё йўлбарслари”, деб ном олганлардан бири бўлмиш Сингапур давлатида ҳам инвестицион муҳитни яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш юзасидан бой тажриба тўпланган.

1959-1990 йилларда Ли Куан Ю бошчилигига Сингапурда мамлакатни модернизация қилиш борасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда техноген цивилизация ясаган ва дунёнинг молиявий ва савдо марказига айланган давлат сифатида танилди. Шунинг учун ҳам ушбу мўъжаз давлатнинг иқтисодий юксалиши сабаблари нималардан иборат эканини билишга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Биз ҳам бъязи бир таҳлилларни ўртоқлашишни лозим топамиз. Тадқиқотимиздан у ерда яратилган инвестицион муҳит ва уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ташкилий ҳамда ҳуқуқий-маъмурий ислоҳотларнинг қисқача мазмуни ва улар юзасидан айрим мулоҳаза ва хулюсаларимиз ўрин олган.

Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган “иктисодий мўъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда кулай инвестиция муҳитининг яратилганидир. Айнан шу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга қўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошиди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккilanmasдан капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати акс этадиган макроиктисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин.

Жаҳон банкининг класификациясига кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради. Жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича Сингапур жаҳонда учинчи ўринда туради. Шунингдек, инвестицион иқлимга таъсир кўрсатадиган яна битта муҳим кўрсаткич – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунчалик даражада юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2014 йилга келиб эса 1,5 фоизни ташкил этган.

Давлатнинг ташқи савододаги иштироки ва ўрни ҳам унинг иқтисодий ривожланиш даражасини белгилайди. Сингапур давлати табиий ресурсларга бой бўлмаса-да, ўз эҳтиёжини уларни импорт қилиш орқали қондиради. Ишлаб чиқарган товар ва хизматларининг қарийб 50 фоизини дунё бозорига экспорт қилади. Бу эса, ўз навбатида, валюта тушумларининг

ошишини таъминлайди. Географик жойлашувига кўра, Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда юқори нуфузга эга бўлган савдо ҳамкори ҳисобланади.

Сингапур жаҳон рейтингида импорт ва экспорт операцияларини амалга ошириш бўйича кучли 20 та давлат қаторига киришга улгурган. 2014 йилда халқаро савдо айланмаси 982701,9 миллион АҚШ долларини, шундан экспорт ҳажми – 518922,7; импорт ҳажми – 463779,1 миллион АҚШ долларини, ижобий сальдо – 55143,6 миллион долларни ташкил этган.

Экспорт таркибида энг катта улушни машина ва транспорт жиҳозлари ташкил этади (46,3 фоиз). Экспортнинг асосий истеъмолчилари Хитой (12 фоиз), Малайзия (12 фоиз), Гонконг (11 фоиз) ва Индонезия (10 фоиз) давлатлари ҳисобланади.

Халқаро савдони амалга ошириш, экспорт ва импорт операцияларининг ҳажми, бу борада давлатнинг иштирокини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича Жаҳон иқтисодий форумининг тавсиясига кўра, давлатнинг халқаро савдодаги иштироки ва алоқадорлигини аниқлайдиган индекс (The Global Enabling Trade Index) бўйича ҳар йили жаҳон рейтинги кўрсаткичлари эълон қилинади. Ушбу индекс орқали давлатларнинг халқаро савдони амалга ошириш борасида яратиб берган шароити, олиб бораётган иқтисодий сиёсати, товар ва хизматларни нест-нобудсиз истеъмолчиларга етказиб бериш ва божхона имтиёzlари даражасига баҳо бериш мумкин.

Ташқи савдони амалга оширишда Сингапур ўзига хос алоҳида ўрин тутади. “Халқаро савдода давлатнинг иштироки индекси” (The Global Enabling Trade Index) бўйича Сингапур 2014, 2015 йилларда рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. Ушбу индекс тўртта асосий кўрсаткичлардан, яъни: ички бозорга кириш учун имконият; чегарада (божхона) амалга оширилаётган маъмурий бошқарув; ишбилармонлик мухити; транспорт коммуникациясининг ҳолатларидан таркиб топган.

Ишбилармонлик мухитининг юқори эканига Сингапурнинг жаҳон капитал бозоридаги иштироки орқали ҳам баҳо бериш мумкин. Сингапур Жануби-Шарқий Осиёда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади (49 фоиз). 2013 йилда кириб келган бундай инвестициялар ҳажми 63,77 миллиард долларни ташкил этиб, бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир. Кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми чиқиб кетган инвестициялардан юқори бўлиб, фарқ таҳлил қилинаётган йилда 26,97 миллиард долларни ташкил этган. Инвестицияларнинг кириб келиши қўпроқ молиявий хизматлар ва суғурта, қайта ишлаш саноати, улгуржи ва чакана савдога тўғри келади.

## **5.2. Мамлакатимизда ЭИЗ ташкил этишдан кутилаётган энг муҳим натижалар**

Маълумки, сайёрамиз минтақаларида аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият жараёнлари нотекис тақсимланган. Буни космосдан туриб туширилган фотосуратлар мисолида яққол кўришимиз, осон билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда Фарбий Европа, Япония, Жануби-Шарқий Хитой ва океан чегараларида жойлашган АҚШда аҳолининг кўплиги, уларнинг зичлиги ва юқори урбанизациялашгани, автомобиль йўлларининг мўллиги, серқатновлиги ҳамда бир-бiri билан юқори даражада кесищувчанлигини кузатиш мумкин. Айни пайтда Африка, Тибет ва Сибир, Австралия минтақаларининг катта қисми сувсиз чўлу биёбонлар, қоп-кора ўрмонлар, у ерларда ҳаёт унча ривожланмагани, аҳолининг сийрак жойлашганига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси – минг йиллардан бўён инсонлар қулай иқлим ва юқори унумдорликка эга ерларни ўзлаштиришга, у ерларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишган. Табиийки, айнан ўша худудларда инсониятнинг цивилизацияси ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни саноатлаштириш даврига келиб, фойдали қазилмалар топилган худудларга кўчиб ўтиш, арzon хомашё ресурсларига эга бўлишга ҳаракатлар бошланди.

Бугунги замонавий дунёда эса, иқтисодий ривожланиш юқори концентрациялашувга эга бўлган агломерация<sup>57</sup>ларда кечмоқда.

Муайян бир мамлакат миқёсида кўрадиган бўлсак, аҳолининг сони, зичлиги ва иқтисодий кучларнинг жойлашуви минтақалар ва худудлар бўйича тақсимланган. Худудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик ҳажми, ер унумдорлиги, сув ресурсларининг узок-яқинлиги жиҳатидан бир-биридан анча фарқланади. Мамлакат бўйича бир неча иқтисодий марказлар мавжудлиги ва марказдан узок худудлардаги реал аҳвол улардаги иқтисодий ривожланишнинг табақаланганини кўрсатади. Буни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи худудий маҳсулот мисолида ҳам сезиш мумкин. *Айнан юқорида келтирилган омиллар сабаб инвесторлар ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакат ёхуд унинг худудларига киритшига, у ерда самарали фаолият олиб бориб, зарурий фойда (даромад)ни қўлга киритшига ҳаракат қилишиади.*

Марказларда асосий билимлар ва инновацияларнинг тўплангани, ишлаб чиқариш кучларининг қулай жойлашуви, юқори инфратузилма обьектларининг мавжудлиги аксарият ҳолда ушбу худудларда инвестициялар оқимининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди. Ва аксинча, ижтимоий-иктисодий қашшоқ ва экологик жиҳатдан нобоп худудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши, ҳар хил жиноятларнинг авж олиши, диний ва ҳатто сиёсий тўқнашувларнинг юз бериши қузатилади. Аксарият сармоядорлар эса бундай худудларга инвестиция йўналтиришга таваккал қиласади. бундай салбий ҳолатларнинг юзага келишини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш учун давлат томонидан минтақавий-худудий сиёсат олиб борилади.

Бугунги кунда юртимизда 7 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ташкил этилган. (Навоий, Ангрен, Жиззах, Ургут, Фиждувон, Кўқон ва Ҳазорасп). Улардан 4 таси, яъни Ургут, Фиждувон, Кўқон ва Ҳазорасп ЭИЗларининг ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ.

**Ангрен ЭИЗ.** 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, шу пайтга қадар 23 та лойиҳага жами 457,76 миллион долларлик инвестиция киритилган бўлиб, шундан 155,26 миллион доллари Хитой, Корея, Австрия, Сингапур, Россия, Буюк Британиядан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Мазкур инвестицияларнинг самараси ўлароқ, Ангрен ЭИЗда 1600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда Ангрен ЭИЗда 20 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Биргина 2016 йил давомида ЭИЗ қайнашчилари томонидан 929,0 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Жиззах ЭИЗ.** 2013 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда қадар 91 миллион долларлик инвестиция эвазига 19 та замонавий корхона ишга туширилган. 2016 йилда жами 255,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 11,9 миллион доллари экспортга йўналтирилган.

**Навоий ЭИЗ.** 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 19 та корхона фаолият юритмоқда. Навоий ЭИЗ ташкил этилгандан бўён жами 122 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Киритилган инвестицияларнинг 35 фоизга яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. 2015 йил якуни билан 184,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 5,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган.

Бундан ташқари, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 май куни мамлакатда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган еттига эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисидаги фармонни тасдиқлади. Мазкур Фармонга биноан, Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоқистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида киритилган таклифга биноан «Нукус-фарм», «Зомин-фарм»,

<sup>57</sup> Агломерация – билимлар ва инновацияларни яратувчи, молиявий, бошкарув ва логистик марказлар, транспорт қатновлари ва юқори истеъмол товарлари бозорларига эга бўлган мегаполис ва юқори урбанизациялашган худудлар.

«Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишида энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, ахолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Зонал сиёсат – бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимоти самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуороли, деб қараш керак.

ЭИХларни мамлакатда мавжуд ресурсларнинг самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита, деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса:

- ишловчан, самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- ҳудудлар ташкил этишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солищ ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- валюта тартибини аниқлаб бериш;
- ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилаш;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериш;
- бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизмини яратиш;
- ҳудудда кредит сиёсатининг тамойилларини белгилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилишининг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим<sup>58</sup>.

ЭИХларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлиқ; ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, ҳудуднинг типи, майдоннинг катта-кичичклиги ва ҳоказолар.

Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатдошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуоролидир. ЭИХ – бу мамлакатнинг имиджи ҳам. ЭИХлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатнинг либераллашувига хизмат қиласи. ЭИХга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш имконини беради. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафакат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини ҳалқаро даражага кўтаради;

<sup>58</sup> Хамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

- худудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илфор тажрибани ўзлаштириб, секин-аста уни худуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёяди;
- мамлакатдаги инфратузилманинг фойдали иш коэффиценти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самараси юзага чиқади, яъни, худуддаги корхоналар худуддан ташқаридан жойлашган корхоналарни ўzlари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- “Тадбиркорлик сифати самараси”ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифатида, инфратузилма даражасида, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

### **5.3. Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар: қўлами ва таҳлили**

2016 йилда маъмурий худудлар бўйича Қорақалпоқистон Республикасига асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 5 ўринни эгаллаган (7 фоиз). Ўтган 2015 йилда эса мазкур худудга киритилган инвестицияларнинг улуши 14 фоизни ташкил этиб, Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган ва бунда хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 48,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этган. Шунингдек, жон бошига тўғри келган кредитлар ҳам ушбу худудда энг юқори қийматни ҳосил қилган (3334,5 минг сўм). Буларнинг барчасини худудда олиб борилаётган модернизация жараёнлари ва нефт-газ конларини ўзлаштириш ва углеводород ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ иқтисодий сиёsat билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳолат Қашқадарё вилоятига ҳам тегишилди. Чунки таҳлил этилаётган йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар, жон бошига тўғри келадиган инвестициялар қўлами, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши ҳам ушбу вилоятда юқори бўлган.

Қорақалпоқистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар бошқа худудларга қараганда энг юқори бўлиб келаётган бўлса-да, ЯИМда мазкур худуднинг улуши 2013 ва 2016 йилларда энг паст кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлган (3 фоизни ташкил этган). Ваҳоланки, 2015 йилда Қорақалпоқистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 132 фоизини 2016 йилда эса 57,2 фоизни ташкил этган. Олимларнинг фикрига кўра, бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда қайси бир минтақада асосий капиталга киритилган инвестициялар юқори бўлса, ўша минтақада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқори бўлади.

Аммо иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, капитал захирасининг ҳаддан ташқари кўплиги, капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурый шартлардан ҳисобланади.

Буни Тошкент шаҳри мисолида кузатиш мумкин: 2015 йилда ва ундан олдинги йилларда ҳам худудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 25 фоизи атрофида бўлгани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги боис, худудда яратилган миллий бойлик ЯИМнинг 19 фоизини (энг юқори кўрсаткич) ташкил этган.

Мавжуд статистик маълумотлар орқали қолган худудларни таҳлил қиласиган бўлсак, 2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбатан Қашқадарё вилоятида – 43, Бухоро вилоятида – 40 ва Сирдарё вилоятида – 31 фоизни ташкил этган. Ушбу вилоятларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 9, 7, 2 фоизни ташкил қилган. Бу эса киритилган инвестициялар билан бирга бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шу боис, худудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаётганда барча омиллар ҳисобга олинishi ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### 5.3.1-жадвал

#### 2013 – 2016 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми<sup>59</sup>

Ўзбекистон ва унинг худудлари	2013				2014				2015				2016			
	АКИ	ЖБИ	ХИК	ХИК у												
	миллиард сўм	минг. сўм	миллиард сўм	фоиз												
Ўзбекистон Республикаси	28694,6	948,8	5532,7	19,3	35233,3	1 145,5	6980,1	19,8	41670,5	1331,4	8309,5	19,9	49476,8	1553,5	10829,2	21,9
Қоракалпок. Республикаси	2361,9	1 370,0	736,6	31,2	1423,1	2 239,0	1 892 412,3	48,3	5925,7	3 334,5	2899745,3	48,9	3730,2	2067,5	1712,8	45,9
Андижон	1287,8	463,1	75,7	5,9	3408,3	502,6	101 490,6	7,1	1661,0	575,9	86011,9	5,2	1882,2	641,0	89,1	4,7
Бухоро	2871,6	1 647,4	1516,9	52,8	1038,5	1 924,6	1 615 687,7	47,4	3866,1	2 147,4	1463196,6	37,8	5822,7	3183,0	3135,9	53,9
Жizzах	1012,7	832,9	31,9	3,2	4483,2	838,5	71 333,8	6,9	1101,1	871,7	38010,4	3,5	1252,7	972,2	81,7	6,5
Қашқадарё	3498,8	1 222,0	838	24,0	1653,0	1 531,6	918 956,6	20,5	5590,5	1 868,3	1037674,0	18,6	6334,0	2071,6	1869,2	29,5
Навоий	1622,6	1 813,4	384,5	23,7	1618,7	1 822,1	180 667,5	10,9	1685,4	1 830,7	54888,4	3,3	2839,1	3035,5	136,8	4,8
Наманган	1059,3	426,9	82	7,7	2247,8	640,0	295 711,2	18,3	1966,4	762,5	488831,5	24,9	2362,6	899,0	601,6	25,5
Самарқанд	1915,0	561,0	86,1	4,5	1339,5	645,9	85 799,5	3,8	2854,0	804,1	128027,6	4,5	3362,2	929,4	159,8	4,8
Сурхондарё	1246,8	545,8	164,2	13,2	927,2	574,1	183 469,4	13,7	1633,4	684,9	191515,6	11,7	1891,8	776,3	169,6	9,0
Сирдарё	804,7	1 062,9	81,7	10,1	3741,9	1 203,5	94 991,8	10,2	1000,2	1 276,1	116698,8	11,7	1091,2	1369,5	103,2	9,5
Тошкент	2982,9	1 100,4	343,2	11,5	1998,4	1 364,6	437 671,5	11,7	4055,7	1 460,9	677578,1	16,7	3808,4	1354,5	668,3	17,5
Фарғона	1899,7	565,7	251,1	13,2	1466,5	585,1	198 933,3	10,0	2133,0	613,8	193576,2	9,1	2346,8	663,9	257	11,0
Хоразм	1148,5	688,2	60,8	5,3	5969,5	862,7	119 967,6	8,2	1343,4	776,0	40789,8	3,0	1451,4	823,8	86,4	6,0
Тошкент шаҳри	4977,1	2 120,7	880	17,7	3917,8	2 527,2	782 969,7	13,1	6854,6	2 877,4	892977,9	13,0	10738,7	4457,7	1757,8	16,4

Изоҳ: АКИ - асосий капиталга киритилган жами инвестициялар; ЖБИ - жон бошига тўғри келадиган инвестициялар;  
ХИК - хорижий инвестициялар ва кредитлар; ХИКУ - хорижий инвестициялар ва кредитларнинг жамига нисбатан улуши.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион фаолликни янада кучайтириш, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб (Навоий, Жиззах, Ангрен, Ургут, Фиждувон, Кўкон ва Ҳазораспда), хорижий инвесторларнинг капитал қўйилмалари ва ўз бизнесларини юритишларини таъминлашга қаратилган тизимли институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Агар йиллар динамикасига эътибор қаратадиган бўлса, 2000 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами қиймати 744520 миллион. сўмни, бунда жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми 30,2 минг сўмни ташкил этган (5.3.1-жадвал).

2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 24487,7 минг кишини, 2005 йилда эса 26021,3 минг кишини, 2015 йилга келиб 31575,3 минг кишини ташкил этган. 2000-2005 йиллар оралиғида аҳоли сони 1,06 баробар ошган бўлса, жон бошига тўғри келган инвестициялар ҳажми худди шу йиллар оралиғида 4 баробар ўзгарган ( $30,2 \div 121,0$ ). Иқтисодиётнинг ривожланиши учун инвестициялар аҳамиятининг юқори эканини қиймат кўринишида яратилган ЯИМ мисолида ҳам кузатиш мумкин.

2000 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга ўйналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 744520 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига (24,5 фоиз), ундан кейин Қашқадарё вилоятига (16,9 фоиз) тўғри келган. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда мавжуд бўлган хом ашё ресурсларининг мавжудлиги (қазилма бойликлар), инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Худудларнинг бир текисда ривожланишини таъминлаш, ҳудудлардаги аҳоли даромадлари ўртасидаги кескин фарқланишнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиқтисодий даражада ҳал этиш давлатнинг ва жойлардаги маъмурий-бошқарув ҳокимиятларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Дейлик, 2000 йилда мамлакатимиз бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори ўртacha 30,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудлар сони 11 тани ташкил этган. Қолган учта маъмурий ҳудудда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилояти) мазкур кўрсаткич мамлакатимиздаги ўртacha кўрсаткичидан кескин юқори бўлганини кўриш мумкин. Ўз-ўзидан, жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам айнан ушбу ҳудудларда юқори бўлган.

2015 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртacha қиймати 3928,8 минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қўйидагилар: Бухоро вилояти – 4614,2 минг сўм; Навоий вилояти – 6576,5 минг сўм; Сирдарё вилояти – 4127,1 минг сўм; Тошкент вилояти – 4459,5 минг сўм; Тошкент шаҳри – 8464,7 минг сўм. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2010 йилда вазият мутлақо бошқача тус олган эди.

Биргина Сирдарё вилоятида жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад умуммамлакат кўрсаткичининг 74 фоизини ва ўртacha умуммамлакат кўрсаткичидан катта бўлган ҳудудлар иккитани ташкил этган (Тошкент ш., Навоий вилояти).

Ушбу даромадларнинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар умумий даромаднинг 72,9 фоизини ва трансферлардан тушган даромадлар 21,8 фоизни ташкил этмоқда<sup>60</sup>. Ҳудудлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар ўша йилнинг ўзида ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатмаса-да, аммо маълум бир вақт ўтгандан кейин мультиплікатив самара беради.

Сабабий боғликлардаги таҳлил натижаларидан ҳам кўриш мумкини, 2000 йилда Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад 111,2 минг сўмга тенг бўлган. Ваҳоланки, 2000 йилда вилоятга йўналтирилган инвестициялар (асосий


<sup>60</sup> Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2016.

капиталга) ҳамда жон бошига түғри келадиган инвестициялар ҳажми республикадаги ЭНГ-паст күрсаткичлардан бири бўлган.

Таҳлилларни ҳар беш йилдаги ўзгаришларга боғлаган ҳолда баён этадиган бўлсак, вазиятнинг сифат жиҳатидан бир мунча ўзгарганини кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукумат томонидан олиб борилаётган худудларни ривожлантириш стратегиясининг ўзгариб туриши ҳам худудларнинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. 2005 йилда ЯИМни яратиша худудлар ва тармоқларнинг улуши, табиийки, турлича бўлган. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган худудларнинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлади. Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори кўрсаткични намоён этади (11,9 фоиз). Худуднинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти юқорилиги сабаб, ҳар йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича ҳам Тошкент шаҳри пешкадам бўлиб келмокда.

Қиёсий таҳлил қылсақ, беш йил олдин (2000 йилда) мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (744520 миллион сўм) билан 2005 йилнинг ўзида биргина Тошкент шаҳрига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳажми деярли бир-бираидан унчалик ҳам катта фарқ килмаган.



### **5.3.1-расм. Иқтисодиётда банд ахоли сони, минг киши**

Агар ялпи худудий маҳсулотни яратишда иштирок этган иқтисодиётда банд ахолига нисбатан таҳлил қиласынан бўлса, юқорида таъкидлаганимиздек, қаерда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлса ва фаолият юритса, ўша ерда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Биргина Тошкент шаҳри билан Фарғона вилоятларини ўзаро киёслаш орқали ҳам сўзимизнинг исботига далил келтириш мумкин.


2015 йилда Фарғона вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сони 1485,3 минг кишини ташкил қилган ва улар томонидан яратилган ЯҲМ – 11278,9 миллиард сўмга teng бўлган. Тошкент шаҳрида эса 26648,7 миллиард сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда 1168,1 минг киши иштирок этган (иктисодиётда банд аҳоли сони).

Демак, Тошкент шаҳрида ЯҲМни яратишда Фарғона вилоятига қараганда 317,2 минг кишига кам бўлган банд аҳоли билан 15369,80 миллиард сўмга кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Мехнат унумдорлиги Тошкент шаҳрида Фарғона вилоятига қараганда уч баробар юқори бўлмоқда. Тўғри, қаерда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган бўлса, ўша ерда ўртача мехнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Иккинчи томондан олганда, Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан бошқа вилоятларга қараганда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми юкори бўлган.

Шу борада ҳудудий инвестицион жозибадорлик қийматини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатта олган ҳолда ҳисоблашнинг қатор услубларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйида амалга оширилган ва яратилган формулалар аввалги тадқиқот ишлари ва турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишларни ўрганишнинг маҳсали бўлиб, қайсиdir маънода улар томонидан кўлланган ҳисоб-китобларнинг модификацияланган варианти ҳисобланади.



### 5.3.2-расм. ЯҲМ вилоятлар кесимида, миллиард сўм (жорий нархларда)<sup>61</sup>

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергия, материал сифимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Умумий тарзда уларни қўйидагича ифодалаш мумкин. Бошқа тақдирда ўзгармаган шароитда мамлакатда жамғариш нормаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2 фоизига ошиши, ЯИМдаги жамғармалар улушининг бир фоизга кўпайишига олиб келади. Халқаро валюта фонди мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5 фоизни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози давом этаётган, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида ракобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатда яна ҳам қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

тартибини янада соддалаштириш, жиноий ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорларга янада кенг эркинлик беришда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастурининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этмоқда.

Айни чоғда 2015 йилнинг 15 май куни қабул қилинган хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитнинг янада яхшиланиши борасидаги ишлар таъсирчанлигини оширади. Фармон тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулк улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳукукий шароитлар ҳамда рағбатлар яратишида янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятлиdir.

Қўйида келтирилаётган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларнинг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси ўз аксини топган (5.3.2-жадвал). Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 2000 йилда иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 172,3 миллиард сўмни ташкил этган. Шундан 14,5 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келган. 2005 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 2000 йилга қараганда қарийб 5 баробарга кўпайиб, 687 миллиард сўмни ташкил этган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, уни сифат нуқтаи назаридан унинг самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион сиёsat туфайли 2010 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий хорижий инвестициялардаги улуши 68,5 фоизга етган.

### 5.3.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми<sup>62</sup>**

Йиллар	ХИ, миллиард сўм	ТТХИ, миллиард сўм	ТТХИ умумий ХИ ҳажмидаги улуши, фоизда
<b>2000</b>	172,3	24,9	<b>14,5</b>
<b>2001</b>	369,5	63,7	<b>17,2</b>
<b>2002</b>	306,2	80,5	<b>26,3</b>
<b>2003</b>	479,5	151,9	<b>31,6</b>
<b>2004</b>	660,0	292,1	<b>44,2</b>
<b>2005</b>	687,0	470,5	<b>68,5</b>
<b>2006</b>	748,3	541,2	<b>72,3</b>
<b>2007</b>	1447,7	1216,1	<b>84,0</b>
<b>2008</b>	2863,9	2376,3	<b>83,0</b>
<b>2009</b>	4058,1	3487,5	<b>86,0</b>
<b>2010</b>	4340,9	3778,4	<b>87,0</b>
<b>2011</b>	3853,8	3215,2	<b>83,4</b>
<b>2012</b>	4653,3	3668,6	<b>78,8</b>
<b>2013</b>	5532,7	4315,5	<b>78,0</b>
<b>2014</b>	6980,1	5489,4	<b>78,6</b>
<b>2015</b>	<b>8309,5</b>	<b>6133,1</b>	<b>73,8</b>

Глобал молиявий-иктисодий инқирознинг кейинги тўлқини дунё мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган даврда Ўзбекистонга четдан кириб келган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 4340,9 миллиард сўмга етиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши энг юқори кўрсаткични, яъни 87 фоизни этган. 2015 йилда бундай

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

инвестицияларнинг қиймати 6133,1 миллиард сўмга етди. Бу 2010 йилга қараганда 1,63 баробар қўп эканидан далолат берадиган кўрсаткичdir.

Таҳлил қилинаётган йилларда мамлакатимизнинг бошқа ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй берганини қайд этиш ўринлидир. 2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 24487,7 минг кишини, ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми эса жорий нархларда 3255,6 миллиард сўмни ташкил этган. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз аҳолисининг умумий сони 32120,5 минг кишига, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми эса 199325,1 миллиард сўмга етган.

Агар ушбу маълумотларни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали изоҳлайдиган бўлсак, бунинг учун жон бошига ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг худди шу кўрсаткичлар бўйича натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда аниқ ва мантиқий хулоса қилиш имконияти юзага чиқади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси ўртача ҳар йили 1,6 фоиздан кўпайиб бормоқда. Демак, жон бошига тўғри келадиган иктисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишини таъминлаш учун битта банд аҳолига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини йилдан-йилга (аҳолининг ўсиш суръатидан юқори ҳажмда) ошириб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса кам энергия сарфловчи ва юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларни сафарбар этиш, уларни ишлатадиган ва кенг кўламда фойдалана оладиган ишчи кучининг малакасини ошириш, замонавий менежментнинг илфор усулларини амалиётга жорий этиш лозим.

Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар кўламини жадаллаштириш, корпоратив бошқарувнинг асосий принципларини кенг ҳажмда корхоналар, компаниялар фаолиятига татбиқ этиш муҳимдир. Айни дамда республикамида мавжуд асосий воситаларнинг катта қисми жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган. Шуларни инобатга олиб, ҳукumat томонидан айнан Хорижий инвестицияларнинг иктисодиётга кўпроқ кириб келишига устуворлик берилаётгани ҳам бежиз эмас.

#### **5.4. Жаҳон инвестициялар бозоридаги вазият ва тенденциялар**


Охирги йилларда ҳалқаро инвестициялар бозорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) ҳаракати йилдан-йилга камайиш томон юз тутиб бормоқда. БМТнинг Савдо ва ривожланиш ташкилотининг (ЮНКТАД) “Жаҳон инвестициялари тўғрисидаги маъruzasi” маълумотларига кўра, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий инқирози туфайли дунё бўйича ривожланган давлатларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қараганда ривожланаётган давлатларга киритилаётган ТТХИ ҳажми катта миқдорни ташкил қилган (2012 йилда дунё бўйича умумий ТТХИлар экспорти ва импортининг қарийб 52 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келган бўлса, 2015 йилда унинг улуши 63 фоизни ташкил этган<sup>63)</sup>.

20 та энг етакчи давлатларга жалб қилинган ТТХИ кўрсаткичини таҳлил қиласидиган бўлсак (2012 йил учун), энг юқори учталиқ: АҚШ (168 миллиард доллар), Хитой (121 миллиард доллар) ва Гонконг (75 миллиард доллар) давлатларига тўғри келган. Ушбу кўрсаткичлар 2015 йилда эса бошқача тус олган. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар мос равишда Хитой, Гонконг ва АҚШ га тўғри келган (4.8-расм). Расмдан кузатиш мумкинки, давлатларнинг ривожланиш даражасига кўра, ТТХИ жалб қилинган кучли 20 таликнинг саккизтаси ривожланган давлатларга, ўн иккитаси ривожланаётган давлатларга ва 2 таси иктисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларга тўғри келган.

Бошқа давлатларнинг иктисодиётига ТТХИ киритган давлатларнинг ичida БРИКС (Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой, Жанубий Африка) энг юқори кўрсаткичини ташкил этган. 2000 йилда ушбу давлатлардан чиқиб кетган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 7 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб унинг ҳажми 145

<sup>63)</sup> Доклад о мировых инвестициях за 2015 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Нью-Йорк и Женева, 2015 год.

миллиард долларни ташкил этган ва бу ТТХИларнинг 10 фоизига тенгdir (БРИКС томонидан бошқа давлатларнинг иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 2071,4 фоизга ошган).



**5.4.1-расм. 2015 йилда ТТХИ жалб этган 20 та етакчи давлат  
(миллиард АҚШ доллари)<sup>64</sup>**

Китай 2012 йилда бошқа давлатларга киритган ТТХИ бўйича учинчи поғонани эгаллаган бўлса, 2015 йилда биринчи ўринга кўтарилиган (5.4.1-расм). Ваҳоланки, 2011 йилда олтинчи ўринда турган. Ушбу йиллар оралиғида давлат трансмиллий компаниялари (ТМК) 845 тани, улар томонидан жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларига киритилган инвестициялар ҳажми 145 миллиард долларни ташкил этган.

Бу эса, жами ТТХИларнинг 11 фоизини ташкил этади ва улар томонидан яратилган товар ва хизматларнинг умумий миқдори қарийб 26 триллион долларни, шундан 6,6 триллион долларни қўшилган қийматни ҳосил қилган. Ушбу ҳажмдаги товар ва хизматларни яратишда жами 72 миллион киши сарфарбар этилган. Бундан кўриш мумкинки, ТМ компанияларда иш билан банд бўлган битта ходимга 36111,1 АҚШ доллари тўғри келган.

2012 йилда ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожланётган мамлакатлар иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми юкори кўрсаткичга эга бўлган. Ушбу

<sup>64</sup> Доклад о мировых инвестициях за 2015 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Нью-Йорк и Женева, 2015 год.

инвестицияларнинг фойда нормаси ўртача 8 фоизни ташкил этганини инобатга олсак, ўтиш даври иқтисодиётига мансуб бўлган давлатларда 13 фоизни, ривожланган мамлакатлар учун эса, ўртача 7 фоизни ташкил этган. Шундан 33 фоизи (500 миллиард доллар) ТТХИларни қабул қилган давлатларга, қолгани эса (1 триллион доллар), ТТХИ киритган давлатларга репатриация қилинган<sup>65</sup>.

2015 йилда дунё бўйича ТТХИ ҳажми (экспорти ва импорти) 20 фоизга ошгани ҳолда, 3236 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Биргина 2015 йилда ривожланган мамлакатларга киритилган ТТХИ ҳажми ўтган йилга нисбатан 36 фоизга ортган (4.7-жадвал). Бунда энг катта улуш саноат жиҳатидан энг юқори ривожланишга эга бўлган давлатларга тўғри келади.

ТТХИ кириб келиши бўйича ривожланаётган давлатларда ўсиш 5 фоизни ташкил этган. Осиё давлатларига киритилган ТТХИларнинг ўсиши 2014 йилга нисбатан 15 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Осиё давлатлари таркибида Ҳиндистонга киритилган инвестициялар абсолют қийматда 59 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан икки баробар ўсган.

Халқаро валюта жамғармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш конференцияси ва Жаҳон банки томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, Хитой Халқ Республикасига киритилган ТТХИ ҳажми 2014 йилда 347848740397 АҚШ долларни ташкил этиб, бу мамлакат рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. Ушбу рейтингда Ўзбекистон 86-ўринни банд этган.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларда ТТХИ 2015 йилда 54 фоизга қисқарган. Бунга асосий сабаб сифатида жаҳонда хом ашё ресурслари нархининг арzonлашгани кўрсатилса, бунда энг кўп пасайиш Россия Федерацияси (92 фоиз) ва Қозоғистон Республикасига (66 фоиз) тўғри келган.

Осиё давлатларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан рекорд даражада пасайиб кетди (5.4.1-жадвал). Бундай ҳолат Хитойга хорижий сармояларнинг кескин қисқариши ва маҳаллий компаниялар томонидан хорижий мамлакатларга (ташки) инвестициялар ҳажмининг ортганилиги билан изоҳланади. 2014 йилда Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар чиқиб кетувчи сармоялардан уч баробар кўп бўлган бўлса, 2016 йилда кўрсаткичлар деярли тенглашиб қолди.

2016 йилнинг сентябрига қадар бўлган 12 ой давомида Хитойдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар чиқиб кетиши ЯИМнинг 2,19 фоизига тенг бўлди. Бу эса рекорд натижа саналади. Хитойнинг Европага инвестициялари 77 фоизга ортиб, 35 миллиард европни ташкил қилган бўлса, Европанинг Хитойга сармояси – 23 фоизга қисқариб, 8 миллиардни ташкил этди.

Лондондаги TS Lombard тадқиқот фирмасининг Хитой бўлими директори Трей Мак Арвернинг мулоҳазаларига кўра, Хитойдаги бизнесга бўлган муносабат «сўнгги уч-тўрт йилда кескин равиша ёмонлашган». У аввалгидек ўзига жалб этаётгани йўқ. Компаниялар катта эътибор берувчи номинал ўсиш 20 фоиздан 7-8 фоизга қадар тушиб кетди<sup>66</sup>.

Бундан ташқари, МакАрвернинг таъкидлашича, «хорижий компаниялар Хитой хориж сармояларига анча ёпиқ ҳолатга келган, деб ҳисоблашмоқда». Сингапур, Таиланд, Тайванда тўғридан-тўғри хорижий сармоялар келиши ЯИМга нисбатан тўрт йиллик минимумга қадар тушиб кетди. Лотин Америкасида эса 2016 йилнинг сентябрига қадар бўлган 12 ойлик даврда 2003 йилдан бери энг катта даражага етган.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, мамлакатимиз минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар

<sup>65</sup> Доклад о мировых инвестициях за 2013 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Нью-Йорк и Женева, 2013 год.

<sup>66</sup> <http://www.tsresearch.com>

ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун хужжатлариға бир қатор ўзгартериш ва қўшимчалар киритилдики, бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай ўзгаришлар сирасида қуидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

#### 5.4.1-жадвал

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими, миллиард АҚШ доллари ва фоизда**

Минтақалар	ТТХИ кириб келиши			ТТХИ чиқиб кетиши		
	2013	2014	2015	2013	2014	2015
<b>Жаҳон бўйича</b>	1 427	1 277	1 762	1 311	1 318	1 474
Ривожланган давлатлар	680	522	962	826	801	1065
Ривожланаётган давлатлар	662	698	795	409	446	378
Африка	52	58	54	16	15	11
Осиё	431	468	541	359	398	332
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	350	383	448	312	365	293
Жанубий Осиё	36	41	50	2	12	8
Фарбий Осиё	46	43	42	45	20	31
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи	176	170	168	32	31	33
Океания	3	2	2	2	1	2
Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари	85	56	35	76	72	31
Таркибий муносабатлар бўйича жуда заиф, иқтисодиёти кичик бўлган давлатлар	52	55	56	14	14	8
<b>Давлатларнинг ҳалқаро ТТХИдаги улуши, фоизда</b>						
Ривожланган давлатлар	47.7	40.9	54.6	63.0	60.7	72.3
Ривожланаётган давлатлар	46.4	54.7	43.4	31.2	33.8	25.6
Африка	3.7	4.6	3.1	1.2	1.2	0.8
Осиё	30.2	36.6	30.7	27.4	30.2	22.5
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	24.5	30.0	25.4	23.8	27.7	19.9
Жанубий Осиё	2.5	3.2	2.9	0.2	0.9	0.5
Фарбий Осиё	3.2	3.4	2.4	3.4	1.5	2.1
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи	12.3	13.3	9.5	2.5	2.4	2.2
Океания	0.2	0.2	0.1	0.2	0.1	0.1
Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари	5.9	4.4	2.0	5.8	5.5	2.1
Таркибий муносабатлар бўйича жуда заиф, иқтисодиёти кичик бўлган давлатлар	3.6	4.3	3.2	1.1	1.1	0.5

Манба: ЮНКТАД, база данных ПИИ/МНП ([www.unctad.org/fdistatistics](http://www.unctad.org/fdistatistics)).

1. Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигига ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат

рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли экани белгилаб қўйилди.

2. Шундай тартиб ўрнатилдики, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойихалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташки муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари хисобидан амалга оширилиши белгиланди<sup>67</sup>.

Шунингдек, кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташки савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилди<sup>68</sup>.

### **Назорат саволлари:**

1. Эркин иқтисодий худуд атамасига таъриф беринг.
2. Президентнинг “Иқтисодиётини 2015-2019 йилларда таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида” фармони билан тасдиқланган Давлат дастури доирасида нечта лойиха (қиймати) амалга оширилиши кўзад тутилган?
3. Ўзбекистон Республикасининг қайси минтақаларида эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда?
4. «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қандай тадбирлар белгиланган?
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ургут», «Фиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қачон қабул қилинган?
6. «Ургут» ЭИЗ, «Фиждувон» ЭИЗ, «Қўқон» ЭИЗ ва «Ҳазорасп» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларини санаб беринг.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4853-сонли Фармони қачон қабул қилинган?
8. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари санаб беринг.
9. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига қандай хукуқлар берилган?
10. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига қўра инвестиция фаолиятига қандай таъриф берилган?
11. Эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишдаги асосий норматив-хукуқий хужжатларни санаб беринг.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **6-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ**

---

### **6.1. Халқаро молия институтларининг жаҳон иқтисодиётидаги роли**

Халқаро молия ташкилотларининг асосий функциялари бевосита ёки билвосита жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришга, яъни, глобал жаҳон хўжалиги самарали фаолиятини таъминлашга йўналтирилган. Жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёнларига таъсир этишида глобал молия ташкилотлари орасида Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро ҳисоб-китоблар банки мухим ўрин тутади. Шу билан бир қаторда минтақавий молиявий ташкилотлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби молиявий ташкилотлар мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда катта рол ўйнайди.

Халқаро валюта–молия ташкилотларининг асосий функцияси жаҳон иқтисодиёти ва молия бозори иштирокчиларининг умумий манфатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ушбу функцияларни амалга ошириш йўналишларини учтага ажратиш мумкин<sup>69</sup>: биринчи йўналиш бўйича халқаро молия ташкилотлари умумий валюта–молия ресурсларини бошқариш амалга оширилади. Жумладан, жаҳон иқтисодиёти учун устувор бўлган ёки алоҳида худудий лойиҳаларни кредитлаш ва молиялаштириш. Иккинчи йўналишдаги фаолияти халқаро стандартларни ишлаб чиқиши. Ягона стандартларнинг қўлланиши халқаро иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ва транзакцион харажатларни кескин қисқартиради. Ўрнатиладиган стандартларни шартли равишда иккита асосий гурухга бўлиш мумкин: техник стандартлар (операцияларни амалга оширилишини соддалаштирувчи, масалан валюта ва қимматли қоғозларнинг кодли белгилари, банк ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби ва бошқалар) ва молия, банк-кредит секторини давлат томонидан тартибга солиши стандартлари (банк назорати, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиши ва бошқалар). Учинчи йўналишдаги фаолияти ўз аъзоларига хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Кўпгина халқаро валюта–молия ташкилотлари қайсиdir маънода юкорида кўрсатиб ўтилган барча йўналишларда фаолият олиб боришилари мумкин, бироқ қайсиdir йўналиш устувор бўлади. Ушбу фукционал классификация доирасидан келиб чиқиб, халқаро молия ташкилотларини қўйидаги бешта асосий гурухга ажратиш мумкин:

1. Кредит ташкилотлари (ўз аъзолари маблағларини тўплаш ва уларни қайтариш шартлари асосида қарз берилиши);
2. Мақсадли фонdlар (ўз аъзолари маблағларини тўплаш ва уларни қайтармаслик асосида берилиши);
3. Мувофиқлаштирувчи ташкилотлар (ўз аъзоларининг сиёсати бўйича келишишлар);
4. Стандартлар ишлаб чиқувчи ташкилотлар;
5. Хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар.

Халқаро молия ташкилотларининг географик ваколатхонасига боғлиқ холда халқаро молия ташкилотларини глобал ташкилотлар (дунёning барча асосий минтақалардаги мамлакатларни бирлаштирувчи), минтақавий ташкилотлар (битта асосий минтақадаги мамлакатларни бирлаштирувчи) ва субминтақавий ташкилотларга (унчалик катта бўлмаган географик минтақадаги мамлакатларни бирлаштирувчи, масалан, Шимолий инвестицион банк (Скандинавия ва Болтиқ бўйи мамлакатлари).

---

<sup>69</sup>Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум /Е.А. Звонова и др.– М.:Издательство Юрайт, 2014.481–485с.

## 6.2. Халқаро валюта фонди ва унинг Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлари

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, аъзо давлатлар валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва тўлов балансидаги дефицит туфайли юзага келадиган валюта қийинчиликларини хорижий валютада қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш орқали уларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган<sup>70</sup>. 1944 йилдаги Бреттон-Вуд валюта конференциясида ташки савдо дефицити билан курашда мамлакатларга ёрдам бериш учун ХВФ ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва 44 та иштирокчи мамлакатлар томонидан 1945 йил 21 декабрдан кучган кирган ХВФ Низоми (келишув моддалари) ишлаб чиқилган.

ХВФ нинг Низомига кўра асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат<sup>71</sup>:

1. Халқаро валюта молиявий муоммалар устида биргаликдаги ишлар ва маслаҳатлар механизми билан таъминловчи доимий муассаса доирасида валюта-молия соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бериш;

2. Реал даромадлар ва бандликнинг юкори даражасига эришиш, шунингдек, барча аъзо-давлатлар ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш ҳисобидан кенгайган ва баланслашган халқаро савдони ўсиш жараёнларига ёрдам бериш;

3. Рақобатда устунликка эришиш мақсадидаги валюта девальвациясини қўлланилишига йўл қўймаслик ва аъзо давлатлар ўртасида соддалаштирилган валюта режимини қўллаб-қувватлаш, валюта барқарорлигига ёрдам бериш;

4. Аъзо-давлатлар ўртасида жорий операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг кўп томонлама тизимларини яратиш, шунингдек, жаҳон савдоси ўсишига тўсик бўладиган валюта чекловларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;

5. Аъзо-давлатларнинг миллий ёки халқаро даражадаги фаровонлигига зарар келтириш мумкин бўлган чораларни қўлламасдан, бир хилдаги кафолатлар яратишга риоя қилинган холда, Фонд умумий ресурсларини вактинчалик тақдим этилиши ҳисобидан уларнинг тўлов балансидаги диспропорцияни тўғрилаш имкониятини таъминлаш;

6. Юкорида кўрсатиб ўтилганларга мувофиқ аъзо давлатлар тўлов баланслари мувозанати бузилишдаги давомийликни қисқартириш, шунингдек, ушбу бузилишлар қўламини камайтириш.

Бреттон-Вуд валюта конференцияси иштирокчилари томонидан ХВФ га қуйидаги учта асосий функция юклатилган:

❖ “Фойдаланиш кодекси”га амал қилинишини назорат қилиш (давлатлараро тўлов айланмаси ва халқаро валюта сиёсати масалаларида яқин ҳамкорлик);

❖ фонд аъзоларига давлатлараро тўлов айланмаси ва халқаро валюта сиёсати масалаларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида молиявий ресурслар бериш;

❖ халқаро валюта масалалари бўйича ҳамкорлик ва аъзо-мамлакатларга ўзаро маслаҳатлар учун форумлар ташкил этиш;

Кейинчалик аъзо мамлакатлар томонидан давр талаби ва шароитидан келиб чиқиб, ХВФ учун қуйидаги қўшимча функциялар белгилаб берилди:

❖ миллий валюталар алмашинуви бўйича келишилган соддалаштирилган тизими устидан назоратни амалга ошириш;

❖ янада самарали ҳамкорлик ўрнатиш учун ўз аъзоларига иқтисодиётни қайта ташкил қилишга кредитлар бериш;

❖ аъзо мамлакатларга қўшимча хизматлар (ходимлар квалификациясини ошириш, ихтисослашган соҳалар техник кўмаклари, ахборот таъминоти) кўрсатиш.

Бугунги кунда ХВФ томонидан қуйидаги 3 та функцияни бажаришга асосий эътибор қаратилган<sup>72</sup>:

<sup>70</sup>Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум / Е.А. Звонова и др.– М.:Издательство Юрайт, 2014. 485–486с.


<sup>71</sup>Из статьи I Статей соглашения МВФ.

**1. Иқтисодий назорат** - қашшоқликни камайтириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришишни таъминлаш борасидаги сиёсат бўйича амалга оширишлиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан аъзо давлатларга тавсиялар бериш;

**2. Кредитлаш** - тўлов баланси муаммоларини ечишда ёрдам бериш, яъни, хорижий валютадаги тушумлардан ташқари тўланадиган тўловлар микдорининг ошиб кетиши натижасида мамлакатларга хорижий валюта етишмаслиги ҳолатларида аъзо-давлатларни вақтингчалик молиялаштириш;

**3. Салоҳиятни ошириш** - асосланган иқтисодий сиёсатни олиб боришдаги зарур бўлган институтларни ривожлантириш ҳамда уларга билим ва тажриба тўплашда ҳамкорлик қилиш учун аъзо давлатларга техник кўмак ва кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш.

ХВФ умумий ҳолда икки турдаги кредитлашни, имтиёзиз фоиз ставкалардаги ва қашшоқ мамлакатлар учун имтиёзли шартларда, яъни, жуда паст фоизлардаги, айрим ҳолатларда 0 ставкада амалга оширади.




**6.2.1-расм. 2007–2016 йил молия йилида тасдиқланган келишувлар бўйича имтиёзиз кредитлар (миллиард СДР)<sup>73</sup>**

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФ нинг аъзосига айланган бўлиб, ХВФ билан ҳамкорлик асосан молиявий секторни ривожлантириш ва макроиқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. ХВФ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Келишувнинг IV моддасига кўра Ҳукумат ва Марказий банк билан консультациялар ўтказиши мақсадида ХВФ вакилларининг республикамизга доимий ташрифи амалга ошириб келинмоқда. Мазкур миссияларнинг фаолияти иқтисодиёт соҳаси, молиявий сектор ва статистика, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш йўналишларини ўрганишдан иборат.


2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Марказий банк ва ХВФнинг ҳамкорлиги жараёнида сўмнинг айирбошлиши ва Ўзбекистон билан ХВФ ўртасидаги Келишувнинг VIII моддасида кўзда тутилган Иқтисодий ва молиявий сиёсат бўйича меморандум» ва Жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани айирбошлишни таъминлаш иш режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

<sup>72</sup> www.imf.org.

<sup>73</sup> www.imf.org/.Annual Report 2016.



**6.2.2-расм. 2007–2016 молия йилида ҳудудлар бўйича техник кўмак  
кўрсатишиш (жойларда кўрсатилган кўмаклар киши, йилларда)<sup>74</sup>.**



**6.2.3-расм. 2007–2016 молия йилида мавзулар бўйича техник кўмак  
кўрсатишиш (жойларда кўрсатилган кўмаклар киши-йилларда)<sup>75</sup>**

Ўзбекистон ва ХВФ ўртасидаги конструктив мулоқот Иш режасида кўзда тутилган барча чораларни бажаришга ёрдам берди, натижада 2003 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон Республикаси томонидан жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютани айирбошлишини таъминлаш борасидаги VIII модданинг 2(a), 3 ва 4 бўлимлари бўйича мажбуриятни олишга эришилган. ХВФнинг тавсияларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Тижорат банкларининг капитал адекватлилигига бўлган талаблар тўғрисида», «Тижорат банклари томонидан тузилаётган резервларни шакллантириш ва фойдаланиш, активлар сифатини классификациялаш», «Тижорат банкнинг ликвидлилик

<sup>74</sup> [www.imf.org/>.Annual Report 2016](http://www.imf.org/>.Annual Report 2016)

<sup>75</sup> [www.imf.org/>.Annual Report 2016](http://www.imf.org/>.Annual Report 2016).

бошқарувига бўлган талаблар тўғрисида», «Банклар ва уларга тегишли шахслар ўртасидаги бўлган операциялар тўғрисида» ва «Бир қарздорнинг ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гурухининг максимал риск миқдори тўғрисида»ги низомларнинг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу ўзгартаришлар миллий қонунчиликда банк назоратининг ҳалқаро талабларининг (Базель III) максимал даражада ҳисобга олинишига шароит яратди.

### 6.2.1-жадвал

#### ХВФнинг Ўзбекистондаги техник кўмаклашиш миссияси<sup>76</sup>

<b>STA</b>	<b>Миллий ҳисоб-варақлар, нархлар ва ҳисоб-варақлар баланси статистикаси</b>	<b>Май 2007</b>
LEG	AML/CFT	Январь, Март/Апрель 2009
FAD	Давлат бюджети бошқаруви	Февраль 2010
FAD	Инспекция	Июнь 2007, Октябрь 2008, Ноябрь/Декабрь 2009, Июнь, Сентябрь 2011
STA	Пул-кредит ва молия статистикаси	Февраль 2011
MCM	Банк назорати	Май/Апрель, Октябрь 2012, Февраль 2013
STA	Умумий маълумотларни оммалаштириш тизими	Март 2013
STA	Пул-кредит ва молия статистикаси	Май 2013
FAD	Солик муассасаси	Март, Октябрь 2013
STA	Давлат молия статистикаси	Сентябрь/Октябрь 2013
MCM	Тижорат банкларида корпоратив бошқарув	Апрель/Май 2014

Сўнгги йилларда ХВФ томонидан Ўзбекистонга турли йўналишлар бўйича техник кўмаклар кўrsатиб келинмоқда. Хусусан, Марказий банкка 2014 йилда банк секторида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги техник кўмакни кўrsатиб ўтиш мумкин. Мазкур техник кўмак натижасида “Корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низомга охирги ҳалқаро стандартлар, жумладан, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича Базель қўмитаси тамойиллари (2010 йил октябрь) ва Молиявий барқарорлик бўйича кенгашнинг (2013 йил февраль) “Рисклар бошқарувини тематик шарҳи” ХВФтавсияларига мувоғик қайта кўриб чиқилган. 2016 йил апрелдан бошлаб ХВФ томонидан мамлакатимизда тижорат банкларида стресс-тест синовларининг методологиясини такомиллаштириш бўйича техник кўмак доирасида иш бошланган. Жорий йилнинг 4-9 июнь кунлари Марказий банк, Молия вазирлиги ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси раҳбарларидан иборат Ўзбекистон делегациясининг ХВФ нинг Вашингтондаги штаб-квартирасида мамлакат валюта сиёсатини ислоҳ қилиш имкониятлари бўйича музокараларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтган.

Мазкур музокаралар якуни бўйича ХВФ Ижрочи директори Кристин Лагард томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзёевга йўлланган хатида иқтисодий сиёsat масалалари бўйича тавсиялар ва техник кўмак бериш орқали ислоҳотларнинг тўлиқ қўллаб-куvvatланиши маълум қилинган. Шунингдек, 2017 йилнинг 17-24 июль кунлари ХВФ нинг миссияси якуни бўйича жаноб Альберта Егер томонидан Ўзбекистон Республикаси

<sup>76</sup> <http://cbu.uz/uzc/node/>.

Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнлари, хусусан, валюта тизимидағи ислоҳотлар тўлиқ қўллаб-қувватланган ва ижобий баҳолангандар.

### **6.3. Жаҳон банки гуруҳи. Жаҳон банкининг Ўзбекистон билан ўзаро алоқалари**

Жаҳон банкининг (ЖБ) ташкилий тузилмасининг ўзига хос хусусияти шундаки, юридик ва молиявий муносабатларда ЖБ дан мустақил бўлган, бироқ бир-бири билан узвий боғланган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA) ва Инвестицион баҳсларни тартибга солишининг халқаро марказидан (ICSID) иборат гуруҳлар бирлашган бўлиб, шундан ХТТБ, ХТА ҳамда ХМК кредит ташкилотлариидир. **Жаҳон банки гуруҳи** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг глобал аҳамиятга эга бўлган ихтисослашган молия институти ҳисобланиб, асосий мақсади ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал қўйилмалар учун қулай шароитлар яратиш, узоқ муддатли халқаро инвестициялар оқимини рағбатлантиришдан иборат<sup>77</sup>.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлган. ЖБнинг Ўзбекистондаги жорий мажбуриятлари миқдори Қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳон банкининг Ижрочи директорлар кенгаши 14 июнь куни 2016-2020 молиявий йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг янги концепциясини тасдиқлади. Янги стратегик дастур мамлакатимизни 2030 йилга қадар ўрта даромадли мамлакатлар гурухининг юқори сегментига олиб чиқишидек эзгу мақсадни қўллаб-қувватлайди.

Янги стратегик дастур асосида Ўзбекистоннинг системали диагностикаси мамлакатнинг қиска ва ўрта муддатларда кам таъминганликка қарши кураш олиб бориши ҳамда умумий фаровонлик сари интилиши билан боғлиқ иқтисодий шароитлар, мураккаблик ва чекловлар бўйича Жаҳон банки томонидан ўтказиладиган комплекс таҳлил мужассам.

#### 6.3.1-жадвал

#### **ЖБнинг 2016-2017 йиллардаги Ўзбекистондаги лойиҳалари тўғрисидаги маълумот<sup>78</sup>**

<b>Лойиҳалар номи</b>	<b>Лойиҳа суммаси (миллион АҚШ доллари)</b>	<b>Тасдиқланган сана</b>
<u>Ferghana Valley Water Resources Management - Phase II</u>	144,9	30 июнь 2017 йил
<u>Livestock Sector Development Project</u>	150,0	23 июнь 2017 йил
<u>Support to the Land Administration and Geospatial System Modernization Project</u>	1,56	5 январь 2017 йил
<u>Modernization and Upgrade of Transmission Substations</u>	150,0	23 ноябрь 2016 йил
<u>Modernization of Real Property Registration and Cadastre</u>	20,0	24 май 2016 йил
<u>Modernizing Higher Education Project</u>	42,2	27 апрель 2016 йил

Стратегия асосий учта долзарб соҳа: хусусий секторнинг ўсиши, қишлоқ хўжалигининг рақобатдошлиги ва пахта етиштириш секторининг модернизацияси ҳамда давлат хизматлари сифатининг ошишига йўналтирилган. Биринчи муҳим соҳа доирасида

<sup>77</sup> Международные валютно-кредитные отношения: учебник и практикум / Е.А. Звонова и др.– М.:Издательство Юрайт, 2014.495–497с.

<sup>78</sup> <http://projects.vsemirnyjbank.org/>.

Жаҳон банки гурухи тадбиркорлик мұхитини яхшилаш ва мамлакатимизда хусусий секторга сармоя киритишни, иккінчи әнг мұхим соңа сифатида қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларини янада барқарор бошқариш билан бир қаторда меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишини ўз ичига олган фойдали, бозор тизимини яратишга қаратилған ислоҳотлар қўллаб-қувватланади. Давлат хизматлари сифатини ошириш учун эса ЖБ сув таъминоти ва санитария хизматларидан фойдаланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш, шунингдек, транспорт алоқаси ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш даражасини яхшилашда ёрдам беради<sup>79</sup>.

#### **6.4. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги истиқболли лойиҳалари**

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки** (ЕТТБ) нинг бош қароргоҳи Лондонда жойлашган бўлиб, 1990 йил 29 майдаги Келишувга асосан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ҳалқаро ташкилот ҳисобланади. 2015 йилнинг 13 марта қадар ҳолатига ЕТТБ акциядорлари таркибига 64 та мамлакат, Европа иттифоқи ва Европа инвестицион банки кирган<sup>80</sup>. ЕТТБ фаолиятида қўйидаги асосий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кредитлар бериш;
- аъзо мамлакатлар корхоналари акциядорлик капиталига инвестициялар киритиш;
- келишувларга мувофиқ маҳсус фондларга ресурсларни жойлаштириш;
- кафолатлар бериш.

ЕТТБ нинг фаолияти, жумладан, унинг кредитлари йўналишлари<sup>81</sup>: сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар (тармоқ ва таркибий ўзгарришлар) ўтказилишига; хусусий тадбиркорлик ва рақобатни ривожлантиришга; ҳуқуқий тизим ва молия секторини мустаҳкамлашга; инфратузилмани ривожлантиришга; атроф-мухитни ҳимоя қилишига; корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этишга.

ЕТТБ молиялаштиришнинг умумий шартлари қўйидагилардан иборат: лойиҳалар қиймати 5 миллиондан 250 миллион еврогача; молиялаштириш ҳажми янги корхоналар ташкил этиш бўйича лойиҳалар қийматини 30 фоизгача, фаолият юритаётган корхоналар узок муддатли капиталлашув суммасининг 35 фоизгача; лойиҳаларни молиялаштиришда синдикатлашган кредитглаш усувлардан фойдаланиш.

Кредитлашнинг шартлари: минимал миқдори 5 миллиондан 15 миллион еврогача; қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкалар; кредит турлари катта, субординация қилинган оралиқ ёки конвертирашувчи; кредитлар асосан хорижий валюталарда ёки ЕТТБ операциялари амалга ошириладиган мамлакат валютасида; тўлаш муддатлари 5 йилдан 15 йилгача. ЕТТБ нинг акциядорлик капиталида иштирок этишдаги шартлар қўйидагилардан иборат:

- ✓ саноат, молия ва инфратузилма соҳасида киртиладиган маблағ миқдори 2 миллиондан 100 миллион еврогача;
- ✓ ЕТТБ факат субназорат акциялар пакетига эга бўлиши; капиталдан чиқиб кетишнинг аниқ стратегияси мавжудлиги;
- ✓ тадбиркорликда катта тажрибага эга корхоналарга 2,5 миллион АҚШ долларигача ҳажмда тўғридан-тўғри маблағ киритиш механизми қўлланиши мумкин; капитал фаолия юритаётган корхоналарга ёки юқори сифатли бизнес режаси ва маблағларни инвестициялашда зарур тажрибага эга бўлган янги компанияларга киртилиши мумкин;

<sup>79</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2016/06/15/jb/>.

<sup>80</sup> [http://www.investintomsk.com/files/docDevelopment\\_institutesebrt.pdf](http://www.investintomsk.com/files/docDevelopment_institutesebrt.pdf).

<sup>81</sup> Международные валютно-кредитные отношения: Учебник для вузов /Под ред. Л.Н.Красавиной.—4—е изд., перераб. и доп.—М.:Издательство Юрайт, 2014.404—406с.

✓ акциядорлик капиталидаги иштирокининг мақсадли даражаси-25фоиз, қисқа муддатли қўйилмаларда 40 фоизгача; маъқул бўлган инвестицион цикл уч дан беш йилгача, етти йилгача ҳам узайтирилиши мумкин<sup>82</sup>.

#### 6.4.1-жадвал

#### ЕТТБ нинг операцион фаолият натижалари, 2012–2016 йиллар<sup>83</sup>.

	2012	2013	2014	2015	2016
Лойиҳалар сони	393	392	377	381	378
Банкнинг йиллик инвестициялар ҳажми (миллион евро)	8920	8498	8853	9378	9390
Жалб қилинган инвестицияларнинг йиллик ҳажми	1063	862	1177	2336	1693
Ш.ж. хусусий инвестициялар	1009	769	1014	2138	1401
Лойиҳалар умумий қиймати (миллион евро)	24871	20527	20796	30303	25470

ЕБРР Марказий Осиёдаги йирик институционал инвесторлардан ҳисобланиб, бугунги кунда банк томонидан хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг турли тармоқлари, инфратузилмадан тортиб қишлоқ хўжалигича бўлган соҳаларини қамраб олган лойиҳаларга киритилган инвестициялар ҳажми 11,6 миллиард еврони ташкил этади.

Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йилда аъзо бўлган. Банк Тошкентдаги ўз ваколатхонасини 1993 йилнинг май ойида очди. ЕТТБ маълумотларига кўра, ўтган вақт давомида банк Ўзбекистон хукумати ва хусусий компанияларга 54 та лойиҳа учун 899 миллион евро тақдим этган.



6.4.1-расм. ЕТТБ нинг 2012–2016 йилларда ўзлаштирилган маблағларнинг йиллик ҳажми (миллиард евро)<sup>84</sup>.

<sup>82</sup>[http://www.investintomsk.com/files/docDevelopment\\_institutesbrr.pdf](http://www.investintomsk.com/files/docDevelopment_institutesbrr.pdf).

<sup>83</sup> <http://www.ebrd.com/annual-report-2016.pdf>.

<sup>84</sup> <http://www.ebrd.com/annual-report-2016.pdf>.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Россия бўйича бошқарувчи директори Наталия Ханженкова 2017 йил 6 февралда Тошкентга қилган ташрифи чоғида Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликнинг истиқболларини муҳокама қилинган. Мазкур ташриф жараёнида, ЕТТБнинг ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистонга молиявий маблағларни инвестиция қилиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг аниқ соҳаларини белгилаб олган. Мазкур босқичда ҳамкорликнинг устувор соҳалари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-куватлаш, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган бўлиб, бунда иқтисодиётнинг анъанавий соҳаларини чекламаган ҳолда, янги инновацион йўналишлар изланаётгани таъкидлаб ўтилган<sup>85</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг президенти Сума Чакрабаргини қабул қилган. Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасида ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш, банк-молия сектори, инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда модернизация қилиш, шунингдек, агросаноат комплекси, кимё ва нефть-кимё, металлургия саноатида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги истиқболли дастур ҳамда лойиҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ва Табиатни муҳофаза қилиш соҳасига техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумнинг мақсади ЕТТБ нинг яқин истиқболда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш ва очик бозорнинг ривожланиши ҳамда ўрта муддатли истиқболли стратегия сифатида инновацион муҳитни яхшилашдаги иштироки ва молиялаштириш ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 21 июнь куни Ўзбекистон ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида имзоланган мамлакатда Марказий Осиё учун экологик реабилитация ҳисоби бўйича операциялар ўтказилиши тўғрисидаги ҳадли битимни тасдиқлади<sup>86</sup>.

Бугунги кунда ЕТТБ билан ҳамкорликда транспорт ва коммунал инфратузилма, кичик бизнес сектори ҳамда банк соҳаси бўйича умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро молия ташкилотлари таркибини тушунтириб беринг?
2. Халқаро молия ташкилотларининг асосий функциялари.
3. ХВФ нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. ХВФ га аъзо мамлакатлар квоталарини ҳисоблаш усувлари қандай?
5. ХВФ нинг кредитлаш механизmlарини тушунтириб беринг?
6. Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирувчи молия ташкилотлари ва уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. ХТТБ, ХТА ва ХМК нинг молиялаштириш тартиби қандай амалга амалга ошиralади?
8. MIGA ва ICSID нинг хусусий инвестицияларни рағбатлантиришдаги роли нималардан иборат?

<sup>85</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2017/02/07/yettb/>.

<sup>86</sup> <http://uzlidep.uz/ru/node/16985>

## **7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ**

### **7.1. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё миңтақасидаги ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари**

Ўзбекистон 1992 йил 2 марта БМТга аъзо бўлди. 1993 йил февраль ойида эса Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг қатор тузилмалари – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошкармаси, Тараққиёт дастури ва бошқа тузилмаларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши натижасида мамлакатимизда мустақиллигини дунёнинг 182 та мамлакати тан олди, 133 та давлат билан дипломатик, сиёсий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Тошкентда хорижий давлатларнинг 45 та элчихонаси, 4 та фахрий консульхонаси, 2 та савдо ваколатхонаси, 7 та халқаро ташкилот бўлими фаолият кўрсатмоқда. 88 та ваколатхона, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг сармоялари иштироки билан 3000 дан ортиқ қўшма корхоналар иш юритмоқда. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банклар Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар ўрнатмоқда. Хорижий мамлакатларда эса Ўзбекистоннинг 43 та элчихонаси ва консулийк муассасалари ишлаб турибди. Жаҳоннинг энг обрўли ташкилотлари, яъни БМТ, ЁХХТ, Европа Иттифоқида Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари очилди.<sup>87</sup>

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ташқи алоқалар муассасалари томонидан хорижий давлатлар билан халқаро алоқаларнинг тан олинган қоида ва нормалари асосида Ўзбекистоннинг дипломатик фаолияти турли йўналишларда олиб борилмоқда. Республикамиз ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўли асос қилиб олинган.

Биз бундан буён ҳам ташқи сиёсатимизни олиб бориша Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таяномиз. Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доимо содиқмиз.

*Шавкат Мирзиёев*

#### **БМТ Уставида ва Халқаро ҳуқуқ принциплари бўйича декларацияда 7 та асосий принцип қайд этилган:**

- 
- 1) Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласмаслик
  - 2) Зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш
  - 3) Бошқа ички ишларига аралашмаслик
  - 4) Халқларнинг тенг давлатларнинг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқларини ўzlари белгилаши
  - 5) Ҳамкорлик
  - 6) Давлатларнинг суверен тенглиги
  - 7) Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни вижданан бажариш

<sup>87</sup> Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним! Услубий кўлланма. Т.: “Маънавият”, 2014.-14б. “Даракчи”, 2015 йил 6 август.


**Булар EXXТнинг 1975 йилдаги Якуний актида рўйхатга олиниб, 3 та принцип билан тўлдирилди:**

- 1) Чегараларнинг дахлсизлиги
- 2) Ҳудудий яхлитлик
- 3) Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-боби, 17-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги **ташқи сиёсатининг (5 та) ҳуқуқий принципи** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) Давлатларнинг суверенитети, тенглиги
- 2) Куч ишлатмаслик ёки таҳдид қиласмаслик
- 3) Чегараларнинг дахлсизлиги
- 4) Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш
- 5) Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик

**Бу принциплар Ўзбекистоннинг 6 та манфаатдорлик тамойил-принциплари билан уйғунлаштирилди:**



- 1) Тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш
- 2) Мафкуравий қарашлардан қатъий назар очик-ойдинлик, барча давлатлар билан кенг алоқа ўрнатиш
- 3) Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устун туришини тан олиш
- 4) Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш. Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама хисобга олиш
- 5) Умумбашарий қадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, юзага келган можароларни тинч йўл билан ҳал этиш.

**7.1.1-расм. Ташқи сиёсатининг (5 та) ҳуқуқий принциплари.**

1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

2000 йил 3 февралда, Минтқадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

2012 йил 10 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва шу кундан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2016 йил 7 декабрда ўтказилган қўшма мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Хеч қандай ҳарбий сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва обьектлари Ўзбекистон худудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз худудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, илгаригидек, давулатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади”, деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан сўзлаган маъруzasida мамлакатимизнинг ташқи сиёсати хусусида тухталиб қўйидаги фикрларни қайд этган эди: “Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни, аввало, халқимизнинг, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама хисобга олган ҳолда амалга оширамиз”.

Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.

Биз бундан буён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар, жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш тамойилига содик қоламиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ҳалқаро тузилмалар билан фаол муносабатлар ва ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекисоннинг миллий манфаатларига хизмат қиласди.<sup>88</sup>

Ўзбекистон ташки сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақа билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёга оид сиёсатининг асосий йўналишлари – минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан, минтақавий хавфсизликнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, жумладан, Афғонистондаги вазиятни изга туширишга кўмаклашишдан, трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этишдан, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнларини якунлашдан, экологик барқарорликни таъминлашдан, трансчегаравий таҳдидларга қарши кураш борасида самарали чора-тадбирлар кўришдан, барча қўшни мамлакатлар билан ўзаро яқин, манфаатли ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир. Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очик, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади, минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва ҳалқаро хуқуқ нормалари асосида ҳал этилишини ёқлади. Марказий Осиёнинг муаммолари ташки кучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилимоғи зарур. Шу боисдан ҳам “Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташки сиёсатида марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмокда. Бу – ҳар томонлама чукур ўйлаб танланган йўлдир”.<sup>89</sup>Чунки, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир.

2014 йил 29 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 1-қўмитаси “Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги шартнома” резолюцияси лойиҳасини кўриб чиқди ва мазкур хужжат овоз беришга кўйилмасдан, консенсус асосида қабул қилинди. Дунёнинг 60 га яқин давлатлари, жумладан, “ядровий бешлик” мамлакатлари (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ, Франция) унинг ҳаммуаллифлари бўлишди (“Халқ сўзи”, 2014 йил 5 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган,

Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир.

Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

*Шавкат Мирзиёев*

<sup>88</sup> Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-25-27-бетлар

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки (Нью-Йорк шахри, 2017 йил 19 сентябрь) (“Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь)

ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиши доирасида устувор йўналишлар белгилаб берилди.<sup>90</sup>

### **Ҳаракатлар стратегиясининг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари**



- 1.Давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқукли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофига хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик мухитини шакллантириш.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етазиш.
3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда ҳамкорликнинг шартномавий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.
4. Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

#### **7.1.2-расм. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар.**

Президентимизнинг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигиниг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ҳам чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, кўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минатақамиздаги муаммоларни биргалиқда ҳал этиш тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳақидаги ғоялар илгари сурилди.<sup>91</sup>

#### **7.2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин кўшничилик, самимий мулоқот, қардошлиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи**

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти концепциясида (2012-йил) кўшни мамлакатлар билан дўстлик муносабатларини ривожлантириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига алоҳида устувор аҳамият қаратмоқда. Бу эса барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашда долзарб аҳамиятга эгадир.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон мазкур йўналишда аниқ қадамларни ташлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев биринчи ташрифларини айнан кўшни мамлакатлар – Туркманистон, Қозогистон, Қирғизистонга амалга оширгани бунинг амалий тасдиғидир.

<sup>90</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси //Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Т.: “Адолат”, 2017 27-28-бетлар

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигиниг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори //“Халқ сўзи”, 2017 йил 28 июнь

Президентимиз таъкидлаганидек, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда миңтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўп масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди.<sup>92</sup> Бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун қулай имконият яратган бўлур эди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 6-7 март кунлари Туркманистонга ташрифи доирасида давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисида шартнома имзоланди. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018-2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017-2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017-2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркманистонга қишлоқ хўжалик техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди.

Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро

вилояти билан Лебап вилояти ҳамкорликлари юзасидан битимлар имзоланди. 2011 йили Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Оман халқаро транспорт коммуникация коридорини барпо этиш бўйича имзоланган битим геостратегик ахамиятга эга, 2009 йилда ишга тушган Туркманистон-Ўзбекистон-Қозогистон-Хитой газ қувури углеводород ресурслари экспорт қилиш бўйича ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқишида кенг имкониятлар яратмоқда. 2016 йил сентябрда Туркманистонда ўзбек киноси кунлари, ноябрда Ўзбекистонда Туркманистон маданияти кунлари ўтказилди. Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. “Буюк ипак йўли” лойиҳаси доирасида ўзаро сайёҳатлар ташкил этилмоқда. Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Икки мамлакат олимлари қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон – Туркманистоннинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги иккала мамлакат манфаатларига мос келишини тан олган ҳолда, халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Томонлар БМТ Низомининг мақсад ва принциплари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилиш асосида жаҳонда барқарор ривожланиш, хавфсизлик, глобал ва миңтақавий масалаларни ҳал қилишида ушбу ташкилот ва унинг институтлари ролини ошириш муҳимлигини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ядро куролини унинг барча кўринишларида тарқатмаслик режимини таъминлаш бўйичка БМТнинг халқаро саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш мақсадида Марказий Осиё ядро куролидан холи зона экани тўғрисидаги шартнома доирасида ҳамкорликни амалга оширишга тайёр эканликларини билдирилар.<sup>93</sup>

Халқаро терроризм, экстремизм, ноконуний миграция, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка нисбатан бошқа таҳдидлар билан курашишдаги ҳамкорликни ҳам икки томонлама, ҳам халқаро тузилмалар доирасида янада ривожлантириш зарурияти қайд этилди. Айтиш мумкинки, бу иш икки халқ ўртасида тарихан шаклланган қардошлик ҳамда аҳил қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашда дастуриламал бўлади.

Ўзбекистон ҳамда Қозогистон ўртасидаги муносабатлар, айтиш мумкинки, миңтақалар тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Г.М.Бердимухамедовнинг 2017 йил 6 марта кўшма баёнати // “Халқ сўзи”, 2017 йил 10 март.

Биз Марказий Осиё  
мамлакатлари билан хеч  
истисносиз барча масалалар  
бўйича оқилона муроса асосида  
ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

**Шавкат Мирзиёев**

Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йил 16-17 сентябрда давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф доирасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси савдо-иктисодий алоқалар ривожида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон минтақаларо алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. 2017 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳудудларо ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шу йил 3-4 май кунлари Қўстаний вилояти ҳокими Архимед Мухамбетов бошчилигидаги Қозоғистон бизнес делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Ўша ойнинг ўзида Жиззах вилояти ҳокими етакчилигига мамлакатимиз ишбилармон доиралари делегацияси Жамбул вилоятига борди, июнь ойида эса Жамбул вилояти ҳокими Карим Коқреқбаев бошчилигидаги Қозоғистон делегациясининг жавоб ташрифи ташкил этилди. 2017 йилнинг март ойида Алмати-Тошкент йўналишидаги темир йўл қатнови тикланди, июнь ойида эса Самарқандан Остонага янги қатнов йўлга қўйилди. Июль ойида Қозоғистон давлат чегарасида “Оқ олтин – целинный” ва “Малик - Сирдарё” автотомобиль йўли (икки мамлакат ўртасидаги М-39 автомагистрали қисми) ўтказиш пунктларининг расмий очилиш маросими бўлди. Транспорт коммуникациялари савдо-иктисодий ҳамкорлик билан бирга, икки ҳалқ ўртасидаги маданий ришталарнинг мустаҳкамланиши ҳамда сайёхликни ривожлантиришга кўмаклашади. Бугунги кунда Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива ҳамда Шимкент – Туркистон – Остона йўналишлари бўйича биргаликдаги сайёхликни ташкил этиш мамлакатимиз сайёхлик индустриси вакилларининг дикқат-эътиборида турибди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат раҳбарлари томонидан Самарқандда эришилган келишувларнинг минтақавий давоми бўлиб, Ўзбекистон-Қирғизистон муносабатлари ривожида янги саҳифа очгани билан тарихий аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамлеяси 72-сессияси нутқида ўз сўзининг исботи сифатида 2017 йил сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланганини эслатди. Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёргарлигини намоён этгани туфайли ўтган 26 йил давомида биринчи марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди. Бинобарин, Президентимиз “ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди”, деганида мутлақо ҳақ гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам, қисқа вақт ичida худудларимиз ўртасида алоқалар мустаҳкамланди. Қирғизистоннинг Баткен, Жалолобод, Ўш вилоятлари вакилларининг Андижон шаҳрига, Ўзбекистон делигациясининг Ўш шаҳрига ташрифи амалий натижалар тасдиғидир. Икки давлат раҳбарлари 2016 йил декабрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган мулоқотларида самарали транспорт йўлларини ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо этиш бўйича музокаралар олиб борган эди. Бу галги учрашувларда унинг ҳуқуқий асосларини яхшилашни жадаллаштириш бўйича келишиб олинди. Ижтимоий тармоқларда қирғизистонлик фойдаланувчилар “Ўзбекистон Президентининг ташрифи йилнинг энг яхши янгилигидир” деган фикрларни баён этишган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифига қадар давлат раҳбарлари Самарқанд, Пекин ва Остона шаҳарларида ҳам учрашувлар ўтказишган эди. Бунинг амалий натижаси сифатида Бишкекдаги учрашувда томонларнинг барча соҳалар бўйича ўзаро келишувига эришилди.<sup>94</sup>

Минтақадаги мавжуд муаммолар фақатгина Марказий Осиё давлатларининг ўзаро манфаатларига асосланган ҳамкорлик асосида ҳал этилиши мумкин.

**Шавкат Мирзиёев**

<sup>94</sup> Мустафоев Б. Ўзбекистон – Қирғизистон: Ҳамкорлик муносабатларида туб бурилиш. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 12 сентябрь.

## **Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишдаги муаммолар:**

1. Давлат ҳудуди доирасини, яъни, унга тегишли қуруқлик, сув ва ҳаводаги кенгликларни, унинг юрисдикцияси амал қиладиган сарҳадларни белгилаш.
2. Давлат чегараси ҳар қандай давлатнинг муҳим атрибуларидан бири саналади. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги мустақиллиги, суверенитетини билдиручи восита.
3. Ҳар бир давлат чегараси жамият хаётининг моддий асосини ташкил этувчи мавжуд ресурслар билан белгиланади.
4. Чегара давлатнинг ҳудудий устуворлиги, қонунчилигига мувофиқ барча мажбурлаш воситалари билан таъминланганлиги.
5. Олий ҳокимиёттинг амал қилиши.

### **Давлат чегараларини аниқлаштириб олишда:**

- ❖ Марказий Осиёдаги давлат чегараларининг ҳалқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинмаганлиги минтақа хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф сабабларидан бири бўлиб, ўзаро муносабатларда соғлом сиёсий мухитни яратиш ҳамда минтақавий интеграция жараёнларига ўз салбий таъсирини ўтказиб келганлиги;
- ❖ Ҳудуд ва чегара муаммолари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси учун потенциал хавф манбаи бўлиб, совет даврида ўтказилган миллий чегаралаш сиёсатининг салбий оқибатлари ўзини кўрсатиши билан ҳам боғлиқ;
- ❖ Дунёдаги кудратли куч марказлари, шунингдек, минтақавий етакчи давлатлар Марказий Осиёда ўз манфаатларини излаётган ҳозирги шароитда; минтақа республикалари ўртасида ҳудудий келишмовчиликларнинг мавжудлиги минтақада барқарор сиёсий вазиятни юзага келтириш ва ўз таъсирига олиш воситасига айланиб қолиши мумкин;
- ❖ Мавжуд ҳудудий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги Марказий Осиё давлатлари ўртасида сиёсий, ижтимоий-иктисодий ахволнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

### **7.2.1-расм. Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилишдаги муаммолар.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳалқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш билан бир қаторда, ушбу соҳада хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамда кўп томонлама парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Тоҷикистон ва Қирғизистон парламентларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гурухлар тузилган. Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзоларидан Тоҷикистон, Туркманистон парламентлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гурухлар тузишга оид масала кўриб чиқилмоқда.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлса, минтақа давлатлари ривожланади, ҳалқлар фаровонлиги юксалади. Шу боис яқин қўшниларимиз Қирғизистон, Туркманистон, Қозогистон ва Тоҷикистон билан очик, дўстона ва pragmatik сиёсат олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

Болгария Республикаси Президенти Румен Радев Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни, Марказий Осиёда давлатлараро мулокотни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган сайд-харакатларни кўллаб-кувватлади.<sup>95</sup>

**БМТ шафелигига Марказий Осиё минтақасидаги фундаментал муаммолар ечими:** 2017 йил 10-11 ноябрда Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик” мавзусида ўтказиладиган ҳалқаро анжуман минтақадаги фундаментал

<sup>95</sup> Самадов А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга ташрифи самарали бўлди. // “Халқ сўзи”, 2017 йил 21 сентябрь.

муаммолар муҳокамкасига қаратилиши режалаштирилган. Ана шу ҳалқаро анжумандада БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларида хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир маҳсус резалюциясини қабул қилиш кўзда тутилган.

### **7.3. Марказий Осиё минтақасида экологик мувозанатни тиклаш, ахоли турмуш фаровонлигини яхшилаш – тараққиёт ва фаровонлик омили**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳалқаро ҳамжамият эътиборини Марказий Осиёдаги энг оғрикли ва сурункали муаммолардан бири, яъни, Орол ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига қаратди. Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 30 йилдан сўнг дунё ахолиси узоқ давом этадиган ёки вақтинчалик сув танқислигини ҳис қиласди. Мазкур муаммони ечиш учун трансчегаравий сувлардан фойдаланиш борасида ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб, минтақанинг умумий сув захираларидан фойдаланиш масаласига эътибор қаратди.

Ўзбекистон БМТ Бош котибининг «Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла қўллаб-қувватлади. Бу борада сув ресурсларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифи доирасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида келишув муҳокама қилинди. Мисол учун, Сирдарё ҳавзаси ҳудудида Қирғизистоннинг 3 та вилояти, Тожикистоннинг 1 та вилояти, Ўзбекистоннинг 6 та вилояти, Қозоғистоннинг 2 та вилояти жойлашган. Ушбу жараёнда, Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Сирдарё ва Амударё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.



Орол - ҳалокати бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири. БМТ Бош котиби Антониу Гутериш шу йилнинг март ойида Нукус ва Мўйноқ туманларига ташрифи чоғида, «Кемалар қабристони»ни кўрди, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Орол денгизи ҳамда унинг атрофидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон

томонидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади. Ташрифдан сўнг Бош котибнинг Президентимиз Шавкат Мирзиёев номига ёзган миннатдорлик мактубида шундай жумлалар бор: «**Орол денгизи тезлик билан қуриб бораётгани мени қаттиқ ташвишга солди ва бу фалокатдан азият чекаётган аҳоли билан учрашувда ғоят таъсиrlандим. Ишонтириб айтаманки, БМТ сизнинг ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш йўлидаги саъй-хақақатингизни бундай буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр**<sup>96</sup>». орол фожиасидан жабр тортган аҳолига амалий ёрдам қўрсатиш бўйича маҳсус дастур қабул килинган.

2017 йил 6-7 марта Ўзбекистон ва Туркманистон давлат раҳбарлари Туркманистондаги учрашувда Орол денгизи ҳавзаси экотизимини қайта тиклаш, Оролбуйида ижтимоий-иктисодий ва экологик ҳолатни яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва миintaқада юқори даражада атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масаласини муҳокама қилдилар ҳамда Туркманистоннинг Оролни қутқариш ҳалқаро фондига раислиги доирасида мазкур йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирган эдилар. Томонлар Оролни қутқариш ҳалқаро фондига Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғломлаштиришга, шунингдек, миintaқа ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-миintaқавий лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш бўйича миintaқа мамлакатларининг биргалиқдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурслари миintaқа ҳалқларининг умумий бойлиги эканлиги ҳамда ўн миллионлаб инсонлар тақдири, бутун миintaқа барқарорлиги ва фаровонлиги мазкур ресурслардан адолатли ва оқилона фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этдилар.<sup>97</sup>

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари Марказий Осиё трансчегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зиён етказмайдиган, конструктив ёндашув ва муроса асосида, шунингдек, трансчегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни холис ҳалқаро экспертизадан ўтказиш ва қуий оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишишни назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган ҳалқаро сув ҳукуқининг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

БМТ Бош Ассаблеясининг 72-сессияси иштирокчилари Шавкат Мирзиёевнинг нутқини диққат билан тинглади, БМТ каналлари орқали бевосита кузатиб борди. Бош қароргоҳдаги медиа марказда журналистлар ўзларига кўп нарсаларни қайд қилиб борди. Айниқса, Президентимиз бугунги куннинг энг ўткир муаммоларидан бири - Орол ҳалокатига, Орол денгизи акс эттирилган харитани қўрсатганида ҳамма жиддий ўйга толди.

Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш ҳалқаро миқиёсидаги саъй-харакатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда, деди Юртбошимиз. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам қўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган маҳсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз. Дастур бўйича Орол бўйи аҳолисига тўлиқ ёрдам бериш ва ижтимоий химоя қилишни бошлаймиз, деди Президент.

Сўз билан иш бирлиги ҳар доим хайрли амалл+арга йўл очади. Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йил 20-21 январь кунлари Қоракалпоқистон Республикасига ташрифи чоғида Мўйноқ тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашимиз шарт, деган эди. Бундан ҳудуд аҳли беҳад мамнун бўлди, унинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланди. Қарангки, қарийб 60 йилдан буён ечилмай, кўндаланг турган ушбу муаммо Президентимиз эътибори, ғамхўрлиги билан 6 ойга етар-етмас ҳал қилинди. Кўнғиротдан Мўйноққача бўлган 101 километрлик масофага қувур ётқизилиб, бу ерга тоза сув келтирилди. Одамларнинг асрий орзуси рўёбга чиқди («Халқ сўзи», 2017 йил 21 сентябрь).

<sup>96</sup> Абдураҳмонов Ў. Орол фожиаси – глобал муаммо //”Халқ сўзи”, 2017 йил 21 сентябрь.

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Г.М.Бердимухамедовнинг кўшма баёни //”Халқ сўзи”, 2017 йил 10 март.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи барча юртдошларимиз қатори Қорақалпоқистонликларни ҳам руҳлантириди. Эрта тонгдан турли давраларда ана шу йирик ҳалқаро анжуманда Президентимиз айтган сўзлар гурунгларнинг бош мавзусиига айланди. Президентимиз ҳалқнинг дардини тўғри англади. Масалан, Қорақалпоқистонда пахта майдонлари қисқартирилиб, ўрнига бошқа экиниши режалаштирилоқда. Бу - бир томондан, минтақа учун муҳим бўлган сувни тежаш имконини берса, иккинчи томондан, дехқончилик маҳсулотларининг мўллигини таъминлайди. Бундан ҳосил бўладиган мурод – одамлар рўзгорига барака инади, турмуш янада фаровонлашади.<sup>98</sup>

Антониу Гуттериши Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи ниҳоятда мазмундор бўлгани, унда билдирилган ташабbusлар муҳим ва ўз вактида илгари сурилганини таъкидлади. Ушбу ташабbusларни ҳалқаро майдонда қўллаб-қувватлашини қайд этди.<sup>99</sup>

### 7.3.1-жадвал

<b>БМТ Бош Ассамблеяси 72-сесиясида Ўзбекистоннинг позицияси</b>
1. Ўзбекистон БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришининг “Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ” деган позициясини тўла қўллаб-қувватлайди.
2. Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Амударё ва Сирдарё ҳавзасида сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияини тўла маъқуллайди.
3. Ўзбекистон БМТ шафелигига Орол денгизи ҳамда Оролбўйи ҳудуди бўйича маҳсус Траст жамғармасини тузишга қаратилган саъй-харакатларни қатъий қўллаб-қувватлайди.
4. Ўзбекистон БМТнинг 2017 йил 10 февралда “Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича Кўп шериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол денгизи фожиасидан зарар кўрган ахолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш” бўйича қўшма дастурининг амалга оширила бошланганини тўла қўллаб-қувватлайди. Бу дастур Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий қоидалари Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос келишини яна бир бор тасдиқлайди.
5. Глобал иқлим ўзгаришлари туфайли Марказий Осиёning аксарият мамлакатларида тупроқ емирилиб, унумдор ерлар қисқариб, чўлланиш, сув тақчиллиги, қурғоқчилик, ахолини ичимлик суви билан таъминлаш жиддий муаммога айланмоқда. Оролбўйи экологик ҳалокат туфайли бу таҳдидларни бартараф этиш учун Ўзбекистон 2017 йил 10 сентябрда Остона шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида “Персоналлаштирилган қишлоқ хўжалиги” концепциясини ишлаб чиқишида ИҲТга аъзо давлатларни ҳамкорлик қилишга таклиф қилди.

Бош котиб Ўзбекистон томонидан минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилаётган амалий чоратадбирларни юқори баҳолади. Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни илгари суриш, Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳалокат оқибатларини юмшатишга ҳалқаро ҳамжамият дикқат-эътиборини қаратишини билдириди.

Шавкат Мирзиёев сув ресурслари билан боғлиқ мураккаб ва глобал мавзуга тўхталар экан, бу муаммога БМТ шафелигига минтақаининг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ва муросага аососланган ҳолда ёндашиш лозимлигини яна бир бор алоҳида қайд этди. «Ўзметроном» ахборот порталининг ёзишича, Ўзбекистон Президентининг Нью-Йоркдаги нутқи хорижда мамлакатимиз ҳақида шаклланган бир хил қолипдаги тушунчаларни максимал даражада лўнда ва ишонарли ўзгартириди. Моҳиятан бу БМТ Низомида мустаҳкамланган инсон ҳукуқлари устуворлиги, умуминсоний қадриятлар ,

<sup>98</sup> Абдураҳмонов Ў. Орол фожиаси – глобал муаммо// “Халқ сўзи”, 2017 йил, 21 сентябрь.

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи, Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь // “Халқ сўзи”, 2017 йил, 20 сентябрь

халқаро ҳамкорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига доир тамойилларга тўлиқ ва сўзсиз содик бўлган давлатнинг янги қиёфасини намоён этади. Ахборот порталининг ёзишича, прагматик сиёсий мухитда анъанавий равишда яхши қабул қилинмайдиган узун, таржима қилиш мураккаб гаплар, тарихга назар ва лирик чекинишлар йўқлиги эътиборга молик. Шавкат Мирзиёевнинг ҳамкорларга айтадиган ҳар бир фикри чуқур ўйланган. Ҳар бир хатбоши – у факт ёки тезис бўлсин, атиги бир гапдан иборат бўлиб, тезда хотирада муҳрланишга мўлжалланган. Шавкат Мирзиёев атиги бир йил ичida Ўзбекистонда айнан нималар ўзгаргани, мамлакатни нималар ташвишга солаётгани, мавжуд глобал муаммолар шароитида келажакни қандай кўраётганини максимал даражада содда шаклда аудиторияга етказишга интилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Марказий Осиё минтақасидаги устувор йўналишларини баён этинг.
2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин қўшничилик, мулоқот, қардошлиқ ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлигининг янги босқичи ҳақида нима деб оласиз?
3. Марказий Осиё минтақасида экологик мувозанатни тиклаш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида қандай устувор фоялар кўтарилди?
5. Ўзбекистон БМТга қачон аъзо бўлган ва унинг Тошкентда қандай бўлими жойлашган?
6. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади, принцип ва вазифаларини баён этинг.
7. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
8. Ҳаракатлар стратегиясининг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари нимадан иборат.
9. Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини изоҳлаб беринг.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон, Қозогистон ва Қирғизистон Президентлари билан учрашувларида қандай масалалар ҳақида фикр юритилди?

## **8-БОБ. СУВ, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ЧАМБАРЧАРС БОҒЛИҚ**

### **8.1. Сув - чекланган, муқобили бўлмаган умумий фойдаланиувчи мўлжалланган бебаҳодир**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида дунёнинг энг баланд минбаридан туриб берган баёнотида, халқаро аҳамиятга молик, энг муҳим масалалар қаторида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари тўғрисида сўз юритар экан, миңтақадаги мавжуд чекланган сув ресурсларини биргалиқда барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ мураккаб ва глобал масаланинг бугунги холати ва барқарор ечими тўғрисида алоҳида тўхтади.

Баёнотда келтирилган фикрларга эътибор билан қаралса, жуда кенг қамровли масалалар бўйича чукур мазмун ва асосга эга бўлган, пухта ўйланган таклифларни қисқа баён қилиш усулидан фойдаланиб, прагматик сиёсий муҳитда яхши қабул қилинадиган ва тез хотирада қоладиган тезис тарзида берилганини кўриш мумкин.

Бевосида сув муаммосига батафсилоқ тўхталсак, унинг бугун нима учун бу қадар юкори даражада эътиборни тортаётгани, инсон ҳаёти, кишилик жамияти ва табиий муҳит барқарорлигида тутган ўта муҳим ўрни ва аҳамияти нафақат мутахассис ва олимлар балки мамлакатлар раҳбарларининг эътибор марказида турган, давлатлар ва минтақаларнинг устувор давлат сиёсати даражасига кўтарилган муаммога айланганини ҳис этиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, сув кимёвий формуласи бўйича жуда содда, рангиз, таъмсиз ва шу билан бирга, муқобили бўлмаган табиий ресурс - ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, инсоннинг муносиб ҳаётию кишилик жамиятининг ривожи учун фундаментал асос ҳисобланади. Дунёдаги умумий сув захиралари қарийб 1,5 миллиард километр куб бўлгани ҳолда, унинг 2 фоизга яқин қисминигина чучук сувлар ташкил этади.

Инсоният ўз эҳтиёжлари учун ишлатиши мумкин бўлган чучук сувлар ресурслари эса, олимларнинг ҳисобларига кўра, атиги 41 минг километр кубни ташкил этади. Дунёдаги мавжуд чекланган чучук сув ресурслари – уларнинг тақчиллигини ортиши ва сифатининг ёмонлашиб бориши билан ҳам характерланади. Бутун ер юзида чучук сув тақчиллиги жиддий глобал муаммога айланиб улгурди ва оқибатда табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашуви, тирикчилик учун зарур воситаларнинг камайиши ва аҳоли касалланиш ҳолатларининг ортишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган сувнинг етишмовчилигидан дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида истиқомат қилувчи 2 миллиарддан ортиқроқ киши азият чекилометроқда.

Сув билан боғлиқ энг асосий муаммо - мавжуд чекланган сув ресурсларининг тобора ошиб бораётган талабларга мос келмаслиги билан боғлиқдир. Дунёда сув хўжалик муаммоларининг асосий келиб чиқиши сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Сайёрамизда чучук сув захираларининг ўта чегараланган микдорда экани;
2. Чекланган чучук сув ресурсларининг қитъалар бўйича худудий жиҳатдан ўта нотекис тарқалгани (бунинг оқибатида серсув ва камсув минтақалар мавжудлиги);
3. Чекланган чучук сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида (антропоген омиллар) уларнинг ифлосланиши, яъни, яроқли ҳолатдан яроқсиз ҳолатга ўтиб қолаётгани.

Сув ресурсларига хос яна бир муҳим жиҳат унинг турли хосса ва хусусиятларга эга экани ҳамда турфа мақсадлар ва кўп сонли истеъмолчилар томонидан фойдаланиувчи ягона, муқобили бўлмаган умумий тарзда фойдаланишга мўлжалланган ресурс эканлиги билан боғлиқ. Сув ресурсларидан бир вақтда миллионлаб истеъмолчилар ўзларининг турли эҳтиёжлари учун фойдаланади. Сувнинг турли фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланишда нафақат кишилик жамиятининг иқтисодий ва атроф-муҳит барқарорлиги учун

БМТ Бош котибининг “сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчарс боғлиқ” деган позициясини тўла кўллаб-куватлаймиз.

*Шавкат Мирзиёев*

зарур бўлган экологик эҳтиёжлари, балки алоҳида истеъмолчилар ва ҳатто мамлакатлар манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келади. Зиддиятлар сувнинг миқдори, сифати ёки режими (сувнинг керакли миқдорда ва зарур сифат кўрсаткичларида мавжуд бўлиш вақти ва муддати) кўрсаткичлари бўйича юзага келиши мумкин. Тарих бундай зиддиятларнинг жуда кўплариша шоҳид бўлган.

Чекланган сув ресурслари танқислиги эса сувга бўлган талаб ортиб борган сари кескинлашиб бориши табиий. Сув билан боғлик муносабатларнинг ривожланиш таърихига эътибор қаратилса унинг асосан икки даврни ўз ичига олганлигини кўриш мумкин. Уларнинг биринчиси тахминан XX асрнинг ўрталари гача бўлган даврни ўз чига олади. Бу давр асосан мавжуд сув ресурслари га нисбатан уларга бўлган эҳтиёжнинг камлиги (аҳоли сони кам – 2,5 миллиярд киши, иқтисодиёт ривожланмаган), инсониятда факат ўша давргагина тўғри келувчи "сув ресурслари - чексиз, тугалланмас табиий ресурс, бу - худонинг инсонларга инъоми, ундан хоҳлаганча фойдаланиш мумкин, у тугамайди, дарё сувини олиб ишлатиш унинг миқдорига тасир этмайди, сувнинг сифати ҳам ўзгармайди, чунки у етти маротаба думаласа яна тоза булиб қолади" деган нотўғри фикр ёки тушунча одамлар онгидаги ўрнашиб қолган эди. Сув билан боғлик муносабатларнинг ривожланиш тарихининг иккинчи босқичи эса XX-асрнинг ўрталарида, яъни, иккинчи жаҳон урушидан сўнг тинч хаётни бошланиши, катта-катта майдонларнинг ўзлаштирилиши, саноатнинг ривожланиши, аҳоли сонининг кескин ошиб бориши натижасида сув ресурслари га бўлган талабнинг кескин ортиши билан характерланади, Мавжуд сув ресурслари деярли тўлиқ ўзлаштирилиб, энди келажакни кайси сув ресурслари хисобидан таъминланади, деган савол кун тартибига кириб кела бошлади. Сув ресурсларининг халқ хўжалигида катта миқёсда ишлатилиши сув балансини ўзгартириди ва сув объектларининг ифлосланишига олиб келди. Инсоният томонидан кичик майдонларнинг ўзлаштирилиши ва суғориш учун сув олинини ёки бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун кичик ҳажмда сув ишлатилиши билан боғлик бўлган таъсирлар ва XX асрнинг эллигинчи йилларидан кейинги даврда катта майдонларнинг ўзлаштириши ҳамда халқ хўжалиги тармокларининг кенг миқёсда ривожланиши билан боғлик атроф-муҳитга сабий тасир оқибатларини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи сув туфайли ёки сув орқали тарқалади.

Шундай килиб, сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш заруриятининг биринчи сабаби - илмий техник тараққиёт, халқ хўжалиги тармокларининг интенсив ривожлантириши бўлса, унинг иккинчи сабаби - озик-овқат муаммосидир. Юқорида таъкидланган сувга бўлган муносабатларнинг ривожланиш тарихининг иккинчи босқичи даврида ҳам сувга биринчи босқичдаги муносабатларга таянган ҳолда "Табиатни инсон измига буйсиндириш" жараённада қўйилган хатолар оқибатида сайёрамизда бугунги кунга келиб сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари билан чамбарчас боғлик ҳолда чучук сув муаммоси пайдо бўлди. Ҳозирги кунда чучук сув муаммоси ўзида сув, тинчлик ва хавфсизлик шартларини мужассам этган, нафақат алоҳида мамлакатлар, балки бутун бошли минтақаларнинг барқарор тараққиётини белгилаб берувчи муаммога айланди. Шунинг учун янги шароитда умумий ва чекланган сув ресурсларини биргаликда барқарор бошқариш, улардан самарали фойдаланиш, уларга бўлган муносабат масаласига муносиб эътибор қаратиш зарурияти – ўзаро чамбарчарс боғлик сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоси сифатида Ўзбекистон раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

## **8.2. Марказий Осиёнинг чекланган сув ресурслари ва уларнинг ўзига хослиги**

Марказий Осиёнинг умумий чекланган сув манбалари масаласига ўтсак, аввало таъкидлаш лозимки Орол денгизи ҳавзаси деб номланувчи бизнинг минтақамиз айнан чучук сув ресурсларининг қитъалар бўйича худудий жиҳатдан ўта нотекис тарқалиши (табиий омил) оқибатида шаклланган чекланган сув ресурслари га эга берк ҳавза хисобланади. Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари табиий ҳолда шаклланадиган ва кайта тикланиб

турадиган ер усти ва ер ости сув ресурслари ҳамда қайтариладиган сувлардан ташкил топган. Орол денгизи ҳавзасининг умумий ўртача кўп йиллик сув оқими 115.6 километр қубга, жумладан, Амударё буйича - 78.5 километр куб ва Сирдарё буйича - 37.1 километр кубга тенг. Мавжуд умумий сув ресурслари минтақада яшувчи 60 миллиондан кўпроқ аҳолининг ҳаётий неъмати, минтақа барқарор тараққиётининг мухим асосларидан бири ҳисобланади. Трансчегаравий сув объектлари мақомига эга бўлган Амударё ва Сирдарёнинг ўртача кўп йиллик сув оқим микдори катта диапазонда ўзгариб турибди. Умумий чекланган сув ресурслари минтақа мамлакатлари томонидан биргаликда иқтисодий ва экологик эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

**Трансчегаравий сув обьекти** деб икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасини кесиб ўтадиган ёки икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасида жойлашган ҳар кандай ер ости ёки ер усти сув обьектларига айтилади. Бугунги кунда дунёда мингдан ортиқ трансчегаравий мақомга эга бўлган сув обьектлари мавжуд. **Маҳаллий сув обьекти** деб ҳар кандай сув ресурсларининг шаклланиш, тарқалиш ёки оқиш ва сарфланиш зоналари бир мамлакат ҳудудида жойлашган ер усти ва ер ости сув обьектларига айтилади.

Шу кунгacha дунё миқёсида трансчегаравий ва маҳаллий сув обьектларидаги сув ресурсларини ҳисобга олиш, уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича мингдан ортиқ турли (кўп томонлама, икки томонлама шартномалар, келишувлар, конвенциялар ва хокозо.) меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида иш олиб борилмокда. Шулардан энг асосийлари Европа ҳамжамиятининг “Халқаро кўллар ва трансчегаравий сув артерияларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш конвенцияси”си (Хельсинки шахрида 1992 йили 17 марта қабул қилинган) ва БМТнинг “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳукуклари тўғрисидаги Конвенция”си (Нью-Йорк шахрида 1997 йил 21 марта қабул қилинган) ҳисобланади. Ушбу конвенцияларнинг асосий тамоиллари – барча давлатларнинг манфаатларини бирдек ҳисоб олиш, трансчегаравий сув ресурслариданadolatli ва оқилона фойдаланиш ва қўшни давлатларга зарар етказмаслиkdir. Мазкур конвенциялар асосида иш юритиш транчегаравий дарёлардан фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиш асосида сув ресурслариниadolatli бошқариш имкониятини яратади. Мазкур конвенцияларнинг нормаларига таянган ҳолда, трансчегаравий сув оқимларини бошқариш билан боғлиқ барча ҳаракатлар томонларнинг ўзаро манфаатлари асосида амалга оширилиши шарт. Мазкур конвенцияларга бугунги кунгacha дунёдаги трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида жойлашган 50 дан ортиқ мамлакатлар қўшилган. Жумладан, бизнинг минтақамиздаги мамлакатлардан дарёларнинг қуи оқимларида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон юқоридаги конвенциялар аъзолари ҳисобланди.

Орол денгизи ҳавзаси шароитида ҳам умумий сув ресурсларидан биргаликда самарли фойдаланишини ташкил этиш бўйича минтақа мамлакатлари томонидан мухим ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё ва Қозоғистон ҳудудида собиқ Иттифоқдан кейин мустақил давлатлар раҳбарлари томонидан Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий мақомга эга бўлиб қолган дарёларни бошқариш бўйича халқаро мақомга эга бўлган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилиши, давлатлараро сув ресурслари бошқарувининг тузилмасини, давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти йўлга қўйилиши энг тўғри ва узоқни қўзлаб қабул қилинган мухим қарорлардан бири бўлди. Ўтган давр давомида мазкур халқаро тузилма минтақада умумий сув ресурсларини биргаликда барқарор бошқариш масаласида жуда мухим вазифани бажариб келди.

Бироқ сўнгги йилларда минтақадаги давлатлар томонидан сув сиёсатида минтақанинг эмас, кўпроқ ўз мамлакатлари манфаатларинигина қўзлаб қабул қилинган айрим қарорлар

Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва ҳалқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ

*Шавкат Мирзиёев*

дарёлар сув оқимининг жиддий ўзгаришига бу унинг оқибатида қўшни мамлакатларнинг манфаатларига зид ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўла бошлади.

Минтақамиздаги сув билан боғлиқ муаммолар, жумладан, янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик реаллик сув ресурсларини минтақа ва унда жойлашган мамлакатларнинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи ўринни эгаллашини кўрсатиб турибди. Демак, истиқболдаги ривожланиш кўп жиҳатдан мавжуд сув ресурслари, уларнинг миқдори ва ҳолати, сувга бўлган талаблар, сувдан фойдаланиш даражасига ва умуман, сувга, сувдан фойдаланишга бўлган муносабатимизга бевосита боғлиқдир. Чунки яқин келажакда сувга нисбатан ўсиб бораётган талаблар факат сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш, улардан фойдаланишни оқилона режалаштириш ва ички захираларни топиш ҳисобидан қондирилиши мумкин.

### **8.3. Марказий Осиёда сув муаммосини ҳал қилишнинг оқилона йўли**

Минтақада сув таъминоти билан боғлиқ мавжуд вазият асосан куйидаги муаммолар ва кескин ҳолатлар билан характерланади:

- сув ресурслари чекланган ва ўта нотекис тарқалган;
- иқлимининг ўзгариши таъсирлари, музликлар захирасининг камайиб бориши ва сув ресурсларининг кутилаётган 10-15 фоиз камайиши, фавқулодда вазиятлар сонининг ортиши;
- ер-сув ресурслари деградацияси, экотизимнинг бузилиши, чўллашиш, сув ресурслари ифлосланиши ва биохилмаҳилликни йўқолиши;
- Марказий Осиё мамлакатларидағи аҳоли сонининг тез ўсиши;
- минтақада иқтисодий жараёнларнинг интенсивлашиши, сув ресурслари тақчиллигининг ортиши (киши бошига сув билан таъминланганлик кўрсаткичи 3,5 марта камайди, бугунги кунга келиб сувга бўлган қўшимча талаб 700-800 миллион метр куб/йилни ташкил этади);
- сув ресурсларига нисбатан табиий ва антропоген таъсирлар остида табиат ва жамият ўртасида сувга бўлган талабдаги тафовутлар ортиб бормокда;
- умумий сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш, улардан биргаликда фойдаланиш сувдан фойдаланиш билан боғлиқ (трансчегаравий) масалаларда кескинликлар мавжуд.

Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлар ҳавзаси даражасида сув ресурсларини бошқариш ва улардан ҳамкорликда фойдаланишдаги муаммолар ўсиб бораётган сув тақчиллиги, уларнинг сифати ёмонлашиши ҳамда сувга бўлган кўп сонли ва турли-туман зиддиятли эҳтиёжлар шароитида мураккаблигича қолмоқда. Бундай шароитда дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар ўз иқтисодий тараққиёт дастурларида йирик гидроэнергетик лойиҳаларга, мавжуд йирик, минтақага хизмат қилувчи гидротехник иншоотлардан фойдаланишни гидроэнергетик режимга ўтказишга ургу берса, дарёнинг қуий оқимида жойлашган мамлакатлар бундай қарорларнинг минтақа экологияси, хавфсизлигига, мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган кескин салбий таъсиридан хавотирга тушмоқда.

Бугун минтақада гидроэнергетика ва сув хўжалигининг ривожи масалаларига турлича қарашлар мавжуд. Матбуотда «сув - энергетик ресурс», «сув-энергетик потенциал» атамалари учрамоқда, аммо бунда аввалги «гидроэнергетик ресурслар» ёки «гидроэнергетик потенциал» атамалари остидаги мазмун тушунилмайди. Дунё амалиётида, жумладан Халқаро ирригация ва дренаж қўмитаси (МКИД) луғатида «гидроэнергетик ресурслар» ёки «гидроэнергетик потенциал» сув манбаларининг энергетик потенциали ресурсларини, яъни, сув ресурсларини сув омборлари қуриш йўли билан бошқариш ҳисобидан олиниши мумкин бўлган энергетик ресурсларни англатади. Сув ва энергетика учун ягона ёндашув яратиб бўлмайди, чунки энергоресурслар ва сув ресурслари ўзига хос кескин фарқли хусусиятларга эга.

Энергетик ресурслар гидроэнергетик, турли ёнувчи, қүёш ва шамол, биоэнергетик, атом манбаларидан олиниши мумкин ва улар бир-бирининг ўрнини босувчидир. Сув эса аҳамияти бўйича инсон, табиат ва жамият учун ҳаётни белгиловчи ва хеч нарса билан ўрнини босиб бўлмайдиган неъматдир. Энергетик ресурслар товар ҳисобланиб, алмаштирилиши, сотилиши мумкин, бироқ сув (қадоқланганидан ташқари) ҳеч қачон товар бўлмаган ва халқаро сув ҳуқуқида сув билан боғлиқ тижорат жараёнлари тан олинмайди. Сув билан боғлиқ хизматлар ёки сувдан фойдаланиш ҳуқуқи сотилиши мумкин, бироқ сувнинг ўзи товар бўла олмайди. Сув ресурслари энергетик ресурслардан фарқ қилиб, табиий комплекснинг муҳим элементи ҳисобланади ва сувсиз табиат яшай олмайди.

Энергия ишлаб чиқариш ва бошқа максадлар учун ишлатилиши мумкин бўлган сувлар умумийлигини эътиборга олиб, сув ресурслари ва энергетик ресурслардан фойдаланиш масалалари ўзаро боғлиқ ҳолда алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Сув-энергетик ресурсларни бир сўз доирасига киритиш халқаро ҳуқуқ ҳамда ҳудудий чегаралар доирасида сув ва энергетик ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи меъёрларини ҳисобга олганда, уни нотўғри тушуниш ва тарғиб килишга олиб келади. Халқаро сув ҳуқуқи ҳужжатларида факат халқаро сув манбалари ва трансчегаравий сув ресурслари тушунчалари мавжуд (халқаро энергетик ресурслар ёки трансчегаравий энергетик ресурслар тушунчалари йўқ). Сув-энергетик ресурсларни товар сифатида умумлаштиришга уриниш сувнинг табиатдаги роли ва ижтимоий соҳаларнинг бўлган сувга талабини инкор этишга олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, БМТ ва унинг тасарруфидаги турли марказ ва ташкилотлар Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти, жумладан мавжуд чекланган ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг ижобий ечимларини топишида фаол иштирок этмоқда, ОҚҲФ фаолиятини ҳам қўллаб - қувватлаб келмоқда. Шу йўналишда БМТнинг яна бир яхши ташабbusи Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ томонидан “Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича конвенция” лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва таклиф этилиши бўлди. Мазкур конвенция лойиҳаси юқорида келтирилган Хельсинки ва Нью-Йорк ҳалқаро конвенциясининг мантиқий давоми, яъни, тўлиқ ҳалқаро қонунлар асосида ишлаб чиқилиши билан бирга, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг ўзига хосликларини ҳамда мамлакатлар манфаатларини ҳам эътиборга олиши билан ажralиб туради. Айнан шу нуқтаи назардан мамлакатимиз раҳбари мазкур конвенция лойиҳаси Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланишини эътироф этди. Ўзбекистон Президенти ўз баёнотида сув муаммосига БМТ шафелигига минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозимлигини яна бир бор алоҳида қайд этди ва Ўзбекистон Амударё ҳамда Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган конвенция лойиҳасини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Умуман, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланувчи давлатлар ўртасида қарама-қаршиликлар бўлиши табиий, чунки айrim ҳолларда умумий сув ресурсларидан фойдаланувчи халқлар манфаатлари бир-бирига зид келиши мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай шароитларда сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини teng ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ. Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги баёноти ҳамда илгари сурилган ташабbus ва таклифлар жаҳон, шу жумладан, минтақа ҳамжамиятининг диққат марказида турибди.

Ўзбекистон БМТнинг Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзаларининг сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича конвенция лойиҳаси”ни қўллаб қувватлайди.

**Шавкат Мирзиёев**

## **8.4. Сув хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар**

Минтақамиздаги сув муаммоларининг трансчегаравий дарёларнинг қуи оқимида жойлашган (минтақамизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг атиги 20 фоиз ўз ҳудудимизда шаклланади, қолган 80 фоизи эса қўшни мамлакатлардан кириб келади), иқтисодиёти ва аҳолиси тез ўсиб бораётган юртимиз учун кўрсатиши мумкин бўлган салбий оқибатларини тўғри баҳоланганд, сув масаласи, сувга бўлган муносабатн ва унинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини чукур англаган ҳамда барча мажбуриятларига содик бўлиб келаётган Ўзбекистонда мамлакат ичида ҳам чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоси ечимига қаратилган институционал, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сув хўжалиги соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотлар қуидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- сувдан фойдаланиш қонунчилик бўйича базасининг ривожлантирилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонуности ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 марта ги “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сонли, 2013 йил 14 июндаги “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сонли қарорлари қабул қилинди;
- сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-худудий тамойилдан гидрографик ҳавзавий тамойилга ўтилиши. Бу йирик тадбир сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-худудий тамойил шароитида йўл қўйилаётган ташкилий характердаги сув исрофгарчилигини кескин камайтириш ва бошқа қатор ижобий натижаларни берди;
- сув ресурсларини бошқариш бўйича давлатнинг ваколат ва мажбуриятларининг бир қисми иригация тизимларининг қуи бўғинида жамоат ташкилотларига берилиши (Сув истеъмолчилари уюшмалари). Ушбу тадбир ислоҳотлар натижасида сонлари кескин ортган сув истеъмолчиларда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласига даҳлдорлик ҳиссининг ортишига туртки бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича сув истеъмолчиларининг ҳоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда тузилган 1503 та сув истеъмолчилари уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда сув истеъмолчилари уюшмалари қуи босқичда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга мутасадди ва ваколатли асосий ташкилотдир. Уларнинг самарали фаолияти қўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш даражасини белгилайди;
- қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификация қилиш. Суформа деқончиликда қўп микдорда ва сув танқис пайтларда ҳам сув талаб қилувчи экинлар салмоғини камайтириб, уларнинг ўрнига кам сув талаб қилувчи, сув танқис бўлмаган даврларда ҳам ўсадиган экинлар салмоғини ошириш сув тақчиллигини сезиларли юмшатишга имкон яратди. Бунда асосан сувни қўп талаб қиласиган пахта майдонлари 2 ьиллион гектардан 1 миллион 200 минг гектарга, шоли эса 180 минг гектардан 40 минг гектарга қисқартирилиб, улар ўрнига кам сув талаб қиласиган қишлоқ хўжалиги экинлари - ғалла, сабзавот, полиз, мевали боғлар ва узумзорлар қўпайтирилди;
- сув хўжалиги иншоотларининг фойдали иш коэффицентини ошириш. Ўтган йиллар давомида 1,5 минг километр каналлар, 211 километр лоток тармоқлари, 400 дона йирик гидротехник иншоотлар, 200 донадан ортиқ насос станцияларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Ҳар йили ўртacha 5 минг километр узунликда каналлар, 100 минг километрдан зиёд ички суғориш тармоқлари, 10 минг донага яқин гидротехник иншоотлар, 3 минг дона насос агрегатлари, суғориш қудуқларида таъмирлаштиклар ишлари олиб борилмоқда. Ана шу тадбирлар натижасида лойиҳалар амалга оширилаётган каналларнинг фойдали иш коэффиценти 20 фоизга ошишига эришилмоқда;

▪ сувнинг ҳисоб-китобини юритиш. Ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойлари сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилиши таъминланиши сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириди;

▪ сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этишини ташкиллаштириш, жумладан:

- замонавий суғориш технологияларини жорий этиш;

- амалдаги кенг тарқалган ананавий суғориш технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

- ноананавий янги суғориш технологияларини тарғиб қилиш;

- агротехнологияларни сувни тежаш талаблари асосида ташкил этиш.

▪ сув хўжалиги иншоотларининг ишончли фаолиятини таъминлашга йўналтирилган инвестицияларни амалга оширилиши. Сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга давлат капитал маблағлари ҳисобидан йилига қарийб 500 миллиард сўм, шунингдек, эксплуатация харажатлари учун 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилаётгани ва унинг миқдори сўнги 10 йил давомида 5 баробар ортганини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиқсан ҳолда давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этилиши ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Кувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молия институтлари, шунингдек Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг Халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгги 10 йил мобайнида соҳага умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард АҚШ долларга тенг бўлган инвестиция маблағлари жалб этилди.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 миллиард километр куб дан ўртacha 51 миллиард километр куб гача ёки 20 foизга камайтирилишига эришилди. Ҳар бир га ерни суғориш учун хар йили манбадан олинадиган нисбий сув сарфини ўтган асрнинг 90-йилларига нисбатан 18 минг метр кубдан 10,5 минг метр кубга камайтиришга эришилди. Сув хўжалиги соҳасидаги ишларнинг бундай жадаллиги ва инвестициялар даражаси минақадаги хеч бир мамлакатда кузатилмайди.

Сув хўжалиги соҳасидаги оқилона давлат сиёсати туфайли мустақиллик йилларида ирригация салоҳияти нафақат сақлаб қолинди, балки муваффақиятли тарзда модернизация қилинмоқда. Мустақиллик йилларида сув хўжалигига радикал ўзгаришлар амалга оширилди. Кенг миқёсда сув ресурсларини интеграллашган бошқариш жорий этилмоқда. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа фондларнинг баҳосига кўра, Ўзбекистон бу борада минақада тан олинган пешқадам ҳисобланади.

Бугунги кунда амалга оширилган тадбирлар туфайли ахвол сезиларли даромади яхшиланган бўлса-да, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, ичимлик сув таъминотида, сув ресурсларининг энг йирик истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст даражада бўлиб, унинг сабаблари айrim ҳолларда суғориш меёrlарининг номутаносиблиги, суғориш тизимларининг техник даражаси қониқарсизлиги, бирга сувга бўлган муносабатнинг талаб даражасида эмаслиги ва қатор бошқа ҳолатлар билан боғлиқдир.

## **8.5. Сувга бўлган муносабатни тақомиллаштириш зарурияти**

Албатта, бу максадга эришиш йўлида давлатнинг ташаббускорлиги асосида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва техник тадбирлар энг муҳим роль ўйнайди. Бироқ мақсадга тўла эришиш йўлида жамоатчилик, мутахассислар ва барча сув истемолчиларининг сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатларини тубдан ўзgartiriш талаб

тилади. Жумладан, мулкка эгалик ҳиссининг уйғониши, дахлдорлик, сувдан тежамкор фойдаланишдан манфаатдорлик муносабатларининг аста-секин кириб шакланиши, соҳада ижтимоий-иктисодий механизмларнинг янада жадалроқ ишлаши учун зарурдир. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларининг натижаси ўлароқ, сув ресурсларини бошқариш бўйича давлат ваколатларининг бир қисми жамоат ташкилотлари (демак, сув истеъмолчиларининг ўзлари)га берилмоқда, бу ривожланган давлатлар ва республикадаги айрим илғор уюшмалар тажрибасига кўра айни муддаодир. Демак, энди давлат даражасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, ҳар бир сувдан фойдаланувчи фаол ҳаракат қилгандагина мұваффақиятга эришиш, жумладан, мамлакатнинг иқтисодий барқарор тарраккиётинг таъминлашимиз мүмкінлігини тушуниш вақти келди. Энди ҳар бир сувдан фойдаланувчига янги шароитда тезроқ ўз ўрнини топишига ёрдам бериш лозим. Бу эса бугун нафакат давлат органларидан, балки ҳар бир сувдан фойдаланувчидан фидокорликни талаб қиласди. Бугунги кунда ҳар бир йўналишдан ва барча тадбирлар мажмуасидан тўлақонли фойдаланилгандагина олиб борилаётган фаолиятдан ижобий натижаларни қутиш мумкин. Бу ёндашувнинг асосида эса сувга бўлган муносабат ётади. Бу борада биринчи навбатдаги вазифалар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, сув ресурсларини рационал бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан рационал фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ❖ иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалигига сувни самарали тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилишни кенгайтириш;
- ❖ сувни тежайдиган агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;
- ❖ сувориш тизимларининг техник ҳолатини модернизация қилиш, сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини кўллаб-куватлаш;
- ❖ соҳа мутахассислари ва ходимлари малакасини ҳамда манфаатдорлигини ошириб бориш;
- ❖ ҳар бир сув истеъмолчисининг ҳар бир даражадаги сувга бўлган, сувдан фойдаланишга бўлган муносабатини яхшилаш. Азалдан аждодларимизнинг сувга муқаддас неъматдек муносабатда бўлганлари билан боғлиқ анъаналарни қайта тиклаш. Жамиятни, аҳолини сув ресурсларини тобора камайиб боряётган шароитга мослашиб яшаш кўникамаларига ўргатиш;
- ❖ ҳар бир соҳада, айниқса, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариладиган махсулот бирлиги ёки моддий истеъмол хисобидан сув сарфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларига илғор техника ва технологияларни жорий этиш асосида ҳар томчи сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш. Барча сув истеъмолчилари, улар қанча сув истеъмол қилишдандан қати назар, сувни тежаш обьекти бўлиши лозим.

## **8.6. Орол фожиаси – замонамизнинг энг оғир экологик муаммоларидан бири**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқияна бир муҳим масала, замонамиз энг оғир, инсон қўли билан яратилган экологик муаммолардан бири бўлган Орол денгизининг қуриши оқибатларини бартараф этиш муаммоси ҳамда унда ҳалқаро ҳамжамият иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз раҳбари сессия иштирокчиларига Орол денгизининг ҳозирги манзараси акс эттирилган суратни кўрсатиб, уларнинг эътиборини муаммонинг нақадар аянчли ва изоҳга хожат қолдирмайдиганган оқибатларига қаратди.

Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш ҳалқаро ҳамжамиятнинг фаол иштирокини талаб этади.

*Шавкат Мирзиёев*

Яқин ўтмишда ўз ҳажми бўйича дунёда тўртингчи ўринда турадиган ички денгизи ҳисобланган Орол денгизи тарихан жуда қисқа муддатда инсон томонидан энг аввало сув ресурсларидан фойдаланишда қўйилган хатолар

оқибатида деярли қуриб бўлди. Айнан шунинг учун ҳам Орол муаммосини фақат глобал экологик эмас, балки сув-экологик муаммо, дейиш тўғри бўлади.

Орол денгизи яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ривожида ҳам муҳим ўрин тутган. Денгиз 100 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаб, ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим маңба ҳисобланган. Денгиз нормал ҳолатида бўлган шароитда минтақада қушларнинг 500 дан, сут эмизувчиларнинг 200 дан, балиқнинг 100 дан ортиқ тури, флоранинг эса 1200 дан ортиқ тўқай ва ўрмон ўсимликларининг 500 дан ортиқ тур и мавжуд эди. Денгиз тизимида 24 турдаги балиқ мавжуд бўлиб, ундаги балиқчилик саноати 3 турдаги (лещ, сазан, ороль плотваси) балиққа асосланган эди.

Денгизнинг яна бир муҳим функцияси геотизимнинг гидротермик режимини яхшиланишига шароит яратиб, чўл ўсимликларининг сув режими ва маҳсулдорлигига, артезиан қудукларининг нормал ишлашига таъсир этарди. Денгиз муҳим экологик обьект сифатида иқлимини ростловчи сув манбаси, ахолининг яшаш, ишлаб чиқариш ва экологик шароитларига ижобий таъсир этиш каби муҳим вазифаларни бажарган.

Орол денгизининг дегредациясининг бошланиш ўтган асрнинг 60-70- йилларига тўғри келади. Денгиз ўзининг экологик обьект сифатидаги табиий муҳит ва иқтисодий-иқтисодий тараққиёт барқарорлигини таъминлашдаги бекиёс ролини бажара олган 1960 йилларда денгизнинг майдони 68000 километр квадрат (дунёда 4-ўринда) ни ташкил этган, денгиздаги сув сатҳи 53,4 метр абсолют баландлик атрофида бўлган, денгиздаги сув ҳажми эса 1090 километр куб, дengiz сувининг ўртacha минерализацияси эса бир литрда 10 грамм эканлиги қайд этилган.


**Орол денгизи қуришининг сабаб ва оқибатлари.** Орол денгизи қуришининг сабаблари мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, уларнинг ичидаги инсон томонидан сув ресурсларини бошқариш ва улардан катта микдорда фойдаланишда табиат қонунлари талабларининг бажарилмаслиги ёки “табиатни инсонга бўйсундириш” ҳаракатлари оқибатлари энг катта ўринларда бирини эгаллади.

XX асрнинг 60-йилларида Сирдарё ва Амударёнинг ҳавзаси сув ресурсларини нотўғри бошқариш, яъни Орол денгизи мувозанати учун унга қўйиладиган ўртacha йиллик 56 километр куб сув ҳажмининг (барқарорлик имкониятидан катта микдорда) йўл-йўлакай бошқа мақсадларга олиб қолиниши, ахоли сони, урбанизация масштаблари ва ерларни интенсив ўзлаштириш, экологик оқибатларни ҳисобга олмасдан йирик гидротехник ва ирригацион иншоотларнинг қурилиши Орол денгизининг қуришига шароит яратди. Оқибатда Орол бўйи минтақаси ўлик чўлга айланиб экологик деградация жараёни давом этди. Сўнгги 50 йилда Орол денгизига келадиган дарё суви оқими 56 дан 12,7 километр куб, ёки 4,5 марта камайди. Денгизда сув майдони 8 сув марта, ҳажми 13 баробар камайди, сув сатҳи эса 29 метрга пасайди. Сувнинг шўрлиги 13-25 марта ошди ва бу дунё океани шўрлигидан 7-11 марта кўпдир.

Оролнинг қуриши бошланганидан бери ўтган қисқа мuddат ичидаги экологик муаммонинг аянчли оқибатлари юзага чиқди. Жумладан, денгизнинг қуриган тубидан иборат 5,5 миллион гектар майдонда «Оролкум» деб номланувчи янги қум-тузли чўл пайдо бўлди. Мазкур майдонда йилига атмосферага 75 миллион тоннадан кўп чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиши аниқланган. Оқибатда деярли бутун Марказий Осиё минтақаси доимий экологик хавф зonasida қолди. 60-йилларга нисбатан ҳавонинг ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўладиган кунлар сони 2 марта ошди, айрим жойларда ҳатто сояда ҳам ҳарорат  $49^{\circ}\text{C}$  га этиши кузатилди. Сувнинг ифлосланиши, қуриган денгиз тубидан туз ва чангнинг кўтарилиши минтақа ахолисида қатор стоматик касалликларнинг (анемия, буйрак, қон, ошқозон-ичак тракти, нафас олиш органлари, юрак, буйрак тоши ва бошқа) кўпайишига олиб келди. Айниқса, салбий экологик вазиятнинг таъсирига болалар кўпроқ дучор бўлиши аниқланди. Ҳомиладор аёллар қонида диоксин моддаси микдори Европадаги кўрсаткичларга нисбатан 5 марта ортиқ даражага кўтарилигани аниқланди.

Орол денгизи ўзининг транспорт ахамиятини йўқотиши, балиқчилик ва чорвачилик ва бошқа хўжалик фаолияти турларининг таназзулга учраши, яйловлар камайиши ва ерлар

маҳсулдорлиги пасайиши туфайли ўн минглаб одамлар ўзларининг анъанавий тирикчилик манбаларини йўқотди. Орол бўйи минақасида ўсимлик ва ҳайвонот генофондининг ярмидан ортиғи йўқолди. Балиқнинг 11, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури бутунлай йўқолди.



### 8.6.1-расм. Орол денгизининг майдони ва сув балансининг салбий ўзгариши динамикаси

Сув ресурслари танқислиги, ичимлик суви сифатининг бузилиши, ерларнинг деградацияси ва сифатининг бузилиши, биохилмаҳилликнинг кескин камайиши, ахоли соғлиги ва генофондининг ёмонлашуви, атмосферанинг ифлосланиши оқибатида иқлимининг ўзгариши, балки шунинг билан боғлиқ холда минақадаги асосий дарёлар оқимининг катта қисми шаклланадиган Помир ва Тиеинь-шон тоғлари музликлари майдонларининг камайиши -булар Орол денгизи қуриши билан боғлиқ оқибатларнинг қисқа рўйхати, холос.

**Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар.** Марказий Осиё мамлакатлари 90-йиллардан бошлаб Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз имконлари даражасидаги барча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан Ўзбекистон томонидан қиймати 75 миллион доллар бўлган «Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпокистон дренаж сувларини олиб чиқиш лойиҳаси» амалга оширилмоқда. Қорақалпокистон Республикасига қарашли 100 минг гектар майдондаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив

Биз БМТнинг Орол муаммосидан жабр кўрган ахолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича бу йил қабул қилинган маҳсус дастурининг тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши тарафдоримиз

*Шавкат Мирзиёев*

ҳолати яхшиланди. Қиймати 3 миллион доллар бўлган «Сув ва атроф-муҳит ресурсларини бошқариш» лойиҳаси доирасида Судочье кўлида зарурий инфратузилма тизими қурилиши таъминланди. Қиймати 3 миллион доллар бўлган «Амударё дельтасида маҳаллий сув ҳавзаларини яратиш» лойиҳаси доирасида умумий майдони 150 минг гектарга бўлган маҳаллий сув ҳавзалари яратилди. Чорвачилик соҳасининг ем-хашак базаси мутаҳкамланди, мўйнали ҳайвонлар, ботқоқ ва сувда сузуви қушлар кўпайиши учун шароитлар яратилди. Ўрмон-тўқай ўсимликларини ўстириш кўпайтирилди. Жами 740 минг гектар майдонда, жумладан, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда бутазорлар барпо этилди.



**8.6.2-расм. Денгизнинг қуриган тубида барпо этилган бутазорлар.**

Қорақалпоқистон Республикасида, жумладан, шимолий Қорақалпоқистонда саноат корхоналари ривожлантирилиб ва аҳоли иш билан таъминлаш, шу йилнинг ўзида Муйноқ шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминловчи сув ташиш ва сув таъминоти иншоотларининг қуриб фойдаланишга топширилгани ҳам БМТнинг Орол муаммосидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича жорий йилда қабул қилинган маҳсус дастурининг тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши йўналишида амалга оширилган ишлар сирасига киради.

Сўнгги 15 йил давомида Қорақалпоқистоннинг қишлоқ ҳудудларида 1,7 минг километр узунликдаги водопровод тармоқлари қурилиб, қишлоқ аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиши қарийб 4 марта ўсади. 100 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари, аксарият туғуроқхоналар ва Республика онкология маркази қурилди, реконструкция қилинди ва тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 5,8 минг ўринга мўлжалланган касалхоналар қурилди ва реконструкция қилинди, 840 та қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. Натижада 1997-йилги кўрсаткичларга нисбатан Қорақалпоқистон Республикасида туғма аномалиялар сони 3,1 марта, оналар ўлими 2 марта ва чақалоқлар ўлими 2,4 марта камайди.

**Халқаро ҳамжамият иштирокининг зарурияти.** Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, Орол фожиасининг салбий оқибатлари глобал миқёсда бўлиб, доимий эътиборни талаб этувчи мазкур муаммони тўлиқ ҳал этиш учун миңтақамиз етарли восита ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Халқаро донорларнинг ёрдами эса чекланган ва Орол муаммосининг салбий оқибатларини тўлиқ ечиш учун етарли бўлмаган миқдорда қолмокда. Орол фожиаси сув, экологик ва стратегик хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғликларининг яққол исботи ҳисобланади. Айнан шунинг учун фожиа зонасида қолаётган Орол бўйи миңтақаси мамлакатлари Орол денгизнинг қуриши нафақат мазкур ҳудудга улкан зарар келтириши, балки унинг сайёрамиз муаммосига айланиб бораётганига жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора кўпроқ қаратмоқда.

Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш ва унинг ҳавзасини соғломлаштиришнинг энг муҳим вазифалари қўйдагилардан иборат:

- денгизнинг қуриган туби ҳудудида маҳаллий сув ҳавзаларини ташкил этиш, чангли ва тузли бўронларнинг олдини олиш учун сув ҳавзаларини сув билан тўлдириш, биохилмахилик ва дельта экотизимини тиклаш;
- кўчиб юрувчи қумларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрмонзорлар ҳосил қилиш, заҳарли аэрозолларнинг денгизнинг қуриган тубибидан кўтарилишини камайтириш;
- коммунал ва даволаш муассаларини ичимлик суви ва сувни зарарсизлантириш жихозлари билан таъминлаш, уларни қайта қуриш;
- экологик тангликнинг аҳоли саломатлиги ва генофондига таъсирини тизимли ўрганиш, аҳоли шу ҳудуд учун характерли бўлган хавфли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва профилактикасини олиб бориш;
- маҳаллий аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассалари тармоғини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини амалга ошириш.

#### **Таклиф этилаётган ечимлар:**

- экологик фожиа оқибатлари билан боғлиқ муаммоларини минтақанинг бир ёки бир неча мамлакатлари харакатлари билан ечиб бўлмайди. Олдинда турган вазифалар миқёси барча ҳаракатлар ва ресурсларнинг бирлаштирилиши ва мувофиқлаштирилишини талаб этади.
- барқарор тараққиёт мақсадлари ва Рио+20 саммити натижаларига асосан сув ресурсларини бошқаришда барқарор тараққиётга эришиш учун устувор йўналишлар қўйидагиларни ўз ичига олади:
  - ахолини ичимлик суви ва санитария шароитлари билан таъминлаш;
  - озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларини сув билан таъминлаш;
  - сувни экотизим ва биохилмахилликни саклаш учун ажратиш;
- Орол фожиаси муаммоларини ҳал этишга, айниқса экологик ва ижтимоий танглик маркази бўлган Орол бўйи минтақасига халқаро ҳамжамият эътибори ва ҳаракатларини жалб этиш;
- минтақанинг трансчегаравий дарёлари сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.
  - минтақанинг барча мамлакатлари:
    - сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;
    - гидротехник иншоотларни модернизация қилиш;
    - сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш;
    - сув ресурсларини интеграл бошқариш тамойилларини жорий этиш тадбирларини амалга ошириши лозим.
  - Сув ресурсларини барқарор бошқариш учун сув хўжалиги ташкилотларининг салоҳиятини ошириш, информацион майдонни, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш зарур.
  - Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканлигини кўрсатди ва бу масалани мамлакатимиз ташки сиёсатида устувор деб белгилади.
- Мазкур муаммо мамлакатимиз раҳбари нутқида кўтарилгани, Орол денгизи минтақасида экологик ва ижтимоий-иктисодий ҳолатни яхшилашга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда экологик фожианинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъминлаш учун халқаро ҳамжамият имкониятларини мобилизация қилишни кўзда тутади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Орол денгизининг яқин ўтмишдаги ҳолати ва аҳамияти қандай эди?
2. Орол денгизи қуришининг сабаби ва оқибатлари.
3. Ўзбекистон томонидан Орол бўйида амалга оширилаётган ишлар.

4. Халқаро ҳамжамият иштирокининг зарурияти.
5. Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш ва унинг ҳавзасини соғломлаштиришнинг энг муҳим вазифалари.
6. Таклиф этилаётган ечимлар.
7. Мавзунинг асосий мақсади.
8. Сув чекланган, муқобили бўлмаган бебаҳо бойлик экани.
9. Сув хўжалигидағи муаммоларининг асосий келиб чиқиш сабаблари.
10. Сув билан боғлиқ муносабатларнинг ривожланиш тарихи ва унинг босқичлари.
11. Марказий Осиёning чекланган сув ресурслари ва уларнинг ўзига хослиги.
12. Трансчегаравий сув обьекти тушунчаси.
13. Трансчегаравий сув обьектлари сув ресурсларини хисобга олиш, уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенциялар.
14. Марказий Осиёда сув муаммосини ҳал қилишнинг оқилона йўли.
15. Сувга бўлган муносабатни такомиллаштириш зарурияти.

## **9.АФГОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ - ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

### **9.1. Афғонистонда кечәётган қонли можаролар ва уларнинг оқибатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг изчил ташқи сиёсатига алоҳида эътибор беради. Жумладан, минтақавий можаролар ечимини топиш, давлатлараро муносабатларда ўзаро хурмат ва қатъий ишонч, олис истиқболни кўзлаган умуминсоний манфаатлар атрофида бирлашиш ғоясини илгари суради. Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати муқаррар равишда унинг миллий ва умуминсоний манфаатлар асосида қурилади. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг қадимий давлатчилик анъаналарига асосланиб, ҳар қандай муаммонинг музакаралар йўли билан, ҳиссиётлардан холи бўлган ва ақл-идрокка йўғрилган мулоқотлар орқали ечимини топиш тарафдори бўлиб майдонга чиқди. У сиёсатда адолат асосий мезон бўлмоғи, умуммиллий манфаат устувор бўлиши сингари анъанавий қадриятга таянади. Бу ўзбек миллий давлатчилиги бир неча минг йиллик мактабининг қадриятга айланган сабоғидир. Соҳибқирон Амир Темур ҳам “Куч – адолатда” тамойилини ўзининг ички ва ташқи сиёсатида асос қилиб олган эди.

Президент Ш.М.Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги чиқиши Ўзбекистон давлатининг замонавий шароитдаги сиёсий иродасини, аниқ позициясини, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ғоятда катта мавқенини, куч-қудратини намоён этди. Давлатимиз раҳбари БМТ минбарида ўзининг чуқур сиёсий билим ва юксак маданиятини, шарқона одоб ва олий даражадаги сиёсий дипломатия намунасини кўрсатди. Дунёнинг энг олий минбарида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан кўтарилиган масалалар кўлами ажратилган вақтга нисбатан анча катта ва кенг миқёсли бўлди. Бутун моҳияти билан умумсайёравий аҳамиятга эга ва XXI асрда инсоният тақдирига дахлдор бўлган муаммолар бутун моҳияти билан таҳлил килиб берилди. Нутқида Афғонистон масаласи ўзининг ғоят долзарблиги, муаммога ёндошувнинг ўта реал ва ҳаётйлиги аниқ ифода этилди. Уларни ҳал этишнинг сиёсий, назарий ва амалий асослари очиб берилди. Афғонистондаги қуролли мажоралар, қонли тўқнашувлар ҳали-ҳамон давом этмоқда. Қарийб 40 йилдан буён тобора чигаллашиб бораётган тўқнашувларнинг нима билан якунланиши мавхумлигича қолмоқда ва у умумсайёравий муаммога айланди. Расмий Кобул билан толиблар ўртасидаги келишмовчилик, тобора чуқурлашиб бораётган манфаатлар тўқнашуви афғон ҳалқи ҳаётини издан чиқарди. Аҳоли тобора қашшоқлашиб, турмуш даражаси мисли кўрилмаган даражада пасайиб қолди. Бундан 40 йил бурун 10 яшар бўлган бола бугун элликка кирди. Ўлкада уруш бошланган ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида туғилган бола 40 ёшга тўлди. Уларнинг кўргани ўқ-олов, қон ва ўлим бўлди. Даҳшату вахшатлар жараённида мургаккина боланинг қалби тошга айланди, дийдаси қотди. Шафқатсизлик, залолат, жаҳолат уни комига тортди. Ўқиши, фикрлаш, ақлни ишлатиб истиқболга интилиш, меҳр-мурувват туйғусини сўндириди. Кўпчилик аҳоли ҳаётга бефарқ қарайдиган бўлиб қолди. Бундай маънавий-руҳий ва ақлий мувозанатсизлик инсоннинг инсон сифатида ўзини ўзи англашига, камолот ва етуклик сари интилишига, ўзини ўзи қадриятга айлантириш фазилатларига монелик қилди. Натижада жамиятда эртанги кунга ишончсизлик кайфияти кучайди.

Афғонистон – бугунги цивилизациявий ўлчовлар, инсон ҳаёти ва турмуш даражаси нуқтаи назаридан қараганда, дунёда энг қашшоқ мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 900 долларни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, афғон ҳалқи турмуш даражаси жиҳатидан дунёда 218-ўринни эгаллайди. Албатта, бундай қашшоқлик ўзига хос табиий-географик шароит билан боғлиқ бўлган объектив ҳолатга ҳам таянади. Чунки, Афғонистон худудининг асосий қисмини баланд тоғликлар ташкил этади. Бу ерларда об-хаво совук, тупроқ шароити эса

Бу жафокаш юртда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий қатъий ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим.

**Шавкат Мирзиёев**

дехқончиликка яроқсиз. Суғориладиган майдонлар турли рельефда бўлганлиги сабабли сувдан фойдаланиш даражаси ниҳоятда паст.

Афғонистоннинг тоғли худудларида, ҳусусан, Бадахшонда қорли-қировли кунлар йилда 9 ойни, шарқий ва жанубий тоғли худудларида эса 10 ойни ташкил этади. Айни ана шу нокулай табиий иқлимга эга бўлган худудлар Афғонистоннинг йирик саноат ва маъмурий марказилари ҳисобланади. Масалан, Кобул дengiz сатҳидан 1790 метр баландликда жойлашган. IX-XII асрларда буюк Фазнавийлар давлатининг пойтахти бўлган Фазна шаҳри дengiz сатҳидан 2225 метр баландликда. Табиийки, асосий аҳоли пунктлари айни ана шундай баланд тоғлар бағрида, цивилизация марказлари бўлган йирик шаҳарлар ва уларнинг атрофида жойлашган. Бу, албатта, давлат бошқарувида, ҳусусан иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётни янги босқичга кўтаришда қатор қийинчилкларни келтириб чиқаради. Бироқ булар улкан тарихга, буюк маданиятга эга бўлган афғон халқининг ҳозирги цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлишига, ўз ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишга монелик қилмайди. Чунки, Кобул, Фазни сингари бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимиш шаҳарлар ўз даврида инсоният тарихининг қайсиdir босқичларида буюк цивилизациявий жараённи бошдан кечирган ва Ренессанс даврига гувоҳ бўлишган. Афғонистон – жуда катта тарихий ва маданий тараққиётга гувоҳ бўлган макон. У ерда Шарқ билан Ғарбни туташтириб турган қадимиш бозорлар мавжуд бўлган. Буюк ипак йўлининг энг самарали, энг гавжум ва қутбаракали қисми ҳисобланган.

Тарихий тақдир ва глобал манфаатлар тўқнашуви афғон халқининг кейинги салкам ярим асрлик тараққиётiga кучли зарба берди, бутун мамлакатни инқирозга учратиб, жар ёқасига олиб келди. Бу ўлкада мавжуд ижтимоий омиллар танқислиги ички можароларнинг кучайиб кетишига олиб келди ва ҳатто, улар борган сари чигаллашиб, ечимини топиш қийин бўлган муаммога айланиб қолди. Бунда, албатта, ташки кучларнинг ҳам таъсири бор.

Геосиёсий нуқтаи назардан ўта муҳим нуқтада жойлашган Афғонистон азалий рақобатдаги Шарқу Ғарб манфаатлари тўқнашувининг асосий нуқтасига айланди. Буюк давлатчилик шовинизми, суверен давлатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашиш сингари турли сиёсий найранглар ва ўйинларнинг курбони бўлди. Иккинчидан, маҳаллийчилик, миллатчилик ва бошқа иллатлар. Афғон этносининг асоси ҳисобланган пуштулар мамлакат аҳолисининг 40 фоизини, ҳазарийлар 9 фоизини, ўзбеклар 9 фоизини, тоҷиклар 27 фоизини ташкил этади. Яна бир қанча миллат ва элатлар улар билан бирга умргузаронлик қилмоқда. Бироқ умумий манфаатлар атрофида бирлашиб, ақлий салоҳиятни тараққиётга хизмат қилдириш, тор маҳаллийчилик иллатларига барҳам бериб, ҳиссиятларни жиловлаб ақлга суюниб яшаш фазилати кейинги пайтда кўзга ташланмаяпти. Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик сингари умуминсоний қадрият ўз моҳиятини йўқотган. Натижада ана шундай қийин, ўзаро низолар авж олган ўта мураккаб ижтимоий вазият мамлакат тараққиётини издан чиқарди. Бугунги кунда Афғонистон жаҳон ҳамжамиятида геосиёсий, иқтисодий ва маданий нуқтаи назаридан кенг имкониятларини сақлаб қолмоқда. Жумладан, у собиқ советлар маконини Хитой ва Ҳинд океанига қадар бўлган улкан худуд билан туташтириб турувчи ҳалқаро транзит ва иқтисодий ҳамкорлик ролини бажаришда муҳим таянч вазифасини бажаради. Бир қатор хорижий давлатлар Афғонистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканликларини билдиришмоқда. Жумладан, Туркманистон – Арманистон – Покистон – Ҳиндистон газ қувурини ўтказиши ҳозирги замоннинг энг катта лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, бу табиий газ экспортидаги энг самарали трасса, Туркманистон газини ўтказувчи ҳозиргача мавжуд бўлган Россия ва Хитой ҳудудидан ўтган трассага нисбатан анча кам чиқимли ва самарадор лойиҳа бўлиб қолади.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки, глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

*Шавкат Мирзиёев*

Бундан ташқари, Афғонистонда Марказий Осиё мамлакатлари ва Покистонни боғлаб турадиган темир йўл, улкан кувватга эга бўлган электр энергияси тармоғи қурилиши ушбу улкан ҳудуднинг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берадиган лойиҳадир. Айни пайтда Ўзбекистон томонидан қурилаётган темир йўл Эрон лойиҳаси асосида амалга оширилаётган иншоот билан уланиб, Ҳиротгача бўлган маҳобатли замонавий ипак йўли тиклашга ҳизмат қиласди. Ушбу ташаббусларнинг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобларга ва натижага эга.

Афғонистон табиий ресурсларни ташиб билангина кифояланмайди, у улкан ишлаб чиқариш имкониятларига ҳам эга. Ўлкада жуда катта нефть ва газ заҳиралари мавжуд. Маълумотларга кўра, бу ерда 40 миллион тонна нефть, 137 миллиард кубметр газ заҳиралари борлиги аниқланган. Бундан ташқари, Афғонистонда мис, қимматбаҳо тошлар, уран ва бошқа конлар ҳам топилган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу мамлакатда Менделеев жадвалидаги барча элементларни топиш мумкин. Ана шу улкан табиий бойликларни, ер ости ва ер усти манбаларини фойдаланишга топширишда бахтга қарши бу ердаги хавфсизликнинг кафолатланмаганлиги, турли қуролли тўқнашувлар ва жангига жадалларнинг мавжудлиги монелик қўймоқда. Айни пайтда мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юкори. Аҳолининг 35 фоизи фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги, ёқилғи-энергетика танқислиги, таълим ва тиббий ҳизмат даражасининг қониқарсизлиги, хавфсизликнинг кафолатланмаганлиги жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-руҳий инқирозни тобора чукурлаштирумояда.

1979 йили СССРнинг афғон кризисига аралашуви муаммоларни чигаллаштириб юборди. Совет қуролли кучлари ўн йиллик самарасиз урушдан сўнг Афғонистондан шармандаларча чиқиб кетди. Улардан вайронага айланган мамлакат мерос бўлиб қолди. Миллионлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Халқ турмуш даражаси кескин пасайиб, қашшоқлик, саводсизлик, ижтимоий танглик чукурлашди. Зўравонлик, куч ишлатиш, ўзининг ҳарбий қудратини дунёга кўз-кўз қилиш каби шовинизм бутун Афғонистонни хонавайрон қилди.

Аянчли вазият совет аскарлари Афғонистонни тарқ этишганидан кейин ҳам ўзгармади. Миллий менталитет ва мавжуд шароит тақозоси билан бир қатор муаммолар чиқиб келди. Жумладан, советларга қарши кучларнинг бирлашиши, уларнинг мантиқсиз ва натижасиз курашлари оммани чалғитди, мамлакатда бекарор вазиятни юзага келтирди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг кескин ошиши билан боғлиқ бўлган жиддий масалалар тобора чукурлашди. Айни пайтда Хитой ва Эроннинг Афғонистон билан боғлиқ манфаатлари қизғин тус олмоқда. Афғон Бадаҳшони уйғур сепаратистлари террорчи гурухларини ҳимоя қиласидиган қулай маконга айланди.

Ҳирот эса Эрон жангчиларининг пластдарми бўлиб қолди. Ушбу салбий ҳолатларда бошқа ташқи кучларнинг ҳам таъсири борлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Афғонистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзига хос муаммога айланмоқда. Ҳар икки мамлакат чегараларининг икки томонида пуштун аҳолиси бўлинган ҳолда яшамоқда. Мамлакатлар ўртасидаги худудий можаролар, ташқи кучлар таъсирида бир ҳалқнинг иккига

**Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфраструктурасини ривожлантиришига, миллий кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўймоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади.**

**Шавкат Мирзиёев.**

Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукumat ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан хеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришидир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигига ўтиши лозим. Донишманд афғон ҳалқи ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга ҳақлидир.

**Шавкат Мирзиёев**

бўлиб юборилиб, мустаҳкам чегаранинг ўрнатилганлиги ҳали-ҳамон муаммо туғдирмоқда. XXI асрга келиб чегарадош бўлган пуштун ҳудудлари радикал гурухлар қулай маконига айланди. Улар ҳохлаган пайтларида эмин-эркин давлат чегараларидан ўтиб, гўёки қариндошурӯфларини кўрмоқчи бўлиб, у мамлакатдан бу мамлакатга ўтишлари вазиятни анча мураккаблаштироқда. Айтиш мумкинки, бу Афғонистон учун ҳам, Покистон учун ҳам анча хавфли.

## **9.2. Афғонистоннинг тинчлигини таъминлаш йўлида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган сиёсат ва уларнинг натижалари**

Ҳозирги Афғонистондаги вазият бутун дунёни ташвишга солмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳам яқин кўшни сифатида ушбу маконда тинчлик, барқарорлик мустаҳкам бўлишидан манфаатдор. Айни пайтда бу ерда террористик ҳаракатлар, уруш, қуролли тўқнашувлар ва портлашлар содир этилмоқда. Расмий ҳукумат бутун мамлакат ҳудудида унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ва кучли назорат ўрнатишга интилмоқда. Оппозицион кучлар эса вазиятни бекарорлаштириш, жамият тараққиётини издан чиқариш йўлидан боришимоқда.

Афғонистон миллий армияси ва унга қарши кучлар юқори даражада қуролланган, замонавий ҳарбий авиация ва бронетехникаларга эга. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун етарли даражада техникавий ва молиявий имкониятларга эга. Ана шу қарама-қарши кучларнинг мавжудлиги аҳоли тинч ҳаётига, осуда турмуш тарзига кучли зарба бермоқда.

АҚШ Афғонистонда ҳарбий операцияни ниҳоясига етказганидан сўнг гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Бугун айтиш мумкинки, Европа мамлакатлари Афғонистонда етиширилган гиёҳванд моддаларнинг жаҳон бозорига, аҳолиси эса унинг қурбонига айланмоқда. 2006 йили мамлакатда 6100 тонна опиум етиширилган бўлса, 2007 йилда бу рекорд кўрсаткичга – 8000 тонналик “марра”га етди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра Европада тарқатилаётган гиёҳванд моддаларнинг 90 фоизи Афғонистонда етиширилган. 2008 йилнинг ўзида 157 минг гектар опиум майдонлари бузиб ташланди. Бу умумий майдоннинг 22 фоизини ташкил этади. Натижада ушбу заҳри қотил 2007 йилга нисбатан 31 фоизга камайди ва юқорида келтирилган рекорд кўрсаткич 5500 тоннагача тушди.

Бироқ, бу – қувончли воқеа эмас. Чунки, заҳри қотилнинг минглаб тоннаси эмас, бир граммининг мавжудлиги ҳам ўзини оқламайди. Афғонистонни инсониятга қирон келтирувчи моддаларни етиширишдан буткул халос этиш умумдунёвий муаммолигича қолмоқда. Расмий ҳукумат ва ҳалқаро ташкилотлар гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бироқ, ушбу заҳарли маҳсулот ҳамон ишлаб чиқарилмоқда. Афғонистонда террорчиларнинг асосий даромад манбаи айнан гиёҳванд моддалар ҳисобланади. Улар биргина 2008 йилда гиёҳванд моддалар сотишнинг ўзидан 470 миллион доллар даромад қилишган. Мамлакатда бекарорликнинг мавжудлиги, умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукуқий меъёрларга қўпол равища риоя қилинмаётганлиги, кучли бошқарув механизмининг йўклиги, коррупциянинг кучайиб кетганлиги гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришга қарши кураш самарасини тобора камайтироқда. Афғонистонда ижтимоий-иктисодий вазиятнинг начорлигидан, қуролли тўқнашувлар ва қон тўкишларнинг давом этаётганлигидан қатъи назар, аҳолининг ўсиш даражаси жуда юқори бўлиб қолмоқда. Бу борада Афғонистон дунёда 5-ўринни эгаллайди. Болалар ўлими бўйича 8-ўринда турмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир онага қарийиб етти бола тўғри келмоқда. Кўпболалик борасида бу давлат жаҳонда 4-ўринни эгаллайди. Афғонистонда туғилаётган ҳар 1000 та чақалоқдан 247 таси вафот этмоқда. БМТ маълумотларига кўра, бу борада Афғонистон

Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Ҳалқаро ҳамжамиятнинг саъи-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилмоғи керак.

**Шавкат Мирзиёев**

дунёда биринчи ўринда туради. Ўртacha умр кўриш даражаси 44,6 ёшни ташкил этади ва бу борада мамлакат дунёда 214-чи ўринни эгаллади. Аҳолининг маълумотлилик даражаси эркаклар ўртасида 43 фоизни, аёллар ўртасида эса 12 фоизни ташкил этади.

Афғонистондаги мураккаб ижтимоий-иктисодий вазият фақат Афғонистоннинг ўз муаммоси эмас. У ерда террорчилик ҳаракатларининг изчил давом этаётганлиги, мамлакатда ҳунрезликларнинг тўхтамаётганлиги, ислом радикалларининг ғайриисломий ва ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларининг фожиали давом этаётганлиги бутун дунёни ташвишга солмоқда. Яқин қўшни сифатида Ўзбекистон эса Афғон фожиасини бутун моҳияти билан чуқур тушунмоқда ва ўз вактида баҳоламоқда.

Ўзбекистон – Афғонистон ҳамкорлиги узоқ тарихга эга. Бизнинг қадимий маданиятимиз, яқин қўшничилик муносабатларимиз, турмуш тарзимиздаги ўхшашликларнинг мавжудлиги, урф-одатлар, анъаналаримизнинг уйғунлиги бунга гувоҳ. Бироқ, тарихий тақдир маълум чегаралар туфайли бизни ажратиб турибди. Гарчи ҳар икки давлат бир-бирининг суверенитетини, мустақил тараққиёт йўлини тан олиб, уни чуқур ҳурмат қилса-да, бир-биримизга бефарқ эмаслигимизни, бир-биримизнинг ютуқларимиздан манфаатдор эканлигимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев кўп марта таъкидламоқда. Халқимизда “Кўшни танланмайди, қўшнини Худо беради”, “Кўшнинг тинч – сен тинч” деган пурҳикмат мақоллар бор. Бу ҳаётий ҳақиқат асрлар мобайнида исботини топган. Бугун эса яна ҳам долзарблиқ касб этмоқда. Ҳозирги замон цивилизацияси талаблари нуқтаи назаридан қараганда Ўзбекистон ташки сиёсий фаолияти қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш сингари соф тинчликсевар сиёсатга асосланади. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг сиёсий қарашларида бу масала алоҳида мовқе касб этади. Жумладан, Президент томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига доир Ҳаракатлар Стратегиясида бу масала алоҳида қайд этилган.

Айтиш мумкинки, Афғонистондаги мавжуд бекарорлик, куролли тўқнашувлар ва қон тўкишларнинг давом этаётганлиги бутун минтақа учун жиддий таҳдид туғдирмоқда. Айни пайтда турли террорчилик ҳаракатларининг кучайиб, ислом радикализми таъсирининг ошиб боришига олиб келади. Бугун дунёда 500 дан ортиқ халқаро террористик ташкилот мавжуд Афғонистонда халқ пароканда ва таҳдидли ҳаётдан ҷарчаган. Расмий ҳокимият эса бошқарув тизгинини тўлиқ қўлга ололмаяпти. Кўп йиллик ҳунрезликлар оқибатида миллат генофонди жиддий равишда бузилди. Қалби меҳр-мурувватдан мосуво, эзгуликни, яхшилик ва муҳаббатни ҳис қилолмайдиган, жаҳолат ва залолат туфайли ҳаёт моҳиятини англаш қобилиятини йўқотган оломон юзага келмоқда. Бундай пайтда фикрға қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат тамойилини жорий этиш, инсоннинг инсонлигини англаш сингари маънавий-руҳий қудратни уйғотиши тақозо этилмоқда.

Бунга эришиш дунёда нуфузли халқаро ташкилотлар, иирик давлатлар ва жамоат бирлашмаларининг амалий қўллаб-қувватлашини, инсонпарвар муносабатларини талаб этади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқии ўзининг сиёсий ва тарихий моҳияти билан афғон муаммосига инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишга чакиради. Бу муаммони нафақат Афғонистон халқининг ички муаммоси, балки улкан минтақавий ва умусайёравий, бутун инсоният тақдери ва истиқболига дахлдор муаммо сифатида баҳолади.

### **Назорат саволлари:**

1. Қандай вазият афғон халқи ҳаётини издан чиқарди?
2. Афғонистон, ағолисининг турмуш даражаси нуқтаи назаридан қараганда қандай мамлакат ҳисобланади?
3. Афғонистоннинг табиий географик шароити қандай?

4. Афғонистоннинг аҳолиси қандай миллатлардан таркиб топган?
5. Афғонистоннинг тарихий, маданий тараққиёти қандай бўлган?
6. Афғонистон қандай табиий ресурсларга ташиш имконига эга?
7. Афғонистонда аҳолининг ўсиш даражаси қандай?
8. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сшзлаган нутқининг Афғонистон муаммосига доир қисмининг мазмунини айтиб беринг.

## **10-БОБ. ЁШЛАРНИНГ ОНГУ ТАФАККУРИНИ МАЪРИФАТ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **10.1. Маърифат – инсоният тақдирини белгиловчи мухим омилдир**

Инсон – Оллоҳ яратган бошқа маҳлукотлардан мукаррамлиги ва шарифлиги билан фарқ қиласи унинг бошқа жонзодлардан тил ва тафаккуридир. Одамлар идрок қиласи, мушоҳада юритади, ҳиссиёт ва тажрибаларини тил воситасида бошқаларга етказади ва мукаммалаштиради. Шунинг учун инсон доимо ўз тафаккурини, ҳаёт тарзини таълим ва тарбия воситасида сифат жиҳатдан юксалтириб бориши зарур. Таълим ва тарбия инсон ҳаёт фаолиятининг узвий ва зарурий қисмидир. Таълимнинг яна бир маънодош шакли бу маърифат сўзи ва тушунчасидир. Инсон маънавиятини белгиловчи манба бу таълимдир.

Маърифат – инсониятни тақдирини белгиловчи мухим омил. Агар жамият маърифатли бўлса, бу жамиятнинг истиқболи, келажаги ёруғлигини англатади. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам мухимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди”<sup>100</sup>, деган эди. Ваҳоланки, дунёнинг бошқа халқлари ер ва коинот сир-асрорларини ўрганаётган пайтда биз улардан ортда қолишимиз мумкин эмас. Аксинча коинот илмларига илк нарвон қўйган улуғ алломаларнинг авлоди сифатида биз илму маърифатда илғорлар сафида бўлишимиз керак.

Таълим, маориф ва маърифат сўзлари деярли бир маънени англаатади. Маърифат сўзи бизнинг тилимизга араб тилидан кириб келган бўлиб, унинг ўзагини, ориф, орифлик ташкил этади. Маориф сўзи ҳам орифликни англаатади. Лекин орифлик сўзининг маъноси анча теран. Диний манбаларда унинг ўзаги орифлик деганда Олоҳни таниш маъносида, муқаддас динимиздаги манбаларда юксак илм ва маърифатнинг асосий даражаси сифатида Ҳақни таниш, Оллоҳни билиш маъносида талқин қилинади.

Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг мухим вазифадир.

*Шавкат Мирзиёев*

“Маърифат” сўзи арабча “Ориф”, кўплиги “маориф” сўзидан олинган бўлиб, лугатда “билиш”, “таниш” каби маъноларни англаатади. Тасаввуф таълимотида эса, “маърифат” тушунчаси, асосан икки қисмга бўлинади. Улар айни пайтда бирлашиб, “маърифат” тушунчасини ҳосил қиласи: 1.“Маърифатун-нафс” 2.“Маърифатуллоҳ-Қачонки, “Маърифатун-нафс” ҳосил бўлса, “маърифатуллоҳ” ҳосил бўлади. “Маърифатуллоҳ” ни англаган зотлар эса оллоҳни таниган ҳисобланадилар.

**Лекин маориф кейинчалик факат дин ва илоҳий талқинда эмас, балки дунёвий илмларни эгаллаш тарзида қўллана бошлаган. Биз маънавиятимизнинг асосий манбаларидан бўлган диний маърифатнинг илоҳий қудратини унутмаслигимиз зарур.**

<sup>100</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан “Халқ сўзи”, 2017-йил 4-август

Маърифат – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар, ҳақидаги тушунчалар мажмуасини ҳам билдиради. Маърифат илму урфон маъносига ҳам ишлатилади. Маърифат тушунчаси маданият, маънавият тушунчалари билан боғлик. Маърифат кишиларни жаҳолатдан қутқаради<sup>101</sup>.

Тарихимизда “Маърифат” сўзинининг зидди “жаҳолат”, “маърифатлилик” сўзининг зидди эса “жоҳил”дир. Жоҳил ёки жаҳл сўзининг маъноси – кўрлик, ожизлиkdir.

Маърифат ва маърифатлилик масаласи ҳамма даврларда муҳим масала сифатида эътироф этилган. Маънавият ва маърифат бўшашган жойда ва даврда уни ўрнини жаҳолат эгаллаган. Юртимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, бошқа барча ижтимоий масалалар каби, мафкура масаласи ҳам асосий кун тартибидаги муаммо сифатида белгилаб олинди ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Ана шу ижтимоий эҳтиёж зарурияти туфайли юртимизда бутун жамиятни ва айниқса ёш авлоднинг маданий, маънавий ва маърифий фазилатларини муттасил ошириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қўйилди ва узвий олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Жамиятимизда маънавий-маърифий ҳаётнинг муҳим ўрнини ҳисобга олиб, 1994 йил 23 апрельда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан **“Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази”** ташкил этилди. Бу марказ жамиятда маънавий-маърифий ҳаётни юксалтиришда кенг кўламли фаолият олиб борди.

Ёшлар маънавияти ва маърифатини доимий ошириб бориш масаласида қонунлар, давлат дастурлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва турли йўриқномалар ишлаб чиқилмоқда амлиётга тадбиқ этилмоқда.

Ҳар бир организм ўзига таҳдид соладиган вируслар ва бошқа оғатларга қарши курашувчи иммунитет ҳосил қилгани каби, ҳар бир жамият ва давлат ўз ҳавфсизлигига таҳдид соладиган омиллар билан курашиши – ҳаётий қонуният. Аввало, юксак маърифатли жамиятлар бундай таҳдидлардан химояланиш даражаси юқори бўлса-да, атрофдаги ижтимоий мухитдан чиқадиган таҳдидларни бартараф этишга тайёр туриш лозим. Бу ҳол эса, жамиятнинг мафкуравий тизимини мустаҳкамлашни тақозо этади. Шундай заруриятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда мафкуравий барқарор мухитни яратиш ва долзарблигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу масаланинг хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТнинг юксак минбаридан туриб айтган қўйидаги сўzlари ҳам тасдиқлайди: **Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишdir.**

“Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий

<sup>101</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Т., “Ўзбекистон Миллий Энциклопедия” ДИН “Маърифат” мақолосаси.

**хужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши таклиф этади”<sup>102</sup>.**

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясига унинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди. Бу хужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл кўймасликка кўмаклашишга қаратилган<sup>103</sup>.

Маърифадек муҳим ва белгиловчи аҳамиятга эга бўлган масала давлатимизнинг доимий дикқат марказида туради. Шундай тадбирлар дастури сифатида 2017 йил 28 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”<sup>104</sup> қарорини айтиш мумкин.

Аввало маънавий-маърифий тарғиботни **ягона марказлашган тарзда** олиб бориш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида *Республика Маънавият ва маърифат марказини* ташкил этиш белгилаб қўйилди. Жумладан, унда бундай дейилган: “...мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат “Маърифат” тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш” вазифаси қўйилди.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва микёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш зарурияти белгиланган.

Марказ томонидан амалга ошириладиган вазифалар сифатида қуйидагилар белгиланди:

- Дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мағкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошка таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

- жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўқсинглик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига локайдлик, махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги маърузасидан.

<sup>103</sup> Ўша манба.

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”<sup>104</sup> қарори. 2017 йил 28 июль.

- маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш ва ҳаказолар.

Таълим соҳасини янада такомиллаштириш, уни реал тизимга мослаштириш бўйича ислоҳотларнинг янги босқичи бошланди. Бу асосан мактаб таълимига қаратилган.чунки умумтаълим мактаби ҳар бир бола ва ўсмирни айнан шаклланиш ва ҳаётга тайёрлашда пойдевор вазифасини ўтайди.

Шу йилнинг 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев умумтаълим мактаблари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.Мажидов, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази директори М.Холмуҳамедов, ҳалқ таълими вазири У.Иноятов ва уларнинг ўринбосарларини қабул қилди ва ҳисоботларини тинглади.

Мажлис давомида бу йилдан бошлаб мактаб таълим тизимида қуйидаги ўзгаришлар бўлиши маълум қилинди.

Белгиланган вазифага мувофиқ, умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўз хоҳишига кўра 10-синфда ўқишини давом эттириши, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўқув режасига кўра, 10-синф ўқувчилари ҳафтада 5 кун умумтаълим фанларини ва 1 кун касбга доир фанларни ўрганиши белгиланди. Касб-хунар коллежларидан узок масофада жойлашган 2703 та мактаб учун 1103 та мактабда, 6956 мактаб учун эса 615 та коллежда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилади.

Мактабларда 10-синф очилиши муносабати билан 22 минг ўқитувчига эҳтиёж юзага келади. Шуларнинг 9,5 минг нафари олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобидан, 13 минг нафари лицей ва коллежлар ўқитувчиларини жалб этиш ҳисобидан қоплаш режалаштириляпти.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 10-синфларда дарс берадиган 116 минг нафар ўқитувчининг касбга оид билимларини янгилаш ва чукурлаштириш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

10-синф ўқувчилари учун 8,5 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, айни пайтда таълим муассасаларига етказилмоқда.

Таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича вертикал тизим яратилиб, вазирликдан ҳудудларга 14 нафар, ҳудудий ҳалқ таълими бошқармаларидан туман ва шаҳарларга 195 нафар, туман ва шаҳар ҳалқ таълими бўлимларидан ҳар бир мактабга масъуллар бириктирилди.

Бу йил 1-синфга қабул қилинадиган 650 минг нафар ўқувчи учун “Президент совғаси” сифатида 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигига иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиш ва уларни олий таълим муассасаларига мақсадли тайёрлашни ташкил этиш учун ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида биттадан академик лицей очиш ва фаолиятини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари тармоқ вазирликлари ва давлат қўмиталарига бириктириб берилди.

10-11-синфлар жорий этилиб, коллежларда контингент қисқариши муносабати билан мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида 7 та коллеж ва академик лицей негизида янги 3 та олий таълим муассасаси филиаллари ва 1 та олий таълим муассасаси ташкил этилмоқда.

Мулокот чоғида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини ортиқча ҳисоботлар, турли бюрократик топшириқлардан озод этиш, уларнинг илмий салоҳиятини таълим мазмуни ва сифатини янада яхшилаш, илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласига тўхталиб ўтди. Болаларнинг қизиқиши ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, уларга мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама пухта таълим ва тарбия бериш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб бориш, шу орқали уларни она Ватанга муҳаббат, покиза орзулар руҳида камол топтириш бугунги кундаги энг муҳим, энг долзарб масалалардан бири эканини таъкидлади. Зоро, фарзандларимизнинг мактабда қандай ўқиши, қандай юксак мақсадлар билан камол топиши кўп жиҳатдан уларнинг мактабгача таълим муассасасида оладиган тарбиясига боғлиқдир.

Мажлисда давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув тузилмасини ташкил этиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқиш, бошланғич таълим муассасаларига қатор имтиёзлар бериш, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги малака ошириш институтларида таълим мазмунини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартириш, уларни энг илғор олий таълим муассасалари таркибига ўтказиш орқали умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига энг билимли ва тажрибали профессор-ўқитувчилар таълим беришига эришиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мулокот яқунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига 25 августга қадар барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва куз-қиши мавсумига сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим обьектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш, кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ҳозирги таҳликали даврда, дунёнинг қайси бурчагида содир бўлаётган ноҳуш, худкушлик, терроҷилик ҳаракати бўлса, уни кўп ҳолларда Ислом дини билан боғлашга уринишадилар. Бу ҳол албатта барча мусулмон олами каби бизни ташвишга солади ва ҳақоратлидир. Президентимиз БМТ минбарида ана шу масала ҳақидада гапириб, юртимиздан ҳамиша тинчлик, фаровонлик, адолат комилликни тарғиб қилувчи аллома ва мутафаккирлар чиққанлигини фахр билан таъкидлади. Ислом тинчлик ва маърифат тарафдорлари эканини баралла айтди. Ҳақиқатан ҳам Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Муин Насафий ва номларини яна узоқ санашимиз мумкин бўлган барча алломаларимиз илму маърифати, одоб-ахлоқи, элу юртга муҳаббати билан тарихда қолган. Бутун дунё уларнинг илм-фан тараққиёти йўлидаги улкан хизматларини фахр билан эслайди, улардан чексиз миннатдор бўлади.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг деярли бутун ижодида маърифатли жамият, маърифатли ҳукмдор, маърифатли жамоа масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Навоий таълимотига кўра, адолатли, фаровон жамиятга юксак маънавиятли шахслар, хусусан, маърифатли ҳукмдор бошчилигига эришилади. Лекин, маънавиятга маърифат орқали эришилади, дейди.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида ҳам “маърифат водийси тасвири” ифода этилган. Унда “Оллоҳ ҳақида билим — маърифат ҳосил қиласи. Оллоҳнинг ҳусн ва маъно жиҳатдан мислсиз вужуд эканлигини билгач, у ўзининг олий тилагига етиб, қаноат ҳосил қиласи”<sup>105</sup> дейилади. Мутафаккир бобомиз наздида, ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида ҳақиқатни излайди, ҳақиқатни талаб қиласи, унга эса маърифат йўли орқали борилади.

Алишер Навоий ўз асарларида ҳукмдорлар ва давлат хизматидаги кишиларга панднома сифатида ҳар бир қилинадиган амал айниқса давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ муҳим тадбирлар “*Аввал илм тарозусида аниқ ўлчаниши керак*” деб сабоқ беради.

## 10.2. Ўзбекистон – буюк мутафаккирларни дунёга келтирган табаррук замин

Мустақиллик йилларида ўзларидан бетакрор, илмий, маънавий, маърифий мерос қолдирган улуғ мутафаккирларимизнинг бебаҳо мероси холис, объектив тарзда ўрганилди ва кенг тарғиб қилинмоқда. Хусусан ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодий мероси нафақат юртимизда, балки, юутун мусулмон олами ва дунё илмий-фалсафий мактаблари томонидан тан олинмоқда. Уларнинг барчаси илмни чексиз уммон деб билганлар ва бу йўлда тинимсиз ҳаракат қилганлар. Имом Бухорий ҳадисларни йиғиш, сарслаш бугунги замонавий тил билан айтганда, ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш жараёнида бутун бошли тарих китобларини таълиф этган. «Китоб ат-тарих» асари шу таҳлит дунёга келган. Ҳеч иккиланмай, бу муҳтарам зотни буюк тарихчи ҳам деб аташимиз мумкин. Ёки Маҳмуд Замаҳшарийни олайлик. У мусулмон дунёсида ўзига хос, бетакрор тил услуби билан шуҳрат қозонган, Қуръони карим тафсирига бағишенланган «Ал-Кашшоф» асарининг муаллифи. «Жоруллоҳ» — «Оллоҳнинг қўшниси» номи билан танилган бу улуғ зот тилшунослик илми ривожига ҳам беназир ҳисса қўшган. Унинг «Ал-муфассал», «Муқаддаматул-адаб», «Асосул-балоға» каби асарлари ҳали-хануз олим ва тадқиқотчилар олдида тилсимдек турибди. Бундай мисолларни яна қўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, буюк алломаларимиз «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздор» деган динимиз кўрсатмасига ихлос билан амал қилганлар. Бунинг натижасида ҳам диний, ҳам дунёвий илм-фан соҳасида тенгсиз бўлганлар.

Имом-хатибларимиз, Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университетининг олим ва мутахассислари аҳоли, энг аввало, ёшларимиз билан бўлган учрашувларда таъсирчан мисоллар ёрдамида ана шулар ҳақида маълумот бермоқдалар. Муҳтарам Президентимиз томонидан буюк аллома аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш масаласи бежиз кун тартибига долзарб масала сифатида қўйилгани йўқ. Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш ташаббуси негизида ҳам, чуқурроқ тафаккур қилсак, ҳалиқимизнинг маънавияти, маърифатини янада ошириш, ёшларни соғлом дунёкарашли, илмга интилевчан этиб тарбиялаш каби эзгу ва умидбахш мақсадлар мужассам эканига амин бўламиз. «Жаҳолатга қарши — маърифат» тамойили ҳам аслида мана шудир.

Баъзан шундай савол туғилади: ёшлар муаммолари билан бутун бир тизим шуғулланмоқда, лекин баъзан уларнинг ёвуз ниятилар тузогига тушиб қолаётганлигига сабаб нима? Сабаб битта: ёшларнинг қизиқувчанлиги ва бекарорлиги. Ёвуз ниятилар ёшларнинг ушбу хислати ҳамда ожизлигидан фойдаланишга уринишмоқда. Бироқ биз бу ўринда ёшлар ва барчага битта "курол" бермоғимиз зарур, бу гоявий етуклиқдир. Бунга

<sup>105</sup> Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” Тошкент “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1991 Б-133.

етишишмоқ учун уларда аввало ўз-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш керак. Ўзига ишонган кишида яхшиликка интилиш ва ёмонликни рад этиш, унга қарши курашиш туйғуси пайдо бўлади. Бу туйғу унда соғлом тафаккурни шакллантиради. Одамларга, давлатга, жамиятга ва келажагига бўлган улкан меҳрни уйғотади. Шу маънода, мафкуравий ғанимлар билан ғоявий курашга киришишмоқ иштиёқи шаклланади. Бунинг яна бир сабаби-глобаллашув даврида ахборот хуружларининг яшин тезлигидек кириб келишидир. Тан олиш керақ, бугун жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб улгурди. Истаймизми-йўқми, биз бу жараённинг фаол иштирокчилари сифатида ҳар бир воқеа-ходисани кузатиб бориш имконига эгамиз. Афсуски, ахборот ҳар доим ҳам эзгуликка, бунёдкор ғояларга хизмат қилаётгани йўқ. Баъзан ана шу восита муайян вайронкор сиёсий кучлар, жиноятчилар, террорчилар қўлидаги қуролга айланиб, айниқса, ёшлар онги ва қалбини нишонга олмоқдаки, ундан бутунлай ҳимояланиш имкониятлари тобора камайиб бормокда. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар ўз манфаатларига зид бўлган соҳта ахборотларга нисбатан аҳолида иммунитет ҳосил қилиш мақсадида ОАВнинг таъсир кучини тўғри ўзанга солиш йўлини танламоқда.

Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим, МДХ давлатлари орасида фақат Ўзбекистон ўз маънавий сиёсатига эга давлат ҳисобланади. Бу сиёсат Биринчи Президентимиз томонидан миллий менталитетимизга асосан ишлаб чиқилган. Шу маънода, бугун миллий тарбия жараёнини кучайтириш керак. Миллий тарбиянинг уч негизи бор: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Таълим-тарбия ва маънавий маърифий соҳалардаги барча ишларимиз шахснинг ана шу жиҳатларини ўстиришга қаратилмоғи керак. Бунинг учун бизда кўплар ҳавас қиласиган кучли бир пойдевор – улкан маънавий меросимиз бор. Уларни қунт билан изчил ўрганиб бориш улкан самаралар гаровидир.

Тарихга назар солсак, барча даврларда ҳам мутафаккирлари ўз прогрессив ғоялари билан тўғри йўлни кўрсатиб берганлар. Масалан, IX-X асрларда Имом Бухорий, Мотуридий, Форобий, XI асрда Абдулҳолиқ Фиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, XIII асрда Азизиддин Насафий, XIV асрда Амир Темур, Бурхониддин Рабғузий, XV асрда Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий, XVI асрда Мирзо Бобур, Махдуми Аъзам Даҳбедий, XVII-XVIII асрларда Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо, XIX асрда Оғаҳий, XX аср бошларида жадид маърифатчилари ҳалқ маънавиятини соғлом сақлаб қолганлар. Улар ҳалқимизни миллий ғурур асосида тарбия қилиб, онги ва қалбини соҳта ғоя ва қарашлардан ҳимоя қилишган. Демак, биз аждодларимизнинг факат номини санаш билан чекланмасдан, уларнинг меросини ёшлар онгига жиддий сингдиришда ҳам ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишимиз лозим. Очиғи кўп ҳалқлар бу меросимизга ҳавас билан қарашади. Бугунчи? Бугун биз шундай тўғри йўл кўрсатувчи маънавий меросга эгамизми? Албаттa, бундай мерос бизда бор. Бу ишларимизда мустақиллик йилларидағи интилишлармизнинг яхлит ҳосиласи бўлган мужассам этилган маънавий-ғоявий меросдир. Уларда янги жамият эҳтиёжлари, ғоялари ва мезонлари ўз аксини топган.

Шунинг учун ҳам маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш учун маънавий-маърифий ишларни тубдан ўзгартириш, мазмунини бойитиш, самарали усуулларини излаб топиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш муҳим экан, бу йўлда барчамиз чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда факат олдинга интилишимиз лозим.

Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби маънавият ва марифат соҳасини айнан ёшларга қаратилганлиги ва ёшлар билан боғлиқ масалаларга ҳар доим алоҳида урғу берилишига сабаб шуки, дунёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли равишда мамлакатимиз аҳолисининг 65-70 фоизини болалар ва ёшлар ташкил этади. Бунинг қувончли жиҳати шундаки, ёшларнинг кўпи мамлакатимиз келажагини ёруғлигини англатади. Лекин, ана шу ёшлар келажагинг порлоқ бўлиши уларнинг мустақилликнинг илк йиллариданоқ энг устувор масалалардан бири ҳисобланади. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни фикримизни тасдиқлайди. Давлатимиз сувренитетга эришган илк ойлардан бошлаб ёшларга ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу сиёсат узвий давом этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳам диққат

марказидадир. Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонун ёшларга замонавий таълим олиш, уй-жой харид қилиш ва қуриш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатларни тақдим этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ёшларида оғрикли муаммолар йўқ, чунки улар давлат ғамхўрлиги оғушида ҳаёт кечирмоқда. Президентимиз айрим ёшлар, хусусан, бизнинг ёшларимиз ҳам зўравонлик ғояси "вируси" курбонига айланишидан кафолатланмагани ҳақида куюнчаклик билан сўзлади.

Президентимиз БМТ нинг юксак минбаридан туриб «**Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир.** Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-куватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз», деди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқеи бор, шу сабабдан ёшларни қўллаб-куватлаш соҳасида қўп қиррали ҳамкорлик ўта мухим. Президентимиз ўз фикрини қўйидагича давом эттириди: «**Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади**».

Интернет асирида унинг салбий таъсиридан ҳимояланиб бўлмайди, бироқ дунё ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини умумлаштириш йўли билан таҳдид даражасини камайтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари ҳам айнан шу ҳақда гапирди. Мамлакатимиз ёшлари, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифини тўла қўллаб-куватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан ушбу масалани ёшлар муаммоларига етарли эътибор қаратмаслик ҳалқаро терроризм ва экстремизм таҳдидларининг ортишига олиб келиши мумкинлигини. Зотан, ҳалқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг мухим вазифадир. Биз Президентимизни ушбу вазифани амалга оширишда тўла қўллаб-куватлаймиз.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, илғор инновацион технологиялар ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун улкан имконият яратди.

Бу эса хорижий мамлакатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш орқали давлат ва жамоат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш соҳасини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" фармони бу борада катта аҳамиятга ега бўлди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига ҳалқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, уларнинг базасида тизимли асосда

республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташи, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан ўзгартирилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларини халқаро меҳнат бозорида юқори малакали, рақобатдош мутахассислар, педагоглар ва илмий кадрлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларни магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлаш, талабгорларни малака ошириш ва стажировка ўташ, етакчи хорижий таълим муассасаларида таълим олиш учун танлаб олишни такомиллаштириш, уларнинг меҳнат ва илмий-педагогик фаолияти мониторингини олиб бориш, шунингдек, юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг ўқув жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси фаолият йўналишларини, мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиши долзарб масалага айланди.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- илгор илмий тадқиқотлар ва инновациялар, юқори технологияларнинг янги ютуқларида иштирок этиш, касбий билим, кўникма ва малакаларни замон талабларига ҳамоҳанг тарзда янгилаш, янги касб, таълим ва амалиётга йўналтирилган дастурларни ўзлаштириш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг истиқболли мутахассислари, таълим муассасаларининг юксак интеллектуал-ижодий салоҳиятга эга бўлган педагог ва илмий кадрларини ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш;
- иқтисодиёт тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳозир ва келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битиurvчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларда магистратура ва PhD дастурлари бўйича тайёрлашни ташкил этиш;
- чет эллардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва изчиллик билан ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари, шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларига улар томонидан чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга тавсия қилинаётган номзодларни Жамғарма базасида дастлабки тайёрлашни ташкил қилишда кўмаклашиш;
- иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамият тизимининг истиқболли мутахассислари, педагоглари, илмий кадрлари ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илгор халқаро тажрибаларни эгаллашлари учун уларнинг нуфузли халқаро симпозиумлар, анжуманлар, олимпиадалар ва танловларда иштирокини ташкил этиш;
- чет элда малака оширган ва стажировка ўтаган мутахассислар, илмий педагог кадрлар, шунингдек, магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олганлар ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида анжуманлар, семинарлар, маҳорат дарслари, тренинг ва бошқа тадбирларни ташкил этиш орқали илфор хорижий тажрибалар ҳамда педагогик технологияларни кенг жорий этиш ва оммалаштиришни таъминлаш;

- келажакда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, шунингдек, янги, истиқболли фаолият соҳаларида, шу жумладан, сифатли кадрлар ва ресурслар захирасини яратиш ва тегишли йўналишлар бўйича илмий-таълим жараёнларини ҳар томонлама рағбатлантириш орқали замонавий материаллар ва илғор технологияларни ишлаб чиқиши соҳасида энг юқори даражада самаравали фаолият олиб боришиларини таъминлаш мақсадида стипендиатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг турли тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларидағи республиканинг истиқболли мутахассислари, педагог ва илмий кадрларининг хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ва таълим олиш натижасида эгаллаган замонавий илғор билим ва кўникмаларини уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолияти тизимли мониторингини олиб бориш орқали амалиётга жорий этилишини таъминлаш;
- стипендиатларни республика олий таълим муассасалари, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларининг ўкув жараёнларига изчил жалб этиш.

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган Васийлик кенгаши раҳбарлик қиласи.

Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Низом асосида амалга оширади.

Педагог ва илмий кадрларнинг чет элнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида малака оширишлари ва стажировка ўташлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг магистратура ва PhD дастурлари бўйича ўқишилари 2017/2018 ўкув йилидан бошлаб мақсадли дастур асосида амалга оширилади.

Жамғарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги йиллик ажратмаси, Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағларидан ажратмалар, шартнома асосида хўжалик фаолияти юритиш ва хизматлар кўrsатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳамда беғараз ёрдамлари, халқаро молия ташкилотлари грантлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар хисобидан молиялаштирилади.

Хорижда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориш танлов асосида амалга оширилади.

Танловни ўtkазиш Жамғарма томонидан ташкил этиладиган қабул комиссияси зиммасига юкланди. Комиссия танлов натижаларини умумлаштиради ва уларни Жамғарманинг Васийлик кенгаши тасдиғига тақдим этади.

Жамғарма стипендиялари Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мақсадли дастурлар асосида ажратилиб, чет элда таълим олиш учун тўланадиган маблағ, чет эл визасини олиш учун тўлов, йўл харажатлари (бир йилда хорижга бориш ва келиш учун бир марталик авиачипта, темир йўл чипталари ва бошқалар), тураржой ва овқатланиш ҳақи, дарслик ва ўкув қўлланмалар сотиб олиш учун ҳамда бевосита таълим билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни камраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлидан бораётган барча иқтисодиёт тармоқларини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш, бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётга кенг жорий этишга хизмат қиласидиган, замонавий фан-техника ютуқлари, инновацион технологияларни пухта ўзлаштирган истиқболли мутахассисларни тарбиялаш, педагог кадрлар ва иқтидорли ёшларнинг илмий-педагогик ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

### **10.3. Ёшлар сиёсати ва уни амалга оширишдан кутилаётган эзгу мақсадлар**

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йуналишларидан бири — миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва унинг бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишидир. Шу боис ёшлар тафаккури соғлигини сақлаш, уларнинг кайфиятлари, орзу-умидлари, интилишларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ўта долзарб вазифадир. Диний экстремизм ва терроризм илдиз отиб бораётган бугунги кунда жамиятимизда ёшлар тарбиясига аҳамият қаратиш энг долзарб вазифадир. Ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимида дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй берадиган, турли мағкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра мухим аҳамият касб этмоқда” – деган фикрларини эсда тутишимиз лозим.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг “Мингийиллик саммити” (2000 йил сентябрь)да Ўзбекистон раҳбари халқаро терроризм ва наркобизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жаҳон хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, БМТ фаолияти ва таркибий тузилишини ислоҳ қилишга оид таклифлар билан чиқди. Наркобизнесга ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда БМТга аъзо барча давлатлар харакатларини мувофиқлаштириш ғояларини илгари сурди. Бугунги кунда БМТнинг хавфсизлик ва терроризмга қарши курашиш бўйича маҳсус бўлинмалари фаолияти терроризмга қарши қаратилган асосий халқаро уюшмалар қаторида етакчи ўрин эгаллади.

Юкорида биз маърифатни келиб чиқиши арабча, у даслаб диний манбаларда орифлик сўзида, Оллоҳни таниш маъносида қўлланилганини айтиб ўтган эдик. Яратганга шукурки, биз истиқлол туфайли ўз динимизга эркин эътиқод қилиш имкониятига эга бўлдиқ, унинг инсонпарварлик ва адолат ғоялари билан йўғрилган моҳиятини ўрганмоқдамиз. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) диннинг бутун моҳияти илмдан иборат бўлиб, оламнинг бутун жумбоги илм билан очилади деганлар. Шунинг учун Куръони Каримда ҳам энг кўп ишлатилган сўз ҳам илм сўзиdir.

Пайғамбаримиз ҳадисларида “**Мингта оддий оми одамдан битта илмли киши фойдалироқдир**” деган экан.

Арабларда “Олимнинг ўлими - оламнинг ўлимидир” деган мақол бор экан. Олим бутун оламга илм, маърифат, зиё тарқатиб турувчи машъалdir.

Энг машҳур ҳадисларидан бири ҳам ўқиш ва илм олишга дайват бўлиб, “Ўқинглар, ўқинглар, ўқинглар” ёки “Илмни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинг”, “Илм олмоқ ҳар мусулмон ва муслима учун фарзди” деган мазмунда экани яхши аён.

Пайғамбар саллаллоҳу алайхи васаллам айтадилар: “*Аллоҳ илмни бандаларнинг қалбидан сугириб олишилик билан олиб қўймайди. Лекин олимларни (вафот эттириши) билан олиб қўяди. Шунда бирорта ҳам олим қолмагач, инсонлар илмсиз (одам)ларни ўзларига пешво қилиб оладилар. Улар инсонларга илмлари бўлмагани ҳолида фатво берадилар. Натижада ўзлари ҳам адашади ва ўзгаларни ҳам адаштиради*”<sup>106</sup>. Афсуски, кейинги пайтларда диний илмларни сохталаштириш, уларни қандайдир сиёсий мақсадлари йўлида атайлаб бузиб талқин қилиш, бу йўлда умуман диний илмларга алоқаси бўлмаган динсизларнинг сохта дин тарғибочисига айланиб қолиши, динни сиёсийлаштириш ва ҳарбийлаштириш мудҳиш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Президентимизнинг БМТ юксак минбаридан туриб билдирган фикри ҳам ана шу мухим ва умумбашарий муаммога қаратилган эди.

<sup>106</sup> «Ислом маърифати: аслият ва талқин» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқида ҳам маърифатнинг асосий манбаси бўлган муқаддас динимизнинг таълим-тарбия, маънавий камолотдаги ўрни хусусида алоҳида урғу берилди. «Гаълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотининг анжумани мавзуси этиб белгилангани бежиз эмас. Ином Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замаҳшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган. Ислом оламида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» тўплами «барча муҳаддислар устози» бўлмиш Ином Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Куръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг маҳсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибида ташкил этиш билан боғлиқдир. Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чукурлаштирилган маҳсус курсларни ўқитиш ташкил этади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида ёшлар маънавияти ва маърифати билан боғлиқ муҳим масала китоб нашри учун ҳеч қандай маблағни аямаслик ҳақида бундай деди: “...Шу муносабат билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқига умумтаълим муассасалари кутубхоналарини 10 миллиард сўм маблағ ҳисобидан бадиий адабиётлар билан таъминлаш имконини яратиб бериш лозим. Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда у ҳар йили умумтаълим муассасалари кутубхоналарининг талабини ўрганиб, бадиий адабиётларни харид қилиш ишларини ташкил этиши даркор. Шу борада яна бир муҳим лойиҳа — 2020 йил 1 декабргача ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон ёшлар иттифоқига қарашли, барча қулийликларга эга бўлган кутубхона ва китоб дўконини ҳам ўз ичига олган кичик Ёшлар марказларини барпо этиш лойиҳасини амалга оширамиз”<sup>107</sup>.

Халқимизни маърифатли қилиш, бунинг учун китобхонлик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилган, “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” қарори айни муддао бўлди.

Қарорда, жумладан, бундай муҳим вазифалар белгиланган:

- китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-хуқукий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп этишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш;
- китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадиий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ва кўргазмали адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш;
- жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича давлат буюртмалари бериш, уларни зарур нусхаларда юксак сифат билан нашр этиш ва

<sup>107</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 30 июнь.

молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиши чораларини белгилаш;

- ахборот-кутубхона фаолиятини кучайтириш, таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, кутубхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг “Маънавият хоналари”ни ўқув-услубий, техник адабиётлар, адабий-бадиий, маърифий ва илмий-оммабоп китоблар билан бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- нашриётлар ва матбаа соҳаси мутахассисларини, бадиий ва техник муҳаррирлар, графикачи рассомлар, ахборот-кутубхона ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

- лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги илмий-техник, адабий-бадиий ва энциклопедик адабиётларни янада кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш;

- қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш чоралари тўғрисида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш;

- мамлакатимизда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берадиган eReader электрон ўқув қурилмаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларнинг ахборот базасига умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий, илмий-назарий манбаларни жойлаштириш, бундай маҳсулотларни арzon нархларда сотиб олиш механизмларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- мазмунан саёз, миллий маънавият ва қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган адабиётларни тайёрлаш, босиб чиқариш ва тарқатишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

- китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-тандовларнинг саралаш ва Республика босқичларини юкори савияда ўтказишни йўлга қўйиш ва ҳаказо<sup>108</sup>.

Шуни унутмаслик керакки ҳар бир инсон, ҳар бир миллат янгиликларга интилади. Бутабиий ҳол. Лекин, янгилик деб жаҳолат томонган кетиб қолишдан албатта маърифат сақлайди. Ҳозирги пайтда техниканинг кейинги ютуклари ҳисобланган компьютер, мобиЛЬ телефонлар, интернет тармоғи орқали чексиз ахборотлар ва бошқа турдаги манбалардан фойдаланиш мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, бундай ахборотларнинг инсонга айниқса ёшларга ижобий таъсири билан бирга ёмон таъсири ҳам бор. Шу маънода, аждодларимиз томонидан яратилган ишончли маърифат манбаи китоб энг ишончли ва фойдали хазинадир. Агар ёшларимизга китоб муталаси афзаллигини тўғри тарғиб қила олсақ, китоб муталасини жиддий йўлга қўйиб, китобхонлик маданиятини юксалтиrsак, яқин йилларда дунёнинг энг китобхон мамлакатига айланамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтириши, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” карори, 2017 йил 13 сентябр.

Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳукуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиши кўнижасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Маърифат сўзининг умумий моҳиятини изоҳланг?
2. Диний манбаларда маърифатнинг мазмуни қандай талқин қилинган?
3. Маърифатнинг дунёвий мазмунини қандай тушунасиз?
4. Жаҳолатга қарши маърифат деганда нимани тушунасиз?
5. Маънавият сўзининг маъносини айтинг?
6. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқида маърифат масаласига алоҳида ургу берилганини сабаби нимада?
7. Президентимиз нутқида ёшлар ва уларнинг маърифатли бўлиши хақида нималардейилди?

## **11-БОБ. БМТНИНГ ЁШЛАР ХУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯСИНІ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН КУТИЛАЁТГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР**

### **11.1. Ёшлар тарбиясидаги лоқайдлик оқибатлари**

“Ёшлар” тушунчасининг юридик мазмунуи. Ёшлар түғрисида сўз борар экан, аввало бу тушунчанинг унга яқин бўлган бошқа тушунчалар, масалан, “бала” тушунчаси билан ўзаро алоқадорлиги масаласини кўриб чиқишимиз лозим. Чунки баъзан мазкур тушунчаларни ўзаро фарқламасдан, маънодош тушунчалар сифатида қўллаш ҳолларини кўп учратамиз. Демак, саволни қўйидаги тарзда қўямиз: “болалар” ва “ёшлар” тушунчалари ўртасида қандай фарқ мавжуд? Биринчи навбатда “бала” тушунчасининг юридик мазмуни борасида сўз юритамиз. Саксонга кирган отахон учун унинг, дейлик, 50 ёшли фарзанди “боладир”. Лекин ҳақли савол туғилади: юристлар кимни “бала” дейдилар ёки “бала”га қандай юридик таъриф берилган? Гарчи “бала” тушунчаси 2008 йилга қадар, яъни, ўша йилнинг 7 январида Ўзбекистон Республикасининг “Бола хукуқларининг кафолатлари түғрисида”ги Қонуни қабул қилингунга қадар ҳам қўлланган бўлса-да, мазкур тушунча остида нима тушунилганлиги изоҳланмаган, юридик таъриф берилмаган. Бола хукуқларини ёритишимиз учун, аввало, “бала”нинг ўзи кимлигини яхши англаб олишимиз керак. Шундан сўнггина биз ким(лар)нинг хукуқлари түғрисида сўз бораётганлигини яхши тушуниб оламиз.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

**Шавкат Мирзиёев**

1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44/25-резолюцияси билан қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган “Бола хукуқлари түғрисида конвенция”нинг 1-моддасида “Ушибу Конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади”<sup>109</sup> деб белгилаб қўйилган. Демак, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс бола деб аталади. Бошқача айтганда, ўзининг 18 ёшини нишонлаётган кунида шахс болалик даврини тарк этади. Шунинг билан болаликнинг энг сўнгги чегараси белгилаб қўйилган. Лекин бир масала, яъни, инсон ҳаётининг дастлабки 18 йили унинг болалик даврини ташкил этадими, деган масала аниқ эмас. Аникрофи, инсоннинг болалик даври қайси вактдан бошланади: унинг туғилиши биланми ё “тили чиқиши” биланми ёки юришни ўрганиши биланми ёхуд югуришни билиб олганидан кейинми деган саволларга конвенция жавоб бермаган. Афтидан, мазкур масалани конвенцияга қўшилган ҳар бир аъзо давлат ўзи мустақил ҳал этади, миллий қонунчилигида ўз нормасини белгиланиши мумкин дегандек халқаро конвенция ушбуни ҳал этмасдан қолдирган кўринади. Ҳар бир мамлакатнинг ички қонунчилигида бу борада ўзига хос норма белгиланиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлатларнинг миллий қонунчилиги қиёслангандан турлича нормалар ўрнатилганлиги қўзга ташланиши ва бу зиддиятларни, шунга кўра, маълум муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, бола – бу 18 ёшга тўлмаган шахс. Бунда шахснинг қайси жинсда (эркак ёки аёл) эканлиги муҳим эмас. Мухими – 18 ёшга тўлмаганлик.

Агар мамлакат ички қонунларига кўра шахс 18 ёшга тўлмасдан олдинроқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилса, ана шу вактдан бошлаб шахс бола деб эътироф этилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлган куни шахс “катталар сафига” қўшилади. Бола хукуқлари түғрисидаги конвенция 1-моддасининг мазмуни ана шундай.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола хукуқларининг кафолатлари түғрисида”ги Қонуни болалар хукуқларининг кафолатларини ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Қонунида БМТ конвенциясининг барча нормалари ўз ифодасини топган. Шу билан бир каторда,

<sup>109</sup> Бола хукуқлари түғрисида конвенция. “Бола хукуқларининг кафолатлари түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни./Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. 34-бет.

конвенцияда акс этмаган болаларнинг бир қатор ҳуқуқлари ҳам қонунда ўз ифодасини топганки, бу билан қонун мазмунан янада бойитилган. Бу ўринда гап қўйидаги ҳуқуқ ва эркинликларнига кафолатлари хусусида бормоқда:

- ❖ яшаш ҳуқуқи (8-модда);
- ❖ индивидуалликка бўлган ҳуқуқ ва уни сақлаб қолиш ҳуқуқи (9-модда);
- ❖ эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (10-модда);
- ❖ ҳимояга бўлган ҳуқуқ (11-модда);
- ❖ оиласий муҳитга бўлган ҳуқуқ (13-модда). Бу ҳуқуқ ҳалқаро конвенцияда мавжуд эмас. Ўзбекистон Қонунида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча ваколатлар мавжуд.
- ❖ ғайриқонуний қўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи (14-модда);
- ❖ ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи (15-модда);
- ❖ ахборот олиш ҳуқуқи (16-модда);
- ❖ фикрлаш, сўз, виждан ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи (17-модда);
- ❖ хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ (18-модда). Бу ҳуқуқ ҳалқаро конвенцияда ифода этилмаган.
- ❖ турар жойга бўлган ҳуқуқ (19-модда). Бу ҳуқуқ ҳалқаро конвенцияда мавжуд эмас. Ўзбекистон Қонунида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча ваколатлар мавжуд.
- ❖ меҳнат қилиш ҳуқуқи (20-модда). Бу ҳуқуқ ҳалқаро конвенцияда акс этмаган.
- ❖ дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқ (21-модда);
- ❖ соғлиқни сақлаш ҳуқуқи (22-модда);
- ❖ билим олиш ҳуқуқи (23-модда).

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳалқаро майдонда амал қиладиган энг муҳим ҳужжатлардан бири – бу “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция”дир. Мазкур ҳужжат 1989 йил 20 ноябрда БМТ томонидан Бош Ассамблеяning 44/25-Резолюцияси билан қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Бунга қадар ҳам ҳалқаро майдонда бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган эди. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Женева декларацияси” (1924), “Инсон ҳуқуқлари Умумжоҳон декларацияси” (1948), “Бола ҳуқуқлари тўғрисида декларация” (1959) шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли қарори билан БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция”сига қўшилган. Мазкур конвенция 1994 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикасида кучга кирган. Шу асосда Ўзбекистон бу борада тегишли мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бугунги кунда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг бош йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган, 2008 йил 7 январда эса кучга кирган. Бундай қонун дунёнинг бир қатор мамлакатларида мавжуд. Масалан, Руминия, Эстония, Россия, Литва каби давлатларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ўзбекистонда қонунни ишлаб чиқиш жараёнида ушбу давлатларнинг тажрибасидан ҳам кенг фойдаланилди.

2008 йилнинг 7 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 4 та боб ва 32 та моддадан иборат. Қонуннинг 8-моддаси 1-қисмида “*Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиши энг оғир жиноятдир.*” деб белгилаб қўйилган. Ўша модданинг 2-қисмида “*Давлат соглом боланинг тугилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.*” дейилган. Аввало, боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатланганлиги Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида бош ва асосий бўғинни ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларидан келиб чиқади. Унинг 24-моддасида “*Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд*

қилиши энг оғир жиноятдир”, деб белгилаб қўйилган. Инсон ҳаёти унинг туғилиши билан бошланади. Демак, туғилиш билан инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқи бошланади ва бу ҳуқуқ қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 17-моддасида фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ойдинлаштирилган. Унга кўра, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати, яъни ҳуқуқ лаёқати тенг равишда эътироф этилади (1-қисм) ва бу лаёқат фуқаронинг туғилган пайтидан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (2-қисм).

Яшаш ҳуқуқи инсон (фуқаро) ҳуқуқ лаёқатининг мазмунидадир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айниқса ўрта асрларда кенг тарқалган назарияга асосан ва ҳозирги кундаги илғор, инсонпарвар, демократик қарашларга кўра ҳам, инсоннинг яшаш ҳуқуқи – бу унинг табиий ҳуқуқидир, яъни инсон табиат қонунига кўра, агар буни диний ибора билан ифодалаш мумкин бўлса, худонинг амри билан дунёга келади ва худонинг амри билан дунёдан кетади. Унинг келиб-кетиши – худонинг иродасидир. Шундай экан, ҳеч ким инсонни ҳаётдан, яшашдан, яшаш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақли эмас. Ҳатто энг хавфли деб топилган жиноятчини ҳам яшашдан маҳрум этиш мумкин эмас. Шу маънода инсонни энг мудхиш жиноят содир этганликда айблаб ўлимга ҳукм қилган давлат органи – суд органининг ҳукминиadolатли деб, унинг ўзини эса – одил суд деб бўлмайди. Инсон дунёга давлат амри, суд органининг ҳукми билан келмайди ва дунёдан унинг амри билан кетмайди. Инсон ҳаётига бундай аралашувнингadolатли (одил) деб аталиши тўғри бўлмайди. Шунинг учун ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигига ҳам яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг (боланинг) узвий ҳуқуқидир, дейилгани бежиз эмас. Чунки бу ҳуқуқ инсоннинг ўзида, унинг табиатида мавжуд. Уни инсондан ажратиб бўлмайди. У – яхлитдир. У – ажралмасдир. У – узвийдир. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Шу узвийликка дарз кетар экан, демак, бундан ортиқ оғир жиноят йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас<sup>110</sup>.


Энди навбат “ёшлар” тушунчасига келди. Хўш, “ёшлар” ким? Биз кимни “ёшлар” деб атаемиз? “Ўзбек тилининг изоҳли лууғати”да мазкур тушунчага қуйидагича таъриф берилган: “Ёшлар – 1) навқирон тигит-қизлар; 2) ўринбосарлар; дублёрлар”<sup>111</sup>. Лекин бу ўринда бизни кўпроқ мазкур тушунчанинг юридик талқини қизиқтиради. Бу борада эса Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қараймиз. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган. Мазкур қонун унинг 33-моддасида белгиланганидек, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган. Қонун 4 та боб ва 33 та моддадан иборат. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, қонуннинг 31-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон

<sup>110</sup> Ўзбекистоннинг суд-хуқуқ тизими қарор топган мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга киритилган)да 13 та турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган эди. “Инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гояларига содиқлигини танланали равшида эълон” (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан) қилган Ўзбекистон ўз қонунчилигига белгиланган жиноий жазоларни либераллаштириш йўлидан бориб, ўлим жазоси белгиланган жиноятлар сонини энг сўнгига иккитага камайтириди. 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-3641-сонли фармонига асосан 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланди. Ўлим жазоси белгиланган 2 турдаги жиноятлар – терроризм жинояти (Жиноят кодекси, 155-модданинг 3-қисми) ва жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (Жиноят кодекси, 97-модданинг 2-қисми) учун 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланиладиган бўлди. Мазкур фавқулодда жазо чораси 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

<sup>111</sup> **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. П. У-М/Тахрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 53-б.

Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429-XII-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда) ўз кучини йўқотди. Амалдаги қонуннинг 3-моддасида қонунда қўлланилган айрим тушунчаларга таърифлар берилган. Хусусан, “ёшлар” тушунчасига қонун қўйидагича таъриф беради: “Ёшлар (ёши фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар”. Демак, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар ёшлар деб аталади.

Агар “болалар” ва “ёшлар” тушунчаларининг календарь ёш нуктаи назаридан кесишувига назар солсақ, қўйидаги манзарани кўрамиз: инсон умрининг ёшлик даврида унинг тўрт йиллик болалик даври ҳам бор. Бошқача айтганда, ёшлар орасида вояга етмаганлар, яъни болалар ҳам бор. Эътибор беринг:



Демак, бундан ушбу хulosса чиқади: бола ҳукуқлари ёшларга (аникрофи, ёшликнинг дастлабки тўрт йилига) ҳам тегишилдири. Бола ҳукуқлари тўғрисида гапирганимизда, бу ҳукуқларнинг маълум маънода ёшларга ҳам тегишили эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ушбу тасдиқнинг акси ҳам тўғридидир: ёшлар ҳукуқлари тўғрисида сўз очганимизда, бу ҳукуқларнинг болаларга (аникрофи, болаликнинг сўнгги тўрт йилига) ҳам тегишили эканлигини ёдда тутмоқ керак. Умумий хulosса эса мана бундай: Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ти Конуни маълум маънода бир-бiriни тўлдиради. Мана шу ўринда бола ҳукуқлари тўғрисида ҳам сўз очганимиз бежиз бўлмаганлигини англаймиз.

“Йўқотилган авлод” (*lost generation*) ёхуд ёшлар тарбиясига лоқайдлик оқибатлари. “Ёшлиқ, сени куйламаган ким?!” дейди шоир. Дарвоҷе, ёшлиқни тараннум этмаган, унга атаб ашъор битмаган шоир бўлмаса керак. Ёшлиқ даврини гўзал ва нозик, сержило сатрларда тасвирламаган ёзувчи йўқ. Адиб йўқки, ёшилкка бағишлиб бир сўз айтмаган бўлса. Инсон йўқки, умрининг ўтган ана шу даврини ҳаётида бир бор қўмсамаган бўлса. Нега шундай? Нега инсон ёшлиқ даврини энтикиб эслайди, ҳар дам унга қайтгиси келади? Чунки ёшлиқ – инсон умрининг гўзал туйғуларга бурканган фасли, умр баҳори. Лекин... Лекин ўз умрининг ана шундай ажаб баҳорини кузги хазон каби тўкилиб кетишига онгли равишда, баъзида эса ўзи англамаган ҳолда йўл қўяётган айрим ёшларни кўрганингизда нималар ҳақда ўйлайсиз? Ўшанда нимадан ташвишланасиз? Уларга нимадир дегингиз келадими?

Бугунги кунда дунё аҳолисининг сони 7 миллиарддан ошиб кетди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг нуфузли минбаридан туриб айтган ушбу сўзларини эслайлик: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг иирик авлоддир, чунки улар 2 миллиардни ташкил этмоқда”<sup>112</sup>.

Бугунги кунда ёшлар деб аталмиш аҳоли қатламини тобора кенгроқ ўз домига тортиб бораётган гиёхвандлик, зўравонлик, босқинчилик, ичкилиқбозлик, бир жинсдагиларнинг никоҳи, шовинизм, фохишабозлик, бесоқолбозлик ва бошқа иллатларнинг мавжудлиги ҳеч

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан:// “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь.

кимга сир бўлмай қолди. Интернет орқали кириб келадиган, ёшлар онги-шуурини тобора заҳарлаб борадиган, ўзи яшаб турган жамиятга, ўз оила аъзоларига ва ниҳоят, ўзига қарши ёвузликларни амалга оширга ундейдиган турли компютер ўйинларининг кўлами ортиб бормоқда. Айниқса Ғарб мамлакатларида кенг қулоч ёзиб бораётган ушбу иллатлар ва ёт ғоялар ҳақида сўз борганда, бундай ғояларнинг таъсирига тушиб қолган ёш авлодни “йўқотилган авлод” (инглиз тилида *lost generation*) деб атайдилар. “Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи насткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўзрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар ... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”, деган эди Абдулла Авлоний.

“Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбаширий тарихида тутган ўрни, миқёси ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир”, деган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

## 11.2. Ўзбекистонда ёшларга доир давлат сиёсати

*Ёшлар сиёсати Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишиларидан бири сифатида.* Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган илк йилларданоқ мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этган болалар ва ёшлар масалаларига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Юртимизда бир катор масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ана шундай масалалардан бири – ёшлар масаласидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конуни бунинг ёрқин далилидир. Мазкур қонуннинг бош мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатdir. **Ёшларга оид давлат сиёсати** деганда, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими тушунилади. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- очиқлик ва шаффофлик;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;
- ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- маънавий, ахлоқий ва маданий қадрияtlарнинг устуворлиги;
- ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.

Конунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар белгилаб берилган. Булар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими. Бу тизимга қўйидагилар киради: таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар; меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; адлия органлари; мудофаа ишлари бўйича органлар. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оиласардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оиласа маънавий-ахлоқий мухитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради, ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан

ҳамкорлик қиласи, тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласи.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда *нодавлат нотижорат ташкилотлари* ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади, ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умумисоний қадриятларга ҳурмат руҳида, заарали таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади, соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказади, ёшларни ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шартшароитларни яратишга кўмаклашади, фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёхвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга заарали иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади, ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғуланиши мумкин, ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда *оммавий ахборот воситалари* ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шу жумладан соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, жамият ҳаётида унинг роли ва фаоллигини оширишга, хуқуқий онги ва хуқукий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритади, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишга доир тадбирларда иштирок этади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласи.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг ҳеч бир қатлами четда турган эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунга мувофиқ ҳар бир ёш фуқаронинг хуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади. Ёш фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ёшларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бирор бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди ҳамда бундай чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшлар бепул тиббий хизмат кўрсатилиши, бепул умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълимни олиш, давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида бепул олий таълим олиш, давлат спорт-соғломлаштириш ва

маданий-маърифий муассасаларига бориш учун шарт-шароитлар яратиш, уй-жой қуриш, олиш ва уни реконструкция қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш, таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш, етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш, меҳнат соҳасида ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда имтиёзлар бериш ва ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш чоғида ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, жамоат транспортидан фойдаланишда имтиёзлар бериш кафолатланади.

Иш топишда қийналайтган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича маҳсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади.

Ўқув жараёни вақтида ўқувчилар ва талабаларни жамоатчилик ишларига жалб этишга йўл қўйилмайди. Ўқувчилар ва талабалар томонидан танланган мутахассисликка мос ва ўқув-ишилб чиқариш амалиётининг шакли бўлган ҳолларда ёхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишидан бўш вақтида ихтиёрий меҳнат қилган ҳолларда жамоатчилик ишларига жалб этишга йўл қўйилади. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат тўғрисидаги ёки фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома мавжуд бўлган тақдирда рухсат этилади.

Иқтидорли ва истеъоддли ёшлар давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланади. Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлайди. Ёшларни ва ёш оиласларни ижтимоий ҳимоя қилиш максадида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолият кўрсатади. Ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айборд шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

*2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ёшлар.* 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармоннинг 4-бандида “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” тасдиқланди. Мазкур Фармоннинг 1-банди билан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Жисмонан соглом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битириувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиши, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқарши, болалар ва ёшлар ўртасида соглом турмуши тарзини шакллантириши, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиши, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиши, ёш оиласлар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-машший шароитларни яратиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиши 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “**Ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштириш**” деб номланган алоҳида банд (4.5-банд)да акс эттирилди ва ижтимоий

соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб аталган 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар қилиниши – 25 та топшириқнинг бажарилиши аниқ қилиб белгилаб қўйилди.

Маълумки, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни қабул қилинди. Қонунларни қабул қилиш масаланинг бир жиҳати бўлса, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш унинг бошқа бир жиҳатидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни 6-моддасининг 1-қисмида **“ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин”**, деб белгилаб қўйилган. Ўша модданинг иккинчи қисмида **“Давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш, ёши фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётидаги уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соглом ва баркамол ёши авлодни тарбиялаши мақсадида ишлаб чиқлади ҳамда амалга оширилади”**, дейилади. Шундан келиб чиқиб, 2017 йилда **Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши** вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тасдиқланадиган мазкур дастур доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Мазкур дастурнинг ижроси бўйича давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мутасадди ходимлари Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат дастури ижросини жойларда сифатли таъминлашга қаратилган билим ва кўнимкамарини оширишга хизмат қиласиган давра сұхбатлари ва семинарлар ўтказмоқдалар. Бундай ишларни бутун йил давомида амалга ошириш лозим бўлади.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ана шундай йўналишлардан бири сифатида ёш оиласаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Қонуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимида давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, прокуратура органлари, ички ишлар органлари, адлия органлари, мудофаа ишлари бўйича органлар кириши билан бир қаторда, бу борада бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, **ёши оиласаларни қўллаб-кувватлаш ва уй-жой билан таъминлаши мақсадида худудларда «Камолот»** (ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшлар

Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу-тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

**Шавкат Мирзиёев**

*иттифоқи) уйларини қуриши ва имтиёзли кредит асосида фаол ёшларга тақдим этиши вазифаси белгиланди.* Бундай уйлар лойиҳа-смета хужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари эвазига қурилади. Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оиласларни янада кўллаб-қувватлаш мақсадида улар замонавий уй-жойлар билан таъминланадилар ва уларга узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилади.

Ўзбекистон Президентининг халқимиз ўртасида, айниқса ёшлар орасида китобхонлик анъанасини янада жонлантириш, китоб мутолаасига кенг эътибор қаратиш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари дикқатга сазовордир. Ана шу йўлда 2017 йилнинг сентябрь ойида **ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаши** мақсадида таълим муассасаларида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» танловларини ташкил этилди. Бу мақсадларда бюджетдан ташқари маблағлар ва хайрия маблағлари хисобидан 160 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган эди. Бундай тадбирлар воситасида ўқувчи-ёшлар турли ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилинади, уларнинг мафкуравий иммунитети мустаҳкамланади ҳамда жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришга ҳисса қўшилади.

2017 йил давомида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» анъанавий тадбири ва унинг доирасида «Китоб — миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзууда илмий-амалий конференция ва «Болалар китоблари» анъанавий республика фестивали ташкил этилди ва ўтказилади. Ҳар бир туман марказида китоб дўконлари очилади ва улар янги асарлар билан бойитилади. 40 га яқин номдаги ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналарини нашр этилди ва худудларда, хусусан, республика ахборот-ресурс марказларида уларнинг тақдимоти ўтказилади. Бундай эзгу ишларни амалга оширишдан **адабиёт орқали ҳалқ маънавиятини юксалтириши, оиласи китоб ўқиши анъаналарини кенг тарзиб қилиши, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги мулокотни кучайтириши, ёшларни интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишида китобнинг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятига бўлган эътиборни кучайтириши** мақсад қилиб олинган.

**Ўсиб келаётган авлоднинг китоб ва бошқа босма маҳсулотларга қизиқишини ўстириши** мақсадида Ўзбекистон халқининг маданий-маърифий мероси, тарихи бўйича адабиётлар чиқарувчи нашриёт уйлари, босмахоналар, асар муаллифларига солиқ ва бошқа преференциялар тақдим эттилади, иқтисодий рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Ёшларни она Ватанимизга садоқат рухида тарбиялаш, уларда санъатга бўлган қизиқишини кучайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритиш мақсадида бутун йил давомида Ўзбекистон Бадиий академияси ва бир қатор вазирликлар ташкилотчилигига юртимизнинг чекка худудларида Бадиий академия тизими ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигига ҳалқ рассомлари, ҳалқ устайлари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун «Бунёдкор ҳалқим билан мулокот — ижодим илҳоми» мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувлар ташкил этилди.

**Ёш авлодни тарбиялаши, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришига қаратилган тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириши** мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

«Биз - Ватанга таянчмиз», «Бизнинг энг катта таянчмиз ва суюнчмиз, ҳал қилувчи кучимиз - ёшлар» деган шиорлар остида акциялар ташкил этиш;

«Адабиёт ва санъат — шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили» мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувлар ташкил этиш;

бадиий адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш, ахборот-ресурс марказларини янги китоблар билан бойитиш;

«Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги» мавзусида ахборот ва методик материаллар тайёрлаш;

Ватанимиз равнақини таъминлашда ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган «Энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир» мавзууда давра сухбатлари ташкил этиш;

ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиш;

«Фуқаролик жамиятида шахс тарбияси ва унда оила институтининг ўрни» мавзууда анжуман ўтказиш.

2017 йил учун белгиланган вазифалар қаторида Вазирлар Маҳкамасининг кириш синовларида чин етим, етим ва ногиронларга имтиёзлар яратиш, педагогларнинг илмий, услугий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари самарадорлиги оширишни кўзда тутувчи қарорини қабул қилиш ҳам бор. Мазкур қарорни қабул қилиш асосида тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар, ота-она қаровисиз қолган болалар ҳамда 1-гуруҳ кўзи ожиз ногиронларга таълим олишда кенг имкониятлар яратилади. Уларга олий таълим муассасаларига қабул қилишда алоҳида давлат гранти ажратган ҳолда имтиёзлар белгиланди, ҳудудлар кесимида айрим йўналишлар бўйича мақсадли қабул квоталари тасдиқланди, педагогларнинг илмий, услугий, маънавий-маърифий ва ташкилий-услубий ишлари бўйича фаолиятини соатлар миқдорисиз иш турлари ва мазмуни асосида лавозимларга қўйилган малака талабларига мувофиқ белгиланди.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида **маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириши** лозим. Бунинг учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Халқимизда “Яхши дам – меҳнатга ҳамдам” деган мақол бор. Ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиши вазифалари давлат сиёсати даражасидаги вазифалардан бири экан, ёшларнинг, айниқса, талаба-ёшларнинг яхши ҳордик чиқаришлари ва мазмунли дам олишларини таъминлаш мақсадида кўп ва жиддий ишлар амалга оширилиши лозим. Ана шундай шилардан бири – бу Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида маданий дам олиш марказини ташкил этиш ва ундан бепул фойдаланишни йўлга қўйиш ишидир. Бу ишлар инвестиция дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади.

2017 йил юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб зълон қилинди. Бу борада ёшлар билан ҳам бевосита мулоқотни йўлга қўйиш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотлари изчил фаолият олиб боришлари керак. Республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри узатиладиган очиқ мулоқотлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Мулоқотлар ёшлар масалалари билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда ёшлар масалаларига оид саволларга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан тўлиқ жавоб берилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, уюшмаган ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратилиши керак. Бу мақсадда маҳаллаларда замонавий спорт майдончаларини барпо этиш, уюшмаган ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этиш (street sport) лозим. Агар жамият аъзоларининг барча қатламлари, айниқса ёшлар спорт билан мунтазам шуғуллансалар, бу айни “соғлом авлод” тўғрисидаги мақсадларимиз ва интилишларимизнинг ҳаётий ифодаси демакдир.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлиарини оширишга йўналтирилган уч босқичли спорт мусобақалари (“Умид ниҳоллари” – “Баркамол авлод” – “Универсиада”) йўлга қўйилган. Мана шундай тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида 2017 йилнинг май ойида «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ўтказилди. Шу муносабат билан спорт мусобақалари финал босқичи ўтказиладиган таълим муассасалари таъмирланди ва жиҳозланди. Бунинг

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

**Шавкат Мирзиёев**

натижасида ўқувчи-ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлишлари учун тегишли шароитлар яратилди.

Олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган чин етим, Мехрибонлик уйида тарбияланган ва ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган, кам таъминланган оиласардаги иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида «Таълим гранти», «Касаба уюшмалари стипендияси» лойиҳалари асосида стипендиялар тўлаш бутун йил давомида амалга оширилиб борилади. Ушбу ишларни ташкил этиш натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, иқтидорли талабаларга олий таълим муассасасида таълимни давом эттириш учун имконият яратилади ҳамда уларнинг харакати, билими ва интилиши моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Халқимиз бой тарихга ва миллий анъаналарга эга. Миллий анъаналаримиз ва урфодатларимиз орасида ўзимизга хос ва ўзимизга мос бўлган қатор миллий ўйинларимиз мавжуд. Ана шундай ўйинларимизни замонавий ахборот технологияларига чиройли тарзда жойлаштиrsак ва бундан ёшларимиз бўш вақтларидан унумли фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятларини ва қобилиятларини бойитиш мақсадида фойдалансалар, нур устига аъло нур бўлади. Ана шу максадда мобиль интернет фойдаланувчиларига мўлжалланган, ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишга хизмат қиласиган миллий ўйинларни ташкил этиш лозим. Бунинг натижасида ёшларнинг бўш вақтини фойдали ўтказишга қаратилган Ўзбекистон Республикасидаги мобиль интернет фойдаланувчилари учун мўлжалланган миллний ўйинлар яратилади.

Ёшлар ўртасида маданият ва санъат асарларига бўлган қизиқиши ошириш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган хунармандлик анъаналарини тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва касб-хунарга қизиқишини оширишга мақсадида «Халқ амалий санъати — ёшлар қалбида» халқаро амалий санъат кўргазмасини ўтказиш белгиланган. Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни рағбатлантириш, ижодий салоҳиятини юксалтириш ва катта сахналарга олиб чиқиш, ёшлар эътиборини мусиқа ва санъатга қаратиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ёш иқтидорли ижодкорларни излаб топиш ва уларнинг ижодини рағбатлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилувчи «Баҳор нафаси» халқаро санъат фестивалини, «Мусиқага чорлайди ёшлар!» маданият ҳафталигини, «Сени куйлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг IV Республика кўрик-фестивалини, «Онам айтган аллалар» фестивалини, «Ёшлик баҳори» республика ёш опера ижроилари фестивалини, «Созлар навоси» халқ чолғулари ижроилари республика танловини ва ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилган «Шошмақом», «Аския», «Палов» ва бошқа номоддий маданий мерослар бўйича «Ўзбек маданий мероси — жаҳон нигоҳида!» номли фестивални ўтказиш 2017 йилнинг энг муҳим ва йирик маданий тадбирларидан деб ҳисобланишга лойиқ тадбирлардир.

Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга тиббий кўрикдан доимий ўтишнинг ижобий томонларини тушунтириш мақсадида таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда тиббиёт пунктларида «Саломатлик кунлари»ни ташкил этиш белгиланган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли, айнисқа, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи шакллантирилишига, уларнинг тиббий маданияти юксалтирилишига ҳисса қўшади, ёш авлодни баркамол ва соғлом қилиб вояга етказишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

Ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини хузурида «Ота-оналар университети» фаолиятида фойдаланиш учун услугий кўлланмалар ва кўргазмали материаллар ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғини ходимлари ва фаоллари учун «Ёш авлод тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш» мавзууда республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш чоралари белгиланди. Ушбу чора-тадбирлар баркамол авлодни ҳуқуқий маънавий-ахлоқий тарбиялашда ота-оналарнинг саводхонлигини ошириш, намунали, ибратли оиласар тажрибасини оммалаштиришни, мавжуд ибратли анъаналар ва қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

Ёшларимиз ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, ахлоқий ва медиа-маданиятни оширишга қаратилган учрашувлар, давра сұхбатлари, тренинглар, викториналар, тушунтириш тадбирларини ўтказиш, маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга бағищланган учрашувлар ўтказиш мұхым аҳамият касб этади ва бу борада ҳам тегишли вазифалар белгиланди.

Нотинч оиласалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмали қўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшилтиришлар ташкил қилиш ёшларнинг «оммавий маданият» таъсирига қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига, соғлом оила қуришга интилишларини рағбатлантиришни кўзда тутади.

### 11.3. Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш – давр талаби

*Халқаро шартнома тушунчаси, халқаро шартномаларнинг турлари ва уларни тузии тартиби.* Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев энг нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг йиллик кузги саммитида Ўзбекистон, минтақа ва бутун жаҳон аҳамиятига молик масалалар ва муаммолар ҳамда уларнинг ечими тўғрисида нутқ сўзлади. Ўзбекистон Президенти жаҳон жамоатчилигини дунё миқёсидаги ўта мұхим масалалардан бири – ёшларнинг келгуси тақдирни хусусида сўзлар экан, БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш зарурияти мавжудлиги ҳақида ҳам тўхталди. Ана шу ўринда “конвенция”нинг қандай халқаро ҳужжат эканлиги борасида ўринли савол юзага келади. “Конвенция” сўзи лотин тилидаги *convention* сўзидан олинган бўлиб, “шартнома”, “битим” маъносини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, халқаро хуқукнинг алоҳида бир соҳаси айнан халқаро шартномалар масалалари билан шуғулланади. Бу халқаро шартномалар хуқуқидир. Халқаро шартномалар хуқуки тўғрисида конвенция (1969), Давлатларнинг шартномаларга нисбатан хуқукий ворислиги тўғрисида конвенция (1978), Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар хуқуки тўғрисида конвенция (1986) халқаро шартномалар хуқуқининг асосий манбаридандир. Юқоридаги ҳужжатларнинг барчasi Австрияning пойтахти Вена шахрида қабул қилинган. Шунга кўра, уларнинг номидан сўнг “Вена конвенцияси” сўзлари қўшиб айтилиши анъанага кириб қолган. Фараз қилинг, Ўзбекистон Президентининг таклифи асосида БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинишига ва унинг Тошкент шахрида имзоланишига қарор қилинадиган бўлса, бу ҳужжат БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги Тошкент конвенцияси деб аталган бўлур эди. Юқорида тилга олинган Вена конвенцияларида халқаро шартнома тушунчасига кўйидагича таъриф берилган:

*Халқаро шартнома* – халқаро хуқукнинг икки бир қанча субъектлари ўртасида уларнинг сиёсий, иқтисодий, фан-техника, маданият ва бошқа соҳалардаги ўзаро хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш учун тузилган, аниқ ифодаланган ёзма шаклдаги битимдир. Давлатлар ва халқаро хуқуқ бошқа субъектларининг ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш воситаси – бу халқаро шартномадир.

Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро хуқукий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши таклиф этади.

**Шавкат Мирзиёев**

1995 йил 22 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва денонсация қилиш тартибини белгилайди.

Қонуннинг 3-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишиувидир”, деб белгилаб қўйилган. Халқаро шартномалар шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай қўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши мумкин. Халқаро шартноманинг номи ва халқаро шартноманинг номланиши айнан бир нарса эмас. Халқаро шартноманинг номи шартнома қайси соҳада қабул қилинганлигини ва қандай муносабатларни тартибга солишини англатади (масалан, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция), халқаро шартноманинг номланиши эса унинг типини (шартнома, битим, конвенция, протокол, пакт, устав, декларация ва бошқалар) билдиради. Халқаро шартнома қандай номланмасин, бу унинг юридик табиатига таъсир этмайди.

Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва қўп томонлама шартномалар бўлади. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Муддатига қараб шартномалар муддатли ва муддатсиз бўлади.

Халқаро шартноманинг тили аҳдлашаётган томоннинг (томонларнинг) тили ҳисобланади. Халқаро шартнома субъектларининг келишиувига мувофиқ бошқа тил шартнома тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартнома матни қайси тилда тузилган бўлса, у ушбу шартнома матнида кўрсатилади, унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади. Халқаро шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади.

Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти халқаро шартноманинг обьекти бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қуийдагича тузилади:

1. Ўзбекистон Республикаси номидан **давлатлараро шартномалар** тузилади. Бундай шартномаларни тузиш тўғрисидаги таклифлар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан (Адлия вазирлиги, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиб) Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилади. Таклиф Ўзбекистон Президенти томонидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг хуласалари мавжуд бўлган тақдирда кўриб чиқилади. Сўнгра музокаралар олиб бориш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор қабул қиласи. Давлатлараро шартномаларни Ўзбекистон Президенти имзолайди, бунда у халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра ваколатларсиз иш кўради.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан **хукуматлараро шартномалар** тузилади. Ўзбекистон Ҳукумати тасарруфидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартномаларни тузиш тўғрисидаги таклифлар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан (Адлия вазирлиги, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиб) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритилади. Таклиф Ўзбекистон Ҳукумати томонидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг



хуносалари мавжуд бўлган тақдирда кўриб чиқилади. Сўнгра музокаралар олиб бориш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси номидан (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги масалалар бўйича), шунингдек Ҳукумат номидан тузиладиган шартномаларни имзолаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарор қабул қиласди. Бундай шартномаларни Ўзбекистон Ҳукумати имзолайди.

3. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари номидан *идоралараро шартномалар* тузилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда музокаралар олиб бориш ва идоралараро шартномаларни имзолаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда шартномани имзолаш ёзма шаклда берилган ваколатлар асосида амалга оширилади. Вазир ёки идора раҳбари ўз ваколати доирасида маҳсус ваколатларсиз музокаралар олиб бориш ва идоралараро шартномаларни имзолашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари, давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар, куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан худудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифокларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар, ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади. *Ратификация ёрлиги* — Олий Мажлис халқаро шартномани кўриб чиққанлигидан гувоҳлик берувчи ва халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун мажбурийлигига рози эканлигини ифодаловчи маҳсус хужжат. Ратификация ёрлигининг шакли Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Ратификация ёрлиғи Олий Мажлиснинг халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади, унинг муҳри ва Ташқи ишлар вазирининг имзоси билан тасдиқланади. Ратификация ёрликларини алмашиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларни ратификация қилганлиги тўғрисидаги ёрликларни саклаш учун депозитарийларга топшириш Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот хузуридаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг *халқаро шартномаларини эълон қилиши тартиби* Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, уларнинг аутентик матнлари чет тилларда тузилган бўлса, давлат тилида эълон қилинади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бошқа тилларда хам эълон қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбадир. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли органларида рўйхатдан ўтказиш Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва у қабул қилган мажбуриятларга риоя этилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулият юқлатиладиган вазирликлар, идоралар ва мансабдор шахсларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини Ташқи ишлар вазирлиги кузатиб боради.

*Кўп томонлама халқаро шартномалар депозитарийси* вазифаларини, агар мазкур шартномаларнинг шартларига мувофиқ бундай вазифа Ўзбекистон Республикасига юклатилган бўлса, Ташқи ишлар вазирлиги бажаради. Кўп томонлама халқаро шартномаларнинг депозитарийси вазифасини бажарувчи хорижий давлат органлари, халқаро ташкилотлар ёки уларнинг бош ижрочи мансабдор шахслари билан ёзишмалар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг мажбуриятларини унинг бошқа иштирокчилари бузган тақдирда Ташқи ишлар вазирлиги ёки бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ зарур чораларни кўриш тўғрисида таклифлар тақдим этадилар.

Мазкур хужжатни [БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини] имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак.

**Шавкат Мирзиёев**

10 ноябрь – бутун дунёда халқаро ёшлар куни сифатида кенг нишонланадиган кун. Бироқ бу кунни байрам сифатида нишонлайдиган дунё ёшлари ўз ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ ифодасини топган халқаро хужжатга эга эмас. Мамлакатимиз ахолисининг 65 фоиздан ортиқ қисмини ёшлар ташкил этади. Биз ёшлар деганда, 14 ёшдан 30 ёшгacha бўлган шахсларни тушунамиз. Навқирон ва баркамол ёшлар – юртимиз келажаги, эртанги кунимиз, буюк истиқболимиздир. Шундай экан, бугунги ёшларнинг интилишлари, ўй-хаёллари, орzungиятларига қараб келажак тўғрисида, эртанги кун тўғрисида башорат қилиш мумкин. Агар ёшларимиз юрт равнақи, Ватан истиқболи, буюк келажакни ўйлаб меҳнат қилсалар, шунга интилсалар, демак, юрт янада осойишта, мамлакатимиз янада фаровон бўлади. Бунда барчанинг бирдек ҳаракат қилиши, “бир ёқадан бош чиқариб” олға қадам босиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Бугунги Ўзбекистон ёшлари ана шундай эзгу мақсадларни қалбига жо қилиб, аниқ мақсадлар сари дадил одимлаб бораётган ёшлардир. Улар бир аниқ мақсад атрофида бирлашганлар. У ҳам бўлса, Ўзбекистон келажаги, юрт осойишталиги, Ватан истиқболидир. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, кейинги йилларда бაъзи мамлакатларда рўй берадиган воқеалар, турли хунрезликлар, жирканч ва қабих ишларда ёшларнинг ҳам иштирок этаётгани кишини чуқур ташвишга солади. Бу ўринда гап, аввало, ёшлар ўртасида турли ёт ғояларнинг, ахлоқсизликнинг, салбий маънодаги “оммавий маданият”нинг тарқалаётганлиги тўғрисида бормоқда. Ёт ғоялар деганда, биз миллат қадр-қиммати ва ғурурини, халқ шаъни ва обрўсини оёқ-ости қиладиган, қарор топган тарихий қадриятлар илдизига болта урадиган, ёши улуг инсонларга нисбатан хурматсизликни тарғиб қиладиган бегона, мутлақо ёт ғояларни тушунамиз. Бундай ғоялар, ўз номи билан бизга мутлақо бегонадир. Биз бундай бегона, ёт ғояларга, бузғунчи қарашларга нисбатан ўзимизда мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилишимиз керак. Бундай ёт ғояларга нисбатан дадил курашишимиз, уларнинг жамиятда қарор топиши ва тарқалишига қарши кескин қарши турмоғимиз лозим. Ана шундагина ёшларимизни ёт ғояларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилган бўламиз. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадларимизга эришамиз. Баркамол ва соғлом авлодни камол топтиришдек буюк режаларимизни рўёбга чиқара оламиз. Бундай улуғвор мақсадларга эришиш ҳар биримиздан жасорат, дадил ва қатъий ҳаракатни талаб этади. Ёт ғояларга қарши дадил турса олсак, фақат ана шундагина биз ўзимиз кўзлаган эзгу ва буюк мақсадларимизга етамиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ибораси билан айтганда, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб кмолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик гояси “вируси” тарқалишининг олдини олишидир”.

Бугун дунё ёшларининг тақдири ва келажаги тўғрисида қайғурадиган вақт келди. Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилот ёрдамида бутун уннё мамлакалатларининг яқдил бўлиб, жаҳон ёшларининг ҳуқуқларини белгилаб берувчи халқаро конвенцияни тузишни таклиф этди. “Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириши ва амалга оширишига қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади”.

Ёшлар масаласи Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг ўта муҳим соҳаларидан бири сифатида алоҳида диққат марказида бўлди. Чунки ёшлар Ўзбекистон аҳолиси таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Шунинг учун бу борада Ўзбекистонда муҳим ишлар амалга оширилмоқда, хусусан давлатнинг ёшлар сиёсатига доир маҳсус қонуни қабул қилинган. Бугун дунё миқёсида ҳам ёшлар сайёрамиз аҳолиси таркибининг йирик қатламини ташкил этмоқда. Дунё аҳолисининг маънавий-ахлоқий қиёфасини соғ сақлаб қолиш тўғрисида сўзлар эканмиз, биринчи навбатда, унинг муҳим таркиби саналмиш айнан мана шу ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини йирик халқаро ташкилот ваколатлари доирасида тартибга солиши эҳтиёжи пайдо бўлганлигини англаймиз. Бу эса ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияни қабул қилиш заруриятини юзага келтиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Конвенция деб қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатга айтилади?
2. Аҳолининг қайси тоифаси ёшлар деб аталади?
3. Ўзбекистон Президентининг ёшлар ҳуқуқлари борасида халқаро майдонда алоҳида конвенция қабул қилиш лозимлиги тўғрисида таклифи қандай аҳамиятга эга?
4. Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни қабул қилиш қандай халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга?
5. Халқаро ҳужжат, масалан, конвенция унинг иштирокчиси бўлмаган давлатга бирон-бир мажбурият юклиши мумкинми? Давлатлар халқаро шартномалар иштирокчиси бўлишлари шартми?
6. “Болалар” ва “ёшлар” тушунчалари ўртасида қандай боғлиқлик ва фарқли жиҳатлар мавжуд?
7. Ёшларга доир ҳуқуклар орасида болалар ҳуқуқлари ҳам мавжудми?
8. Бугунги кунда дунё миқёсида ёшлар ўртасида кенг тарқалиб бораётган ёт ғоялар тўғрисида нималарни биласиз? Ёт ғояларга қарши курашишнинг қандай механизмларини самарали деб хисоблайсиз?
9. Нима учун доимо “Ёшлар масаласи – келажак масаласи” дейилади?
10. Ёшлар сиёсати борасида Ўзбекистонда қандай ишлар қилинмоқда? Нима учун ёшлар сиёсати Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган?

## 12-БОБ. МАЪРИФАТ ВА ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИК – ТАЪЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ, САВОДСИЗЛИК ВА ЖАҲОЛАТГА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ АСОСИДИР

### **12.1. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш борасида оширилаётган мухим тадбирлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида эътиборимизни энг кўп торган жиҳат айнан нутқ охирида келган мавзу бўлди. Буни қарангки, ўзларининг БМТ доирасидаги илк чиқишиларида, бутун дунё етакчилари қаршисида мавзуларнинг энг «қаймоғига» нутқларининг энг мухим нуктасида ургу бердилар – Ислом дини! Президентимиз дадил оҳанга “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг мухим вазифа деб хисоблаймиз”, деб хитоб қилдилар.

Муҳтарам юртбошимиз Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатида ўзларининг ва ўзбек халқининг кемаси айнан қандай ўзанда, қайси йўналиш томон сузаётганини аниқтини очиб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу нутқи Ўзбекистон тарихида чин маънода бетакрор ҳодиса бўлди.

Тошкент шаҳрида жорий йил 15 июнь куни бўлиб ўтган анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги маъруzasи юртимизда диний бағриенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, фарзандларимизни турли ёт ғоя ва таъсирлардан асрашга қаратилгани билан қалбимизда чуқур жой олди.

2017 йил 3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги нутқида инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзунтилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишини ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган ижод ахлиниң меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли экани таъкидланди.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча мухим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, худудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндадарига бағишилаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилаётгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас хоғиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Бу ишларнинг мантикий давоми сифатида ёш шоир ва адиллар, актёр, рассом ва кўшиқчилар, журналистларнинг истеъодидини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол. 2010 йилдан бўён Ёзувчилар уюшмасининг “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” сериясида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда,

Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағриенглик” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман.

*Шавкат Мирзиёев*

жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда.

Ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа – Ўзбекистондаги Ислом цивилизациси марказини ташкил этиш бўйича катта ишлар бошланди.

Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиқкан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро муроқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик мөҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий- тадқиқот маркази барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, яқинда “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилиниб, Вазирлар Махкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаги 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқида бугунги кунда халқаро миқёсда конфесиялар, миллатлар ва маданиятлараро муроқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши эллатиб ўтилди. Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўйласлиги, шунинг учун илм-фан ва техникини янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозимлиги, Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашишни фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишини таклиф этишга этибор қаратилди.

2017 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори имзоланди. Бунда Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асрлаб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, 2017 йил 11 сентябрь куни Шавкат Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммити «Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш» мавзусида ўтди.

Таъкидлаш керакки, Ислом олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фаҳрланишга тўла ҳақлидир. Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган. Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини хурмат билан тилга оламиз.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

## 12.2. Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик

Динлараро бағрикенглик гояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида диний бағрикенглик муаммоси жаҳон ҳамжамияти давлатлари учун ғоят долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 1995 йил 16 ноябрда БМТнинг фан, таълим ва маданият бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО томонидан Бағрикенглик принциплари декларациясининг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Ушбу декларацияда эътиқод ва виждон эркинлигига ҳам эътибор қаратилган. Унинг 1-моддасида, бағрикенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллиги, инсон индивидуаллигининг намоён бўлиш шакллари ва усусларини хурмат қилиш, уни қабул қилиш ва тўғри тушуниш ҳамда виждон ва эътиқод эркинлиги сифатида изоҳланган. Бош қомусимизда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари миллати, тили, эътиқоди, ижтимоий холатидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳалқини ташкил қилиши ва уларнинг ҳуқук ва манфаатлари, шунингдек эътиқод эркинлиги мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”. Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқбол йилларида эришган энг катта бойлигимиз - ҳалқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимиздаги ўзаро хурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамоили тобора мустаҳкамланиб бораётгани юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек ахил яшайди. Ана шундай кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли ҳалқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда. Шунингдек, уларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёкати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айни пайтда турли миллат ва элатларнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларимизда етти тилда - ўзбек, корақалпок, рус, қирғиз, туркман, қозоқ ва тожик тилларида билим берилаётгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг ўнта тилида фаолият олиб бораётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Республикадаги православ эътиқодига амал қилувчилар учун “Слово жизни” газетаси, “Восток свыше” журнали, шунингдек, ибодат маърузалари ва бошқа маърифий нашрлар чоп этиляпти. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва

журналлар чоп этилиб, телекүрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани бу борадаги фаолиятнинг яққол далилидир. Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди ва қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуаси, вилоят марказларидаги жомъе масжидлар, Тошкентдаги Рус православ черковлари, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови, Коракалпоғистон Республикасидаги Султан Вайс бобо ва Мухаммад Норимжоний зиёратгоҳлари, Пантейлемон черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юртимизда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бердақ, Ажинияз ҳайкаллари қаторида Ганжавий, Руставели, Пушкин, Шевченконинг ҳайкаллари ҳам кўча ва майдонларимизга файз баҳш этиб турибди. Буларнинг барчаси динлараро бағрикентлик ва миллатлараро тотувликнинг кўринишидир.

Ўзбекистонда диний бағрикентлик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам хуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб белгиланган. Ушбу моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, Виждан эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий хуқуқидир. Шунингдек, Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги хуқуқига эга, бу хуқук ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расм-руссум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб белгиланган. БМТ томонидан динлараро бағрикентлик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1-7 февраль кунларини бутун жаҳонда “Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон хафталиги” деб эълон қилган эди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов мустақилликка эришилгандан сўнг орадан кўп ўтмай шундай деган эди: “**Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусаффолик, дилимизга, иншооллоҳ, поклик кириб келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонимиз файзига, одамлар хислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда. Биз келгусида дин олдидағи тўсикларни олиб ташлаймиз.**

**Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат дейдилар. Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойdevорига қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртдошларнинг юртдошларга яхшилиги! Миллатдошларнинг миллатдошларга яхшилиги!** Бу Ўзбекистоннинг шиоригина эмас, даъватига, чақириғига, хислатига айлансан. Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг қуёшига айлансан. Менинг орзум ҳам, истагим ҳам, тутар йўлим, асосий қайғу-ташвишим, қувончу севинчимнинг боиси ҳам шу”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида кўтарилиган долзарб масалалардан бири - бу ҳозирги кунда бутун дунёга чанг солиб турган терроризм балоси бўлди. Бу иллатга қарши курашда фақат ҳар бир куч ишлатиш билан иш битмаслиги бу борада аввало ёшларнинг тафаккурини маърифат яъни чукур диний ва дунёвий илм бериш асосида шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Айникса, эътиборимизни тортган жиҳатлардан яна бири бу Юртбошимизнинг «**муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз**» деб юртимиз позициясини қатъий белгилаб берилган. Бу ғаразли мақсадда юрган, Ислом динини ёмонотлиқ қилишга бел боғлаган, омманинг тафаккурида муқаддас динимиз элементларини зўравонлик ва жаҳолатга йўйиб талқин қилувчи кимсалар учун жиддий чақириқ бўлиб

хизмат қиласы. Чунки давлатимиз таъкидлаганларидек, «Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади!»

Мұхтарам Юртбошимиз буюк аллома, мұхадислар султони, ислом оламининг энг ёркин намоёндаларидан бири Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” китоби Қуръондан кейин дунёда иккинчи ўринда турадиган манба деб тан олинганини эслатганларида ўзгача фахрланиб кетдик.

Мисол учун, БМТ минбарида эслаб ўтилган Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази, мана шу уринишлар Ислом дини моҳиятини халққа етказиш учун келажакда қилинадиган салмоқли ишлар учун дебоча бўлиб хизмат қиласы.

Юртбошимиз анжумандада иштирок этаётган барча аъзо давлатларга «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли резолюция қабул қилиш таклифини билдириди. Шавкат Миромонович бу резолюция орқали бир неча мақсадларни кўзлаганликларини таъкидлаб ўтдилар:

- саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш;
- диний эркинлик;
- диндорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- уларнинг камситилишига йўл қўймаслик чоралари.

Бу таклиф, ўз навбатида, жаҳолатга қарши курашда диний таълимнинг аҳамияти нақадар улуғвор экани, диндорларнинг ҳақ-ҳуқукларини ҳимоя қилиш юрт равнаки учун муҳим омиллиги ва бу жабҳада Юртбошимиз ўзлари етакчи бўлишга тайёр эканликларини яна бир бор исботлаб берди.

Яъни, халқнинг эркин диний таълимга бўлган ҳуқуқини жонлантиришга ва мамлакат бошидан жаҳолат ва саводсизлик булуғларини бартараф этишга тайёрман, деб турган одам бу – Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевдир.

Шунингдек, бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очик мулокотга тайёрdir. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз, деди президентимиз.

Бизнинг халқимиз азалдан бағрикенг ва меҳмондўст бўлиб келган. Кексаларимиз дуога қўл очганда: “Парвардигоро, бизга кенг феъл, кетмас давлат бергин”, деган иборани доимо тақрорлашади. Улуғларимиз дуосидаги “кенгфеъллик” сўзи айни бағрикенглик маъносини билдиради. Қадимдан Ўзбекистон заминида яшаган миллатлар бир-бирига елкадош бўлиб, оғирини енгил қилишган. Шунинг учун ҳурсандчилиқда ҳам, тўйу маъракада ҳам кўп миллатли халқимиз бир-бирлари билан ҳамкору ҳамжихат бўлиб яшашган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бағрикенгликни таъминлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Эътиқод эркинлиги ва миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувликни таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар туфайли диёrimизда 16 та диний конфессия, 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда.

Турли дин вакилларига диний маросимларини ўтказишлари ва мамлакат хаётида фаол иштироклари учун барча шарт-шароитлар мұхайё этилган. Бу борада мамлакатимиз ўзига хос бой тажриба ортирганини таъкидлаш керак. Буни бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Бугун мамлакатимиз ривожланишининг равон йўлига чиқиб аниқ ва равшан йўлидан шаҳдам одимлаб бормоқда. Лекин, мана шу ривожланишини кўра олмайдиган, тараққиётимизга ғов бўлишга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Чунки улар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ эълон қилинган эътиқод эркинлигини тушуниб етмайди. Хозирги кунда маънавий таҳдидлар қаторида асосан динни ниқоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқ ости қилишга уринаётган мутаассиблик, экстремистик, миссионерлик

ҳаракатларининг фаолияти жиддий ташвиш уйғотади. Зеро, дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этаётган, жамиятга ҳар томонлама зарап етказаётган бундай ҳаракатлар ижтимоий барқарорликнинг издан чиқишига, миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айрмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратади. Бу жараённинг хатарли томони шундаки, асосан ўз мустақил фикрига ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, шунингдек, маънавияти, иродаси бўш, билими саёз баъзи ёшлиар билиб билмасдан манфур кучлар қармоғига илинмоқда.

“Экстремист” сўзи «қақл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш» маъноларини билдиради. Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Ҳозирги даврда, энг аввало ахборот чегараларининг барҳам топишида ўзлигини намоён қилаётган глобаллашув шароитида ва бир пайтлар халқаро муносабатлар мазмунини белгилаган икки қарама-қарши куч — социализм ва капитализм ўртасидаги ўзаро курашнинг барҳам топиши натижасида экстремизм ва ундан ўсиб чиқсан терроризм мамлакатлар, минтақалар ва умуман дунё хавфсизлигига асосий таҳдид сифатида майдонга чиқди.

Бугун экстремизм анархизм ва фашизмнинг архаик шакллари билан қоришимаси ҳисобланган ва ислом ғояларидан усталик билан фойдаланадиган, аслида эса ислом билан хеч қандай алоқаси бўлмаган терроризм таҳдиди кучаймоқда.

Экстремистик тузилмаларнинг асосий мақсади аслида жамиятни қўркув ва вахимада тутиб туриш, шу йул билан омма онгода ноиложлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида барқарорликка эришишни ва жамият тараққиётини жиддий қийинлаштиради.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшма ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, яхудийлик, ислом динлари таълимотидан фойдаланмоқдалар.

Терроризм — жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида вахима ва қўркув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин руҳдаги ташкилотлар томонидан бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланади.

Шуни ҳам тан олиш керак, оммавий ахборот воситаларининг ривожи ва ахборот омили таъсирининг кучайиши бугунги кунда экстремизм ва терроризмнинг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган даражада кўзга ташланадиган ижтимоий ҳодисага айланишига олиб келди.

Экстремизм ва терроризм оммавий ахборот воситаларидан фойдаланмас экан, кўзланган “самара”га эриша олмайди. Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичлариdir. Шундай экан, терроризм глобал миқёсга чиқсан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мутаносиб стратегиясини ишлаб чиқиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистан Республикасининг ўз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, ҳалигача терроризм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби қатор таҳдидлар мавжуд бўлган Марказий Осиёдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб, ишлаб чиқсан ички ва ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга моликдир.

Мутахассислар экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичida мафкуравий бўшлиқнинг таъсири ва қадриятлар мўлжалларидағи бекарорликда намоён бўлган номутаносибликни алоҳида ажратиб кўрсатмоқда. Мафкуравий бўшлиқ кўпинча кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий мухитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига буйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиласидиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон экстремизмга қарши курашда, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия, хусусан, мамлакат ёшларида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Бундай ёндашувда умуминсоний ва миллий қадриятларга, миллий ўзликни тиклаш ва мустақилликни мазмунан

бойитишга асосланган миллий ғоя, маънавият ва маърифат, тўғри шакллантирилган онг экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим тизими сифатида юзага чиқади.

Мана шундай шароитда дин ниқоби остидаги айрим ғаразли кучлар Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқаришга, мавжуд конституциявий тузумни ағдариш орқали ислом давлатини қуриш ғояларини илгари сурмоқда. Диний-экстремистик кучлар жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятларни инкор этиб, уларга зид бўлган “ғоя” ва амалларни агрессив тарзда тарғиб қилишга интилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500 дан ортиқ террорчилик ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом дини ниқоби остида фаолият юритмоқда. Юртбошимизнинг доно сиёсати, вазиятни оқилона баҳолаши туфайли бўлиши мумкин бўлган хунрезликларнинг олди олинди. Бу борада муҳтарам Биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин, биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимят учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунбузарликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки, бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”; деб таъкидланган эди.

Шу ўринда муқаддас ислом динини ўзларига ниқоб, қилиб ўзларининг оқибати фожиали якун топадиган ғояларини ёшлар онгига, нафақат ёшлар, балки ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга ҳаракат қилаётган кучлар борлиги ҳаммага аён. Бундай кучларни умумий сўз билан “Диний экстремизм” деб аташ мумкин. Бу ёвуз кучнинг, асосан, юртимиз келажаги қўлида бўлган ёшларни ўз домига тортишга қаратилган ҳаракатлари ҳар бир кишини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этади.

Аввало, кундан-кунга кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшшимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг устувор йуналишларидан бири — миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишидир. БМТ Бош Ассамблеясининг “Мингийиллик саммити” (2000 йил сентябрь)да Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқаро терроризм ва наркобизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жаҳон хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, БМТ фаолияти ва таркиби тузилишини ислоҳ қилишга оид таклифлар билан чиқди. Наркобизнесга ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда БМТга аъзо барча давлатлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ғояларини илгари сурди. Бугунги кунда БМТнинг хавфсизлик ва терроризмга қарши курашиш бўйича маҳсус бўлинмалари фаолияти терроризмга қарши қаратилган асосий халқаро уюшмалар қаторида етакчи ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар кимнинг билим олиши, бепул умумий таълим олиш ҳукуки ҳар томонлама таъминлангани, ҳар бир бола учун кенг маънавий камол топиш майдонлари яратилганидан далолат беради. Тошкент шаҳридаги барча имом-хатиблар янги ўқув йилидан бошлаб шаҳардаги таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида бир ойда бир марта “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида диний-маърифий мавзуларда учрашувлар ўтказиши бошлишди. Ушбу учрашувдан кўзланган асосий мақсад - ўқувчи ёшларга ислом динининг ҳақиқий моҳиятини етказиши, дунёдаги ягона нажот – илму маърифатнинг инсониятга зарурлиги, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, “оммавий маданият” кўринишидаги миллий ўзлигимиз, турмуш ва хаёт тарзимизга мутлақо зид бўлган кийиниш ва хулқ-атвор кўринишларидан қайтариш, ёшларга қаратилган турли таҳдидлар, диний ақидапарастликка йўналтирилган таълимотлардан уларни огоҳ этишдир.

Жамият тараққиётининг ҳозирги даври бу жиҳатдан янада мураккаб бўлиб, ўзаро муносабат, шароитлари, имкониятлари, шакл ва воситалари, зарурият ва оқибатлари олдинги даврлардаги ҳолатдан тубдан фарқ қиласди.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотларнинг кўпчилиги XX асрнинг 60 – 70-йилларида АҚШ ва Ғарбий Европада пайдо бўлди, кейин бутун дунёга тарқала бошлади. Диний жамоа аъзоларининг турмуш тарзи қатъий белгилаб қўйилган тартиблар, ижтимоий ҳаётдан узоклашиш билан характерланади, ўз раҳбарларига сўзсиз бўйсунишлари талаб қилинади. “Севги оиласи” сектаси ҳеч бир чекланмаган муносабатлар воситасида “диний тозаланиш” йўли билан “худонинг ўғли” бўлиш мумкинлигини тушунтириб беради. Жанубий кореялик Сан Мун асос солган “Бирлашган черков” сектаси аскетик турмуш тарзини тарғиб қиласди. “Пайғамбар” Мун билан жинсий алоқа аёлларни “тозалар” эмиш. “Киришнани англаш халқаро жамияти” ноанъанавий дини фан ва таълимга оид барча қадриятларни инкор қиласди”.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотлар жамият ва оиладан ажралишни, дунёвий қадриятлардан воз кечиб, диний жамоанинг қатъий талаблари асосида дарвешона ҳаёт кечиришни тарғиб қиласди. Айрим диний жамоалар ўз аъзоларидан уйлари ва барча бойликларини жамоага ўтказишни талаб қиласди.

Ноанъанавий динларнинг аниқ диний тизими йўқ, таълимотида анъана ва урф-одатлар йўқ. Улар турли динларнинг тасаввур ва ғояларидан фойдаланади, тушунарсиз, сирли, экзотик таълимот сифатида тақдим қилишга уринади. Улар ўзларини мавхум худога эмас, асосан конкрет, жонли “худога” – мазкур дин асосчиларга сифинади. Янги динлар расмий қадрият ва идеалларга муҳолифатда бўлиш билан характерланади.

Агар мафкуравий тарбияга кучли эътибор берилмаса, ноанъанавий диний ҳаракатлар ёшлар (нафақат ёшлар) нинг бир қисми онгига ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ўтиш даврининг иқтисодий жараёнлари янгича ижтимоий муносабатлар талабларига мослашишни, замонавий қасбларни эгаллаб, ижодкорлик, тадбиркорлик билан меҳнат қилишни тақазо қиласди, табақалашув, ишсизлик ва бошқа салбий жараёнлар кечиши ҳам муқаррар. Бундай шароитда ноанъанавий динлар тарқалиши учун қулай муҳит шаклланади. Чунки, бу ҳаракатларнинг кўпчилиги йирик бизнес билан шуғулланади ва фаол миссионерлик фаолияти олиб боради. Дастлабки даврда ўз аъзоларига алоҳида эътибор, ёрдам бера олади. Масалан, “Бирлашган черков” сектасига қарашли ташкилот ва фирмаларнинг умумий маблағи 100 миллион доллардан кўп, унинг раҳбари Муннинг шахсий бойлиги 15 миллион долларни ташкил қиласди. “Худонинг ўғиллари” сектаси раҳбари Д.Бергнинг шахсий бойлиги (секта аъзолари ҳисобидан) ҳам миллионлаб доллар билан ўлчанади. “Киришнани англаш халқаро жамияти” ҳам жуда бой ташкилот бўлиб, кўп сонли ташкилотлардан, бой меценатлар ва хайрия жамиятларидан катта даромад олади.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар, катта ташвиқот ва моддий ёрдам бериш орқалигина эмас, маънавий қашшоқлик, майший бузуклик каби омиллар туфайли ҳам айрим гурухларни ўз таъсир доирасига олади. Янги диний ҳаракатларнинг асосчилари фақат уларгина мутлақ ҳақиқатни, барча инсоний муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўлинни, қайта туғилиш ва у дунёда ўлмаслик орқали абадий фароғатга эришишни билишларини даъво қиласди. Уларнинг таълимотлари мистика, сирлилик билан йўғрилган. Масалан, Япониядан тарқалган “АУМ СЕНРИКЁ” деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онгу-шууридан маҳрум қилиб, зомби яъни, манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум.

Яна бир мисол, «Ac-Савсан» ахборот агентлигининг Америкадаги The Huffington Post интернет-нашрига асосланиб хабар беришича, Тибетнинг диний раҳбари Далай Лама «Мусулмонлар террорчи бўлиши мумкин эмас», деб таъкидлаган.

Шунингдек, мазкур интернет-нашрнинг хабар беришича, Далай Лама зўравонлик ва куч ишлатишни оқлаш учун диндан фойдаланишнинг умуман динга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтган. Тибет ҳамда буддачилар раҳбари Далай Лама яқинда европарламентга ташриф буюрганида «Барча динлар тинчликка чақиради. Кимдир мусулмон-террорчи ёки

буддист-террорчи деб аталса, бу - мутлақо қарама-қарши сифатлардир», деган. Франциянинг Страсбург шаҳрида европарламентнинг ташкии ишлар қўмитасининг мажлисида Далай Лама бундай деди: «Буддист-террорчи ёки мусулмон-террорчи деган сўзлар хатодир. Зўравонлик, зулмга аралашган ҳар қандай одам ҳақиқий буддист ёки чинакам мусулмон ҳисобланмайди, чунки исломий ақидада ноҳақ қон тўкишга аралашган одам чинакам ислом уммати ҳисобланиши мумкин эмас, дейилган». Далай Лама бу гапларни Мъянмада буддист монах-националистлар ҳамкорлигига мусулмон Роҳиня халқининг таъқиб қилинаётгани ҳақидаги саволга берган жавобида айтган (Роҳиня – асосан Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиёда яшовчи миллат). Далай Лама аввал ҳам Мъянма раҳбарларини бу икки гурух ўртасидаги кескинликни юмшатишга чақириб, бундай деган эди: «Агар Будда тирик бўлганда, мамлакатдаги мусулмонларни ҳимоя қилган бўлар эди».

Ҳақиқатдан ҳам ноанъанавий динларда ёшларнинг хиссиётига таъсир этиш, ахлоқий, маънавий жиҳатдан ўзига тортишнинг турли услублари қўлланади. Жамоа бўлиб зикр тушиш, қўшиқ айтиш ва рақсга тушиш, жамоа бўлиб Худодан қутқаришни сўраб сифиниш, экстаз ҳолати кабилар кишининг онгу-шууридан маҳрум қиласди. Бунинг устига ноанъанавий диний ҳаракатлар ижтимоий, маърифий, даволаш-соғайтирувчи, спорт ташкилотлари қиёфасида фаолият юритади. Киришначилар ташкилотларида Худо абадий ёш, соғлом ўсмир йигит қиёфасида тасвирланади. Худо эркак, жами кришначилар-аёл сифатида тасаввур қилинади. Киришнага муҳаббат, унга тинимсиз интилиш эротик рух эга. Бу муҳаббат индивидуал ва жамоавий медитация орқали диний экстаз ҳолатида ўзининг олий даражасига эришар эмиш. Жамоавий медитация иштирокчилар учун сезилмаган ҳолда мусиқа ва рақс ҳаракатлари мантрларни жамоа бўлиб куйлаш орқали амалга оширилади. Киришначилар мантрга (“ақлнинг софланиши”) алоҳида аҳамият беради. Киришначи ҳар куни 1728 марта қуидаги мантрни тақрорлаши керак.

Масалан, сўнги вақтларда (аниқроғи, 2017 йилнинг январь ойидан эътиборан), ҳалқаро майдондаги янгиликларни кузатиб бораётган бўлсангиз, МДҲнинг қатор мамлакатлари, хусусан, Украина, Қозогистон, Россия ва Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари кўпайиб борётгани ҳақида бонг уришмоқда. Маълумотларга қараганда, турли ижтимоий тармоқларда “кўк кит” номи билан разил ғаразли ғоялар гурухи мавжуд. Уларнинг сони битта эмас, бир нечта экани ҳам маълум. Ачинарли ва ташвишлisisи шундаки, ҳаётнинг аччик-чучиги нима эканини билмайдиган ва дунёқарashi шаклланиш арафасида бўлган, Россия, Украина, Қозогистон ва Қирғизистоннинг ҳар бирида камида 15 нафар ўсмир ушбу ўйин курбони бўлишга улгирган.

Ноанъанавий диний ҳаракатлар ва ташкилотлар инсонни фаол ижтимоий ҳаётдан четлаштиради, Уларни кўплари аъзоларининг жисмоний ва маънавий саломатлигига зарар етказади.

Аммо ноанъанавий диний ҳаракатларга сиёсатчилар, олимларнинг муносабати турлича. Айримларнинг фикрича, виждан эркинлиги тамойилига асосланиш бу жараённи тан олишни тақазо қиласди эмиш. Бизнингча, бундай муносабат, жамият муаммоларини ҳал қилишга, инсон маънавиятини такомиллаштиришга йўналтирилмаган янги динларни қўллаш қандайдир хусусий, сиёсий манфаат, мақсадларни кўзлади.

Ғарб жамиятида кенг тарқалиб бораётган функционал саводсизлик, минг йиллар давомида шаклланган маънавий, ахлоқий, умуминсоний қадриятларнинг емирилиб бораётгани, оилавий, шахсий муносабатларда индивидуализм, эгоизм каби салбий хусусиятларнинг кучайиб бораётгани, турмуш кечиришнинг яхшиланиб боришига қарама-қарши равишда айрим ёшларнинг маънавий тубанлашиб бораётгани каби салбий ҳодисалар маълум манфаат ва эҳтиёжларни түғдириши мумкин. Жисмонан носоғлом ёки оғир касалликка дучор бўлган шахсларда келажақдан умидсизлик, тушкун кайфият ҳам маълум эҳтиёж ва манфаатларни шакллантиради.

Яшашнинг моҳиятини у дунё азобларидан жонини қутқаришда қўрадиган кишилар ҳам, жамият учун анъанавий бўлмаган мусиқа, рақс ва шунга ўхшаш жамоавий хатти-ҳаракатлар ҳам айрим кишиларни ўзига жалб қилиши мумкин. Хуллас, ҳар қандай жамиятда

жамият такомилига, маънавий тараққиётга мос бўлмаган эҳтиёжлар, манфаатлар жуда кўп бўлади. Янги диний ҳаракатлар турли-туман ижтимоий ҳаётдан четлашган, синфсизлашган, жамият тараққиёти талабларига дош беролмаган кишилар интилишлари, эҳтиёжларига мос бўлиши мумкин.

